



Мухаммад
Али

ҚўНГИЛ
НАЙЛАРИ

Муҳаммад Али

КЎНГИЛ НАЙЛАРИ

Шеърлар

Достон



11789



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент – 2016

Муҳаммад Али

КЎНГИЛ НАЙЛАРИ

Шеърлар

Достон



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821. 512.133.1

КБК 84(5Ў)6

А49

Тўпловчи ва масъул муҳаррир

Сирожиддин Рауф

Али, Муҳаммад.

Кўнгил найлари / М. Али. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 236 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али шеърияти инсон руҳининг нозик тебранишларини идрок қилишга қаратилган, ҳикматларга бой, дилкаш, тарих туйғуси йўғрилган фалсафий талқинлари билан ажралиб туради. Унинг “Машраб”, “Гумбаздаги нур”, “Бешгул” ва бошқа дostonлари, “Боқий дунё” шеърий романи ўқувчиларга яхши маълум. Шоир гарчанд кейинги вақтларда кўпроқ тарихий проза билан машғул бўлса-да (“Сарбадорлар” дилогияси, “Улуғ салтанат” эпопеяси), назмда ҳам баракали ижод қилмоқда.

Қўлингиздаги китобда шоирнинг турли даврларда ёзилган энг сара шеърлари билан бир қаторда янги шеърлари ҳам ўрин олди.

УЎК 821. 512.133.1

КБК 84(5Ў)6

© Муҳаммад Али

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,

2016

ISBN 978-9943-03-920-9



ҚАСАМ

*Жону танга қасам, Ватанга қасам,
Ватан деб жон фидо этганга қасам!*

*Турон деб ўртанган Темурбек ўғлон,
Ул ўғлон алқаган чаманга қасам!*

*Сўз сеҳри, камоли Навоийда жо,
Ул султон, ул шоҳи махзанга қасам!*

*Бобом хоки ётган шу азиз тупроқ,
Кимиёи саодат маъданга қасам!*

*Қасамки, бизлардан озод ва обод –
Ватан қолсин дебон айтганга қасам!*

*Аскарман, юртни деб белларим боғлиқ,
Мардона отилган қадамга қасам!*

*Мен учун дунёда ўшал ягона
Ул оҳу, ул сиймин баданга қасам!*

*Юрт эркин, эл бахтин куйлайман баланд,
Қўлдаги найзамас, қаламга қасам!*

*Фақат Ҳақ йўлида қалам тутдим мен,
Жону танга қасам, Ватанга қасам!*



* * *

Болалар улғаймоқ истарлар,
Дунёни чулғамоқ истарлар.
Кексалар яшармоқ истарлар,
Ёшларин яширмоқ истарлар.
Ҳаёт на кексарур, яшарур,
Ул – қари, ул ёшдир бир умр...

* * *

Бир йигит бор, келишган, гўзал,
Бир ушлаган олмасин узар.
Йўлларида, ҳе, қанча кўзлар,
Ўзин қайга қўёлмай бўзлар.
Бир қиз ҳам бор, ишвакор оху,
Йигитларнинг тугамас оҳи,
Ёндирадур оламни, ёху,
Қасд айласа қасдли нигоҳи!
Бироқ улар хоҳи эрта-кеч,
Бир-бирига етолмаслар ҳеч...



* * *

Қачонлардир яшаган Хайём.
Деган эди: “Дунё бебақо.
Мен ҳам бир кун ўлгум, вассалом!
Тупроқ бўлар дурри бебақо”.
Қачонлардир яшаган Хайём.

Ажаб, шундай экан-да дунё!
Хайём ўзин этади инкор.
Ундан қолмиш дурри бебақо
Ҳануз тирик, ҳануз фусункор!
Ажаб, шундай экан-да дунё.....

* * *

Майлига йиглангиз, йўқ эътирозим,
Ихтиёр қилмасман кўз ёшингизни.
Севгида ҳам бўлгай тошу тарози,
Бурчим огоҳ этиб қўймоқлик сизни:

Кутмангиз шафқат.

Фақирнинг биргина бор илтимоси,
Олий ишқ ҳурмати, боқмангиз қия.
Куйиб кул бўлмиш бу юракни, рости,
Кўз ёшлар селида сўндирай дея,

Уринманг фақат...





СОНЕТ

Бўдим не-не шаҳарларда мен,
Бегоналик ҳиссин тўймадим.
Яйраб-яйраб кулдим, ўйнадим
Намхуш-намхуш саҳарларда мен.

Қишлоқларга боқдим, тўймадим,
Кулиб келган баҳорларда мен.
Қовоқ уйган қиш-қорларда мен
Завқланишни асло қўймадим!

Тушунмайман, аммо негадир,
Кўҳлик кўринади кўзимга,
Чет қишлогим, чўлим ўзимга.

Юрагимдан топганми қадр,
Кўчалари тупроқ бўлса ҳам,
Шўр, чанглари кўпроқ бўлса ҳам...



ШАРИФА

Сени қора дедилар,
Сени хафа қилдилар, Шарифа, Шарифа.
Аммо ноҳақ эдилар,
Менинг қалбим тилдилар, Шарифа, Шарифа!

Кўзинг кўзимда эди,
Кўнглинг кўнглимда эди,
Мисли фаришталигинг
Тушмас, ўнгимда эди.
Ёшинг ёшимда эди,
Ошинг ошимда эди,
Сенга тушган хижиллик
Менинг бошимда эди.

Фисқу фужур тақдилар,
Таъбингни тун қилдилар, Шарифа, Шарифа,
Зимдан, зимдан боқдилар,
Ва хохолаб кулдилар, Шарифа, Шарифа.

Олам тик турармиди,
Олам тинч турармиди,
Шунча бадбўй миш-мишдан
Барқарор бўлармиди?

Менинг қайлигимсан-ку,
Айни лойигимсан-ку?
Сени ким бетоб дегай,
Сиҳат-соглигимсан-ку!

Енгилтак қиз дедилар,
Тарихингдан тушдилар, Шарифа, Шарифа.
Яхши хислатинг юлқаб,
Юз ёмонни қушдилар, Шарифа, Шарифа.

Кўзинг кўзимда эди,
Изинг изимда эди.
Сенинг бутун ҳаётинг
Битта сўзимда эди.
Парво қилма, жонона,
Сўлма ҳеч бир замона!
Юракдаги сўзларим
Миш-мишларга бегона!

Сени кўролмадилар,
Тинчиб туролмадилар, Шарифа, Шарифа.
Аммо кўнглимга зарра
Шубҳа сололмадилар, Шарифа, Шарифа...



* * *

Нетай, кечмиш ҳар айёмингга
Ошно, шерик бўлолмадим ман.
Қўй, альбоминг кўрсатма менга,
Дил ёнмасин дарду аламдан!
Шуқудингни бош эгиб маъюс
Кўрмаганим минг марта афзал.
Тагин кўриб: “Гўзаллик, афсус,
Фоний экан” демай у маҳал...





ҚҰЗИЧОҚ

Яшил ўтлоқ эркаси, сакрай-сакрай тинмайсан,
Оламда не гаплар бор, англамайсан, билмайсан...

Майсаларга эгиб бош, курт-курт қиласан доим,
Онанг суйиб юнгларинг ялаб қўяр мулойим.

Нарироқда аллаким сени кузатар шу чоқ,
Кўзларида недир бор, ёнида совуқ пичоқ...

Сенга боқиб кўзлари тиниб кетса, ажабмас,
Сенга қадар пичоги синиб кетса, ажабмас...





ЮРАГИМ

1

Қайларгадир интиламан жимгина,
Шовқинлардан, суронлардан йироқда,
Тўқишларим оддийгина, жўнгина,
Кўчирмадим ҳали уларни оққа.
Шодликними, қайғуними ахтариб,
Хаёлларим элдан бурун чопарлар.
Шамоллардай кезиб бебош, сарсари,
Дўстларинми, душманларин топарлар.

2

Шодлик қайдан келар экан, ажабо,
Қайғу эса қаердадир яширин.
Бир-бирларин кўролмаслар доимо,
Гоҳ иккисин этолмайсан ажирим.
Инсон илк бор келганида дунёга,
Томоқ дарди унга эди ошино.
Шодлик, қувонч қайдан келди бинога,
Қайдан чиқди қайғу деган муаммо?

3

“Ёлғиз” куйин тинглайман-у, дўстгинам,
 Нимадандир зирқирайди вужудим.
 Чўлда танҳо қолган каби бўлурман,
 Ҳеч бормикин ёлғизликнинг ҳудуди?
 Мана, рубоб чидолмасдан йиғлайди,
 Торларини узмоқчими дутор, воҳ!
 Гижжак шўрлик ўз бағрини тиглайди,
 Фақатгина доирадир бепарво.

4

Тамаки, рост, дўстим, эмас безарар,
 Оғу каби қуйилади танамга.
 Нолимайман лекин, ҳар шому сахар
 Аччиқ тутун тўлиб олса хонамга.
 Ўз ишини билиб қилар инсонлар,
 Гоҳ насиҳат бефойдадир уларга.
 Мен чекаман хаёлда зўр ишонч-ла
 Тутунлардан фориг бўлмиш кунларга.

5

Тоғ бошига чиқиб кетдим девнамо,
 Бир томоша айлай дея водийни.
 Водий гўзал: тинглаб бўлмаскан аммо
 Қўй-сигирлар маъраши-ю додини.
 Ариқларнинг жилдираши йироқда,
 Булбулларнинг олислиги ҳақиқат.

Бунда совуқ; Ер шовқини қулоқда,
Булутлар-ла ошно тутиндим фақат.

6

Юксақларда, қора осмон остида,
Онда-сонда қўниб ўтаркан булут,
Заҳмат шоҳи Прометей устида
Жигар чўқиб ётар ҳали филбургут.
Бизга аён, бургут кучи ҳад билмас,
Прометей омон қолмоғи душвор.
Лекин, ажаб, бизларнинг-чи, бургутмас,
Ул инсонга ишончимиз улуғвор.

7

Мен истаган ҳаёт ҳали олддадир,
Меҳри билан, қаҳри билан жамулжам.
Баъзан юрак қурғур ўзин алдайди,
Дейди: “Мана ўша ҳаёт, ўша дам!”
Йўқ... Ҳисларим яна олис йўлдадир,
Бирга юрак қўрқуви ҳам далдаси.
Мен истаган ҳаёт ҳали олддадир,
Бугунгиси, фақат унинг ваъдаси.

8

Йўқлик коми тортиб кетди кунларим,
Хотирада қолди ёлғиз хаёли.
Қандай кечди кундузларим, тунларим?
Улар бари сокин дарё мисоли.

У кунлардан нега рози эмасман?
У кунларни кўргали йўқ кўзларим!
Бугун шундай ҳақиқат-ла мен мастман:
Ақдимиз кеч кирар экан, дўстларим.

9

Ёруғ ҳаёт берган қувонч, лаҳзалар,
Гўё лабга тегиб соб бўлган шароб.
Тинчланоқмас юраккинам, қанчалар –
Жуфт оҳу кўз дидага солган изтироб!
Мен англайман шунда инсон шахсини,
Ўйлайманки, бу таъбирим жоизроқ:
Шодликда у олгай тоғлар таҳсинин,
Қайғуда-чи, чумолидан ожизроқ...

10

Ҳақиқатим бўлар эди ягона,
Хаёлимга кирган қаро кўзгача.
Менга қайғу, ташвиш – бари бегона!
Ҳайҳот, ҳаёт ҳақиқати ўзгача!
Келишолмас ўша икки ҳақиқат,
Ҳар сония тўқнашарлар иккиси.
Шундан ҳаёт даққиси ҳар дақиқа,
Шундан кўнгил ўқтин-ўқтин йигиси.


11

Яширмайман, нелар кутиб ҳаётдан,
Кўзларимга жо этганман кечалар.

Кута-кута, олий умидга, зотан
Етолмайин ўтиб кетди нечалар!
Не кутасан қовуштириб қўлингни?
Мўминларга ахир ҳаёт бегона!
Англагилки, ким истайди ўлимни,
Кутмоқликка мажбур бўлади яна.

12

Кимларнингдир, балки, бахтин қўриқлаб,
Тортишамиз фақат жўшқин ва дангал.
Лекин шунда ўз мақсадин улуғлаб,
Бахтимизга кимдир солади чангал.
Биз билмаймиз, дунё ишин измида
Айтишамиз, койишамиз, юрамиз.
Барчамизга парво қилмай, жимгина –
Ўз йўлида айланади куррамиз...





ДАЛАЛАРГА ҚИЛАЙЛИК ТАЪЗИМ

Далаларни йўқлаб қўяйлик,
Қиш бошламай мастона базм.
Юр, шаҳарнинг эркаси – Лайли,
Далаларга қилайлик таъзим!

Тиним билмай кунларинг ўтди,
Ташламасдан бир зум шаҳарни.
Мен далалар қўйнида кутдим,
Ҳар файзиёб шому саҳарни.

Доно юрак хуноб қилганда
Ўшаларга ёридим фақат.
Тентак ақд қаҳқаҳ урганда,
Ўшаларга берилдим фақат.

Вужудимга қуёш қуйилса,
Дардларимни тинглайди улар,
Гоҳ қувончдан гулларга тўлса,
Гоҳо сўлғин инграйди улар!

Унда кузак кезмоқда ҳозир,
Балки йўқдир хандон лолалар.
Нечоглик соз! Йўқласак ахир,
Яшнаб кетар сўлғин далалар!

Юргил, эркам! Шаҳар бозорин
Ноз-неъматга тўлгани ҳаққи,
Сен кирганда, бой дўконларнинг
Қучоқ очиб тургани ҳаққи,
Далаларни йўқламоқ, майли,
Бўлиб қолсин одат ва расм.
Юр, шаҳарнинг эркаси – Лайли,
Далаларга қилайлик таъзим!





ҚИЗ ҚҰШИҚ АЙТАДИ

Қиз құшиқ айтади юраги тўлиб,
Нурафшон туюлар зим-зиё кеча.
Қиз құшиқ айтади юраги тўлиб,
Қийқирар тутолмай ўзин бир неча.

Қиз құшиқ айтади юраги тўлиб,
Мен чиқиб кетаман осмон-фалакка.
Қалбимга қайдандир шеърлар қуйилиб
Ул осмон-фалакда қўймаслар якка.

Қиз құшиқ айтади юраги тўлиб,
Мен арши-аълога бориб етаман.
Шунда кимдир “Дўст! Дўст!” дейди суюлиб,
Етти қат ер ичра кириб кетаман!..

* * *

Ногоҳ газаб ичра бепарда шамол
Хазонларни сочиб ташлагай.
Лаҳза ўтгай, яна баргларни хумор,
Ардоқлагай, ўпа бошлагай.
Мен ҳам қаҳр ичра чарх урган маҳал,
Ер-ла яксон этурман, лекин –
Айрилиқ асридан сўнг каби ҳар гал
Юзларингни силайман секин....



* * *

Яна бир кун айлагил бардош,
Чек қўйгаймиз айрилиққа ҳам.
Қайғу эса олиб кетиб бош,
Танҳоликда тутгувси мотам.

Жафо чекмай жонона қайда –
Эскилардан қолган бу мақол.
Ўйла ахир, қайси ғамдийда
Жафо чекмай топибди иқбол?

Иккимизга маъюслик надир,
Иккимизга нима битта ғам?
Висол дами сўрганда қадр,
Унутгаймиз дунёни, эркам.

Шунда, кулиб боқарсан сулув,
Кўз ёшларинг энди кераксиз.
Шунда аввал дод деган қайғу
Қувонч бўлиб туюлар шаксиз....



ИЛТИЖО

Шоҳимардон тоғларига юр,
Пешонага тегсин шамоли.
Чиқайлигу нигоҳи мағрур,
Қолдирайлик шаҳарни холи.
Пешонага тегсин шамоли.

Шаҳарнинг ҳам тегдик жонига,
Кундузи ҳам, оқшомлари ҳам.
Салом айтиб, ер ўғлонига,
Сайр этайлик тоғ шомлари ҳам,
Кундузи ҳам, оқшомлари ҳам.....

Шаҳардадир ҳаётнинг насри,
Минг қилса ҳам шаҳар бағри тор.
Олам қўйни, дунёнинг бағри
Менинг юрагимда барқарор!
Минг қилса ҳам шаҳар бағри тор.

Тоғ дарёсин кечайлик бирпас,
Ўпка шимсин чинни ҳавони.
Биллур ҳаво шаҳарни эмас,
Хуш кўргувси шошқин дарёни.
Ўпка шимсин чинни ҳавони.

Юр, кўнглингни ўкситмай ахир,
Тоғ-тошларга олиб кетайин.
Гар хуш келса ям-яшил бағир,
Узоқ-узоқ қолиб кетайик.
Тоғ-тошларга олиб кетайин.

Эланишим истайсанми ё,
Сардори дил, гапимга кўнги!л!
Турмушидан бўлсин ризо,
Бу кенгликка ўрганган кўнги!л!
Дил сардори, гапимга кўнги!л....



* * *

...га

(Ҳазил)

Суманбарим, қайғурмагин ҳеч,
Санамагил ташвиш деб буни.
Шу ташвишинг дея эрта-кеч
Қўларимдан қувдим уйқуни.

Кундузлари йўқ менда тиним,
Ҳар кун тургум субҳи саҳарда.
Наҳот сен-чун топилмас, меним,
Биронта уй азим шаҳардан?

Ўртанаман, ёнаман, ёлгиз
Шаҳри азим боқади лоқайд.
Прописка бўлмаса, ҳой қиз,
Қайтармисан қишлоғингга, айт?

Қисматимиз бир экан, ҳайҳот,
Чигаллигин, майли, қўятур.
Юр, азизам, шу эрса ҳаёт,
Қўрмаймизми бахт синаб бир қур?

Балки ишлар келар ўнгидан,
Бахт ҳам кулиб боқар бизларга.
Уй олармиз, ҳатто сўнгида
Бой бўлармиз ўғил-қизларга.

Ғар шаҳарда йўқ бўлса уй-жой,
Қўй, чиқмасин оҳинг фалакка.
Кўк бағрида яшагандек ой,
Прописка қилгум юракка!

Ҳеч чораси бўлмаса агар,
Бу жойларни кетармиз ташлаб.
Қишлоқ бор-ку, майли, шу шаҳар
Яшаб кўрсин бизларсиз, яшаб!

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

Сухбати соз эди, давра – қиёмат!
Лоладай қизармиш қадаҳлар бари.
Юрак-юрагидан йигитга фақат,
Фақат бахт тилашди ёру дўстлари.

Ҳаммага бош эгиб қўяр паришон,
Хаёллари эса даврадан йироқ.
Янги бахт тиларди дўстлари ҳамон,
Ул... эски бахтини қўмсарди бирок....



ОНА ДУОСИ

Биринг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қиларман умрим борича.

Кўзингда кўрмасам алам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонот савдо,
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо!

Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қоронғу кўринса, бу кўҳна дунё,
Кетсин деб қалбингдан ер юткур алам,
Ёришсин дунё деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса такрору такрор,
Кенгликка чиққин-да, айтгин шўх ўлан,
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.

Қадим эртақларни тинглаш создир хўп,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бевош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базмингга.
Номинг дoston бўлиб юрсанг эл аро,
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагил минбаъда,
Фисқу фасодлардан нари бўл, тўхлим.
Олгину олдирма, униб-ўс, фақат,
Юзимни ерларга қаратма, ўғлим....





МЕН ТУҒИЛГАН УЙ

I

Сўри узра эгилган ишком
Соя ташлар қуюқ, ёқимли...
Қаердасан, жонажон макон,
Бугун сени ёмон соғиндим!
Баҳор чиқди яна тўн кийиб,
Йўрғалайди йўлларда кўклам.
Ичиқора каби шумшайиб
Қояларда кўринар кўлка.
Исиб кетди кун ҳам оташнок,
Пешонага ўзини урур.
Ерлар исиб буғланар, бироқ
Исимайди юрак қурмағур.

II

Ишкомларнинг пинжига кириб
Жим турасан, уйгинам менинг.
Келиб кетсин, кетсин бир кўриб –
Демакликка тилинг йўқ сенинг.
Чет қишлоқнинг сўнгги нуқтаси,
Сўнгги боғи, уйгинам меним!
Қўйворилган отим нўхтаси,
Қамчилайман уни бетиним!

Мен шубҳасиз, сенга қайтаман,
Яшамоқдан шулдир муродим.
Сен бўлмасанг унда нетаман?
Резгиланиб кетар ҳаётим!
Ёш боладай суярман гоҳи
Энтикиб қошингга борганда.
Ва кўкларга кўтаргум токи
Ўзбек қони қайнаркан танда!

III

Сен, наздимда, дунёдай қадим,
Сен, наздимда, тонг каби порлоқ,
Шодликлардан юксалар қаддим,
Хаёлларим узундир бироқ....
Сен, наздимда, ғунчадай маъсум,
Сен, наздимда, ишқдай баркамол.
Лабларимда ўйнар табассум,
Борлигимни чулғайди хаёл....

IV

Соя ташлар қуюқ, ёқимли,
Сўри узра эгилган ишком...
Келдим-ку, эй мен-чун суюмли
Ватан бўлган жонажон макон!
Меҳр-шафқат, ҳису ҳаяжон –
Ҳаётимда бўлса неки бор,

Қарамадим юзига тамом,
Дўстларимга айладим нисор!
Энди барин сенга атадим –
Бисотимда қолган меҳримни,
Юрагимдан силқиган дардим,
Куйиб-пишиб ёзган шеъримни.

V

Балки кечдир сенга қайтганим,
Бепарволик қилдим, эҳтимол.
Лекин, турар, жажжи ватаним,
Кўз ўнгимда шундайин бир ҳол:
Бу дунёнинг эртасин ўйлаб,
Чўзиларкан бизнинг басту бўй,
Сафарлардан соғинчни куйлаб
Кеч қайтармиз доим, Она уй!
Юзимизга солмайсан асло,
Қаршилайсан жимгина, зотан –
Бизлар бола – беташвишнамо,
Сен, ташвишли онасан, Ватан!



* * *

Хаёл беринг менга, шундай бир хаёл,
Ўйларимга сигмасин ўша.
Хаёл беринг менга, шундай бир хаёл,
Торлик қилсин менга бу гўша.
Хаёл беринг, ҳа, яна тулпор,
Тулпор билан қувлайин уни.
У хаёлда не-не чаман бор,
Умрларнинг бордир мазмуни.

О.... бепоён хаёлни қучиб
Тўлдирайин бўм-бўш қалбимни.
От минай-да, юлдузга учиб,
Ул юлдузга сочай қаҳримни.
Сўнг самодан пастга отилиб,
Бағрим берай шу она Ерга,
Сингиб кетай, кетай битилиб,
Сўнг айланай оташин шеърга!..

Оташин шеър, бекарам гўзал,
Бисотингда бори изтироб.
Оҳ, ўзинг-ку яшнарсан тугал,
Ўзгаларни айларсан хароб.

Ризодурмен, эй соҳиби ишқ,
Қисматим ҳам сенинг қўлингда!
Билмасмисен, ёрни деб ошиқ
Боргусидир ҳатто ўлимга!

ТОНГ

Тоғда тунаган туман тоғ бошидан ўргилиб,
Ёнбағирдан сирганиб ерга қўнди оҳиста.
Уфқда осилиб қолди, нозиккина оқ булут,
Денгиз бўйига чиққан оппоқ дуррали қиздай...
Ҳадемай барг юзида шабнам йилтиллаб қолар,
Ораста боғ саҳнида тунги шамол излари.
Ҳали қуёш уйқуда: аммо ёришиб борар
Уйқусиз Она Ернинг ажин босган юзлари...



ДАМЛАР

Фароғатли дамлар қошимда!
Руҳим кезар мисоли сайёҳ,
Мен йигирма олти ёшимда
Ҳаёт шунча гўзалдир, воҳ-воҳ!

Шўх кўзларга тўлган ҳарорат,
Бу кафтларда тепиб турган қон!
Эсу ҳушдан менмас нафақат,
Айрилгандир ҳатто Шайх Санъон!

Шамолларда оҳанг оқади,
Ариқда-ку, ўша таниш ҳол:
Ҳа, унга ҳам кўп хуш ёқади
Қуёш билан айламак висол.

Гоҳ солланар қорамтир осмон,
Булутлар ҳам қора негадир.
Майли, майли! Ошиқ бўлган жон
Мурувватли бўлади, ахир!

Майли, қовоқ уйса-да осмон,
Қилса ҳамки баъзан дилни ғаш,
Не бўлса ҳам, дилбарим, инон,
Гўзал эрур барибир яшаш!

Сочларингда қуёш ялтирар,
Бир сўз демай хушнуд боқурсан.
Ёмон кунлар ҳақида, дерлар,
Ўйламагай ким токи хурсанд.

Англадингми, сен бугун, дилбар,
Ўйлаб қўйган дашномингдан кеч.
Мен ҳам бугун, эртага келар –
Айрилиқдан сўзламасман ҳеч!





ҚАЛАНДАР УМРИ

(Саъдий Шерозий “Гулистон” ини ўқигач)

1

Бостириб кийганча кулоҳини у
Девордан бўйинини чўзиб қаради:
Чалдевор. “Эҳ, дунё деганлари шу....”
Бостириб кийганча кулоҳини у
Хароба ҳовлидан ўтиб боради.

2

Кашкулин кифтига ташлаганча у
Қайрилиб ортига бир-бир қаради:
Итни “ол, кишт” лашар болалар қий-чув...
Кашкулин кифтига ташлаганча у
Тўполон кўчадан ўтиб боради.

3

Асога оҳиста таянганча у
Бош тутиб теграга маъюс қаради:
Поёнсиз бир саҳро. Атроф қоронғу...
Асога оҳиста таянганча у
Кимсасиз саҳродан ўтиб боради.

Сийрак соқолини чимчиб-чимчиб у
Чўққидан водийга суқли қаради:
Пастда ётган дунё нақадар сулув!
Сийрак соқолини чимчиб-чимчиб у...
У – сулув дунёдан ўтиб боради!...



* * *

Сувга тушган тош каби беғам,
Бепарвоман, кошки десам дод.
Қисматимиз шу экан, санам,
Қоқ иккига бўлинган ҳаёт.

Билолмайман, не бўлди ўзи,
Нечун энди биз бошқа-бошқа?
Нечун сенинг қизармас юзинг,
Нечун мен ғарқ бўлмайман ёшга?

Оёқ тираб туриб олсанг ҳам,
Тақдир ҳукмин айларми ижро?
Ўртамизда наҳот бекарам
Қиличини ўйнатгай ҳижрон?

Икки ёққа кетдик иккимиз,
Дўст эдик-ку, бир тана, бир жон?
Ўкинсанг-чи, сен ахир маъюс,
Йиғласанг-чи, бағринг бўлиб қон!

Мен юрагим зах ерга бериб,
Ўртансам-чи, қолгандай ғамда!
О, қанийди, сенга ёлвориб
Шеър ёзсайдим ҳеч бўлмаганда!..

Йиғлагали топмадинг имкон,
Гамлар аро юрмадинг ҳориб.
Қизиқ, мен ҳам юрак тўла қон,
Шеър ёзмадим сенга ёлвориб....

БУХОРО ГЎЗАЛИГА

(Ҳазил)

Ул париваш бу чаманнинг бир гули хандонидир,
Кўзлари юлдуз эса, зангор рўмол осмонидир.
Маҳбус ўлмоқ истасанг гар, кел анга кўнгилни бер,
Ваҳ, анинг қалби Бухоро Аркининг зиндонидир!



ҲАЁТ АБАДИЙ

Том бошида ёйилган хирмон,
Дон шопирар буғдойранг аёл.
Гоҳ кўзлари бўлиб нигорон
Йироқлардан чорлайди шамол.

Ғув-ғув эсиб қолар шабада,
Дон қуйилар ғалвирдан шов-шув.
Пастда эса, мўъжаз кулбада
Ўғилчаси ётар беуйқу.

Хув нарида, тоғлар бошида
Куйлаб ётар шалола шов-шув
Ва аёлнинг шундоқ қошида
Сирғанади шабада ғув-ғув...

Дон шовулар, шовулар хаёл,
Мавжудот ҳам қайтарар садо.
Эсишини ҳеч қўймас шамол,
Ғалвирда ҳам дон бўлмас адо...



ИРМОҚ

Ирмоқ, сен эмасми, у чопқир ирмоқ,
Эзгу ниятини куйлаган умр?
Бедаво дашт аро кўринган маёқ,
Зулматлар бағрида милтиллаган нур?
Кўнғироқ ҳисларинг сарҳадсиз мунча,
Мунча кенг бўлмаса, сенинг оламинг?
Эҳ, не-не очилмак истаган гунча
Интиқ кутишмақда пойи қадаминг!
Сен

сурон

сатҳида

суриниб,

синиб,

Оҳиста

олдинга

одим

отасан.

Майсалар баргига ранглардай иниб,
Мудраган тошларни эзиб ўтасан.
Ҳаёт-ку, аслида бўлмас осуда,
Аслида уйқудан ўзи уйғотар.

Қарагин, тепангда булуглар тўда,
Йўлингда тепалар тил билмай ётар.
Беқарор қумлар-чи, эзгилаб сени
Кўнглингга кирмоққа ошиқар беҳад.
Уларга не керак, не керак энди,
Ахир ёш жонингга қилишсин шафқат!
Сен дегин уларга: “Эй ғами йўқ тош,
Эй, тил билмас тепа, эй заранг бағир!
Нечун зулм қиласиз, нечун? Мен бевош
Тил бермак истайман сизларга ахир!”





МУҚАННА ВАСИЯТИ

1

Мен яшайман ҳали зиёда,
Жимир-жимир қилар юлдузим.
Ногоҳ ўлсам, дўстлар, дунёдан
Очиқликча кетгуси кўзим.
Сизга битта васиятим бор,
Қазом етса, қилгайсиз адо.
Пок бўлса бас, биз ўсган диёр,
Бўлмаса бас, юзимиз қаро!
Васият шу: менинг ўлганим
Дўстларимга ҳеч айтманг, қўйинг!
Пайҳон этиб қалблар гулшанин,
Ғамга кўмманг рўзгорин, уйин!
Улар менга ишониб яшар,
Ишонганман уларга мен ҳам.
Ишонч, ишонч бўлмаса агар,
Қулар эди меҳвари олам.

2

Бу дунёдан отам аввали
Қўлин ювиб қўлтиққа урди...
Онам эса баҳор маҳали
Фонийликка юзини бурди.

Она бўлиб қолди шу тупроқ,
Ота бўлиб қолди шу улус.
Сингил бўлиб – ҳар гул, ҳар япроқ,
Оға бўлиб – ёзу баҳор, куз...
Ҳеч бирига айтманг ўлганим,
Саргайтирманг тупроқ юзини.
Ҳасса бериб халқимга маним,
Баттар букманг унинг тизини!
Фақат денгким она тупроққа:
Муқаннанинг ризқи кўп, беҳад.
У-ку, ўлмас, ўлгани чоқда
Оғушингда ўлади фақат!
Юзларингга қўйгай юзини,
Рози қилгай, денглар, сўнгги бор.
Хор айлар у балки ўзини,
Аммо сени қилиб қўймас хор!

3

Қишлоғимда сеҳр, афсундай,
Парда ичра яшар бир пари.
Фақат унга айтингиз, унга
Очиқ айтинг, бор гапнинг барин!
Битта йўлдан юрганмиз икков,
Бир ҳаводан олганмиз нафас.
У – мен учун энг даҳшатли ёв!
Увоққина моҳипайкар.... Бас!
Яширмангиз, сенинг Муқаннанг
Дарёдай кўл бўлди ёши, денг!

Жон-жонидан ўтдию ситам,
Шарт кесилди азиз боши, денг!
Қотиб қолсин, майли, бир лаҳза,
Ўнгми – тушми, билолмай қолсин.
Томирлари титраркан аста,
Қилмишидан аламин олсин!
Умидворман: сўнгра ул пари
Армон билан йиғласа керак!
Оҳ, жуда соз! Жаллод сингари
Тошдан эди ундаги юрак!
Тошдан эди дийдаси, ҳай-ҳай,
Золим эди асли ул пари.....
Фақат унга айтингиз, атай –
Очиқ айтинг бор гапнинг барин!
Насибам-ку ҳали зиёда,
Лекин бефарқ қолдирманг сўзим:
Ўлди, денглар, унга! Дунёдан
Очиқдикча кетмасин кўзи!





ПАРВОЗ

Изгиринлар устидан
Елар менинг Ғиротим.
Қайга учмак керакдир –
Билар менинг Ғиротим!
Қанотларин остида
Мовий шамол гувиллар,
Гувиллайди ўрмонлар,
Тоғу дара, овуллар.
Пастда қолар қишлоқлар,
Қингир-қийшиқ йўллар ҳам,
Умри бир жойга банди
Муқим қотган кўллар ҳам.
Сайрон булутлар эса
Интиқ боқиб турарлар.
От кўзида поёнсиз
Кенгликларни кўрарлар.

Нилий фазо қўйнида
Елар менинг Ғиротим,
Қайга учиб борар у?
Билар менинг Ғиротим!
Кенг манглайга юлдузлар

Келиб қўнар доимо,
Гоҳо Етти Қароқчи,
Гоҳ Чўлпону гоҳ Зухро.
Балки Етти Қароқчи
Ўғирламоқ истайди?
Шундан уни юр дея
Қайларгадир қистайди?
Балки Зухро – нозларда
Парвариш топган пари.
Қабоҳатсиз кенгликда
Айлар уни сарсари?
Балки Чўлпон юлдузи
Қулоғига чалар бонг:
“Кўряпсанми, тонг отар!
Отмакдадир гўзал тонг!”

Эй тулпорим, учарсан,
Ўт чақнатар туёгинг,
Нечун? Ёки тегдими
Ер сатҳига оёгинг?
Гўрўғли измида сен
Эрурсан учқур қанот.
Шоҳқаландар олганда
Туркистон шаҳрини бот,
Таъзим этди сенга у
Ўмровингга кифт қўйиб,
Авазни қанча суйса,
Сени-да шунча суйиб....

Шоир учун сен – Илҳом,
Ки, уфққа учмишдир.
Ахир ул ҳам ўз бағрин
Самоларга очмишдир.
Унинг-да сен сингари
Қанотлари бор, мағрур!
Қанотлари бир улкан,
Ўзига ҳам юк эрур...

Ана, учар! Ҳайбатли
Илҳом дулдули учар!
Тинса, бўрондай тинар,
Кўчса, қоядай кўчар!
Қаршисида тўфонлар,
Бало-қазолар бекор!
Ул ёзда кузни кўргай,
Қишнинг забтида – баҳор!
Мутлоқ унга демасман:
“Қуйи тушгил, қуйироқ!”
Истамасман, ёнимдан
Кетмагин ҳам кўп йироқ.
Ана, учар! Ҳар тараф
Рангин оҳанг таралмиш:
Юриш учун эмас, у –
Парвоз учун яралмиш!



АВРАНГЗЕБНИНГ ЧИНОРИ

...Бир чинор ўсарди Кашмир шаҳрида,
Подшо Аврангзебнинг севган чинори.
Давлат ишларини қўйиб нарида
Тез-тез бурар эди шу ён тулпорин.

Ногаҳон битта шайх кўнглини ёрди:
“Ҳеч ҳам тилим бормас сизга айтгани,
Балдаи Кашмирда зўр масжид бор-ку?
Ибодат маскани, тоат маскани...
Ёниб кетмиш! Кечир, э парвардигор!...”
Подшо сапчиб турар ўрнидан шу он:
“Унинг ёнидаги чинор-чи, чинор?
Чинорга не бўлди? Тез айланг баён!”
“Чинор бут! Чинорга ўт тушгани йўқ!”
“Хайрият!” – дер подшо.

Ҳай, ё, бу калом
Аъёни салтанат, аъёни қутлуғ
Шайхларни ҳайратга солганди тамом!
Ибодат маскани бўлсаю кул-кул,
Бу мудҳиш хабарга қилмасдан парво,
Қандайдир чинорни сўраб турса ул...
Шаҳаншоҳ динидан қайтдимикин ё?..

Сўнграқ сўрадилар буни подшодан.
Подшо кулиб деди: “Аён кўрурман:
Ибодат маскани ёнса, мабодо,
Сизга юзтасини тиклаб берурман.
Аммо, билинг, ёниб кетсами чинор....
Гарчи зўр подшоман, узундир дастим,
Гарчандки, истасам, этсам ихтиёр,
Битта чинорни ҳам тиклай олмасдим!...”





БАҲОР КЕЛГАНДА

Мен баҳор келганда
Борлиққа боқаман.
Борлиққа рангларни
Ранг-баранг тақаман.
Ҳув олис тоғларнинг
Елпинган шамоли,
Юзларим сийпалаб
Ўтганда иболи,
Осмонга теппа-тенг
Ўзбекнинг пайкали
Кўзимни тўлдирса,
Лолага бўялиб,
Қандайдир ўртаниш
Сезарман ўзимда,
Ўртаниш изларин
Изларман ўзимдан.

Мен баҳор келганда
Кўзларга боқаман.
Кўзимга шодликдан
Инжулар тақаман.
Тупроққа ранг берган
Буғдойранг чехралар....

Каранг-а, баъзи бир
Нозиктаъб зиқналар
Кўрарлар баҳорнинг
Лойқали сувларин,
Кўрмаслар дилларнинг
Долғали ўйларин.
Кўрмаса – кўрмасин,
Кўргувчи кўражак!
Кўрганда туйғулар
Кўкракка уражак!

Мен баҳор келганда
Осмонга боқаман.
Осмоннинг кўксига
Юлдузлар тақаман.
Гарчи соф, гарчи кенг
Ул осмон, ул фалак,
Лекин ул остида
Ер ётар жонҳалак.
Майсалар ўсадир,
Суюмли майсалар....
Баргларин, бўйларин
Оламга ёйсалар....
Майсалар нияти
Улуғдир, эй осмон!
Сен улар тупрогин
Ҳибс этдинг бегумон.
Майсалар ўсадир,
Сени-да йиқай деб.

Мовий юксакларга
Мен ҳам бир чиқай деб!

Мен баҳор келганда
Тонгларга боқаман,
Тонгларнинг бўйнига
Туманлар тақаман.
Чиққувчи қуёш ҳам
Илғолмас ўзини.
Илғар-да, ер узра
Ташлолмас изини....
Гўдакдек мурғак тонг
Чол каби ҳансирар.
Шўрликни ногаҳон
Ёмғир ҳам қамчилар.
Отилган оққушдай
Тонг ётар титраб.
Наҳотки туғилмоқ
Шунчалар шараф?

Мен баҳор келганда
Ҳаётга боқаман.
Ҳаётга орзулар,
Армонлар тақаман.
Борлиқда навбаҳор.
Навбаҳор маҳали,
Қайтадан бошланур
Дунёнинг сайқали.

Либослар – янгича,
Янгича туйғулар.
Жиловдан чиқади
Қувончлар, қайғулар.
Гар шуни сезмасанг
Ўликсан, эй банда!
...Тек туриб бўлмайди,
Навбаҳор келганда...





СПИТАМЕН

(Туркумдан)

Ушбу туркум, эримиздин олдин 329 – 327 йилларда Искандар босқинчиларига қарши курашган, ўзбеклар аждоди – массагетларнинг йўлбошчиси, халқ қаҳрамони Спитаменга бағишланади.

I. Қаҳрамоннинг ўйлари

1

“...Бўрон елар кўчаларда тез,
Кўринганга урар ўзини.
Наҳот, ҳар ким бепарво бу кез
Бўронларга тутмас юзини?
Кўним топмай ерда, вожаб,
Айланади барги хазонлар.
Қорайтирар осмонни шитоб
Мағриб ёқдан кўчган тўзонлар.
Ҳамма кўрқиб қочади бу дам,
Пана жойга уради ўзин.
Наҳот ҳеч ким тик боқиб, бегам
Ўтказолмас бўронга сўзин?
Ё бўронда бир дунё газаб,
Балки унда уммоний қаҳр?

Мен ҳам шошиб кетяпман, ажаб,
Мен қаёққа кетяпман ахир?

Спитамен! Кўксингда яшар
Қўрқоқ юрак – бесамар умр!
Наҳот? Наҳот?! Шундай бўлса гар,
Телба бўрон, андак тўхтаб тур!

Мен шундаман, қўлимдан юлқаб,
Элим аро айла шармисор!
Ташла жисмим тилка-тилкалаб,
Ҳатто насиб бўлмасин мозор!

Ҳали яшаб улгурмаган бу –
Ёш юракни айлагил барбод!
Спитамен ҳолидан мангу
Қаҳ-қаҳ урсин шу ғолиб ҳаёт!

Рози бўлгум ўзим ўзимдан,
Инобатга олингай раъйим.
Қўрқоқларни чунки қадимдан
Шундай қисмат кутади доим!..”

2

“...Дарё тентирайди жарни ёқалаб,
Қонли уфқ чўмилар оғушида тинч.
Шовулар оҳиста, шовулар нола,
Балки дарё ичра оқадир севинч?

... Чўққи турар ана, қанотли гурур
Булутлар ичида бўлмоқда талош.

Донишманда кўринар, доно, қурмағур,
Балки қотиб қолган оддий қора тош?

...Мен қоя ёнида турибман қалқиб,
Дарё кўзларимга ирғитар осмон.
Дўстлар, бир қарашда сокинман балки,
Балки, дил тубида жўшмақда бўрон?..”

3

“Шодликка ўралиб келади қайғу,
Зимистон қаърида чақнайди юлдуз.
Илинтириб қолар кўзларни уйқу
Ташқарида бўлса-да кундуз.

Бу – шундоқ. Йигитлар, ҳали ёшсиз, ёш,
Дилларга тиг солманг сабаб-бесабаб.
Ватанни севишга топингиз бардош,
“Севаман!” – деб сотиб юрманг гап!..”

4

“...Даврангизда ўлтираман гоҳ,
Танҳо сезиб ўзни, дўстларим.
Дил ёритмас ҳеч қандай чироқ,
Тинмас ўзбошимча ҳисларим.
Тор кўринар кўзга дунёлар,
Ҳаётим ҳам на қувноқ, на шан,
Элни ўйлаб келган хаёллар
Бўлганида тумандай равшан.
Сизни ўйлаб кечалари ман

Уйқуни-да қувлайман нари!
Юз очади нотаниш гулшан,
Аммо унда йўқсиз, дўстларим.
Дардлар кўп-а! Дардлар беҳисоб,
Кошки эди киришса сўзга!
Онт ичаман: билмайди ҳисоб
Уларни шу тупроқдан ўзга!
Шароб қани? Балки у шоввоз
Калит топар дилнинг қулфига?
Мана қадах, томизинг оз-оз,
Тоқат йўқдир майнинг кўпига!
Сизлар кулги билан овора,
Кулгингизга қўшилмас уним.
Қайғурингиз бўлмаса, зора
Қайғунгиздан ёришса кўнглим!..”

5

“...Дарахт ўсар сахрода танҳо,
Бўрон урар, урар унга бош.
Дарахт кўзин очолмас, аммо
Бардошига қўшади бардош.
Бўрон каби ёпирилиб ногоҳ
Хаёлларинг қуршайди мени.
Айлаб огоҳ, айламай огоҳ
Қўлларимдан ушлайди менинг.
Кўзларимдан уфқлар қочган,
Завқларимдан уммонлар қарахт.
Довуларга бағрини очган
Дарахтман-ку, мен ҳам бир дарахт.

Ҳасратингнинг қора еллари
Кўзларимни очгани қўймас.
Қўй!... Ўткинчи, ўткинчи бари...
Хўрсинмагин, Она юртим, бас!

Қара, дарахт саҳрода танҳо,
Урар, урар бўрон унга бош.
Дарахт кўзин очолмас, аммо
Бардошига қўшади бардош....”

II. Она Ер алласи

“Спитамен ўлди” – дерлар шу палла....
Она насибаси доимо: Алла,

Алла-ё алла...

Қўйдилар, Спитамен, сени қабрга,
Йўқ, йўқ, қабр эмас, она бағирга!

Алла-ё алла!

Мен ахир онангман, мен – Она тупроқ,
Мункиган чоғингда сен суянган тоғ,

Алла-ё алла.

Келгинди ёвузлар ҳоли бўлди танг,
Миннатдор онангман, миннатдор онанг...

Алла-ё алла.

Қошида, ўғлининг бошин кессалар,
Қай она ишонар, ўлди, десалар?

Алла-ё алла.

Ханжар тутган ахир доим мард бўлмас,
Искандар ўзи ер тишламай қолмас!

Алла-ё алла!

Бир оз ҳориб қолдинг, ором ол ухлаб,
Отинг ҳам нарида юрибди ўтлаб,

Алла-ё алла!..

Эгарнинг қошига осиглиқ қилич,
Тиғида нур ўйнар, нурларки, нотинч...

Алла-ё алла!

Қўзғалма, қўзғалма, ухлайвер ҳали,
Олдинда уйқудан турар маҳали.

Алла-ё алла...

Унгача отинг ҳам ўтлаб олади,
Унгача аллам ҳам тугаб қолади...

Алла-ё алла...

Алла-ё алла...





МУВАШШАХ

Аламми ҳаётдан нолиб гоҳида
Боболар кўзига олишарди ёш:
“Дунёнинг беқарор қароргоҳида
Умр посангисин босарми ҳеч тош?..”
Лаълу дур ҳам бунда чорасиз қолур,
Лавозим дегани маънисиз бир гап.
Аммо яшамоқнинг файзи йўқолур
Жаҳоннинг савдосин кетсангиз ўйлаб.
Омади гап эмас, хазинаи ганж,
Нурафшон эрмак бу, буюк бир юпанч:
Озодлик туйғуси дилни яшартсин,
Рухият тонглардан олсину нафас,
Илҳом моҳпайкари бағрига тортсин,
Фароғат гоҳида сийлаб турсин. Бас!





КЎНГЛИМ ГУЛИ

(Халқ қўшиқлари усулида)

I

Хув тоғларга қор тушар,
Боғларда анор пишар.
Қачон менинг тоғ қалбим
Сен боғ билан топишар?

Эй, тоғдаги мағрур қуш,
Совуқ тошга босма тўш!
Хув дарада бир қиз бор,
Ёстиғининг ярми бўш....

Чўққидаги қоя тош
Ёлғизликдан эгар бош.
Яккаласа ёмғирлар,
Кўзларидан тўкар ёш.

Боғда ҳам бир танҳо гул,
Танҳоликда аъло гул,
Кўз ёшига юз ювар,
Сўнгсиз гамларга машгул.

Сен ёлғизсан, мен – диққат,
Иккимизга йўқ шафқат.
Уртамизда овора –
Сарсон бўлди муҳаббат...

Хув тоғларга қор тушар,
Боғларда анор пишар.
Бир кун менинг тоғ қалбим
Сен боғ билан топишар...

II

Оҳу кўзи қийиқдир,
Бийрон тили тийиқдир.
Ёлғончи ёр дастидан
Бағри дилим куйиқдир!
Оққина олма экан,
Назаринг солма экан.
Ёр бўлса ўз йўлига,
Ўзингдан қолма экан....

Шохи синиб шафтоли
Танг бўлибди аҳволи.
Ҳазир бўлинг, тутмасин
Биздақалар уволи!

Кўлдан ўрдак учибди,
Нимадандир чўчибди.
Ёрим қошин қароси
Юрагига кўчибди.

Хирмон сомонсиз бўлмас,
Кўнгила гумонсиз бўлмас.
Бу беш кунлик дунёда
Умр армонсиз бўлмас...

III

Мен қайтарман қишлоғимга,
Униб-ўсган гулбоғимга.

Парвонадай урилгани
Ёниб турган чирогимга.

Дилгинамда согинчим бор,
Танҳо ўзим кезарман, ёр.
Ҳануз мактаб чорбоғида
Шовуллаб биз севган чинор.

Учирма қуш бўлдикми ё,
Бир ширин туш бўлдикми ё,
Парвоз этдик турли тараф,
Учдик-кетдик биз бепарво.

Олисларда ҳориб юрдим,
Кўп элларни бориб кўрдим.
Баридан ҳам зўр экансан,
Зўр экансан, она юртим!

Ахир сенда мисли баҳор,
Ўсиб бўйга етди дилдор.
Қаердасан, эй қиз, бугун,
Қаердасан, сўлим нигор?

Мана, кўча чароғондир,
Хаёлларим фаровондир.
Фақатгина сен йўқсан, сен,
Йўлингга кўз нигорондир.

Қайтмасмисан қишлоғингга,
Униб-ўсган гулбоғингга?
Парвонадай урилгани
Ёниб турган чирогингга?..



ФАРДЛАР

Календарь олдиди

1

Отдинг бир кунингни йиртиб, гижимлаб...
Ғазабдан сўзлашга қовушмайди лаб!

2

Агар сир-асроримни душман билмасин десанг,
Дўстингга ҳам айтмагил, оқилу доно эсанг...

3

Ҳажрингда чидамай ҳадсиз фироққа,
Ўзимга келай деб кетдим йироққа...

4

Икки тиллик фақат қаламмас, зинҳор!
Икки оёқдилар ичида ҳам бор...

5

Муҳаббат – май каби олгай баҳони:
Тенг қилиб қўяди шоҳу гадони.

6

Умриму бардошим дорга тортилсун!
Бош тортсам, бу бошим дорга тортилсун!

7

Бир ҳикматга имон келтирдим тамом:
Инсон енга олмас ўз-ўзин мудом...

8

Елкамизга оёқ қўйишиб, яна:
“Елканг қаттиқ!” – дея қилурлар таъна...

9

Жамолинг, ажабки, бир жаннаторой,
Мисоли юргандек жаннат аро ой...

10

Дунёнинг иши шу: кўнгила олмоқ, бил,
Кўнглимни олгину кўнглингни чоғ қил!

11

Инсоннинг ўз устидан зафаридур муҳаббат,
Инсоннинг мангуликка сафаридур муҳаббат.

12

Дилдор, дилдормусен, асил ёрму сен?
Дилга дориму ё дилга дорму сен?





ЁРУҒЛИК ШАРҚДАНДИР

(Самолётда)

Амриқо осмони тун ичида ғарқ,
Мағрибдан машриққа учиб бораман.
Ҳов, ана, нимтатир бўзармоқда Шарқ,
Қутлуғ тонғ яловин аён кўраман.
Бари ҳикмат, дўстим, расул барҳақдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Доно табиатда ажиб ҳикмат бор:
Ҳеч қачон Ғарбдан тонғ отмайди, асло!
Шарқни хўб сийладинг, эй парвардигор,
Унга йўл бошлашни айладинг ато!
Ўйласанг, дил ёнар жаҳоний шавқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Булутлар чекиниб нурга йўл очар,
Сомон йўлин тутмиш юлдузлар чанги.
Олисда Ватаним машъалдай порлар,
Аллақачон отган Истиқлол тонги!
Қалб потрар мисли йўқ гурур ва завқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Буюк ал-Хоразмий шуури олмос,
Фарғоний нигоҳи ёрар зулматни.

Беруний идроки ҳеч қачон сўлмас,
Ибн Сино бергай элга мададни!
Миннатдорман доно шу улуг Халқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!
Бек шаҳрим Самарқанд – пойтахти жаҳон!
Соҳибқирон меҳри меҳрига пайваст.
То ҳануз янграйди замини замон:
“Самарқанд сайқали рўйи замин аст!”
Овозлар таралар шамсу шафақдан:
“Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!”
Илҳом деб, дунёдан танҳо ўтган зот,
Чақиндай чақнаган жаҳоншумул шеър,
Ўзбекка бахш этди манғулик ҳаёт,
Барқдек нур улашди улуг Алишер!
Асрлар ёришар лаҳзалик барқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!
Озодлик қуёши бош узра ёнар,
Аён кулиб боқар ёрқин келажак.
Кўчамда қийқириб болалар ўйнар:
“Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак!”
Мусаффо осмоним, иқболим Ҳақдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!



КУҲНА УРГАНЧ МИНОРАСИ ДЕЙДИ

Йиқилмоқда дерлар мени,
Йиқилгувчи йўқ ҳали.
Паноҳ тутган эрлар мени
Қиргин жанглар маҳали.

Чингиз босиб келганида
Эгилмаган бу бошим.
Жалолиддин ўлганида
Тўзган эмас бардошим.

Аmmo бошим эгилмоқда,
Она Ерга таъзим бу.
Замон-замон алмисоқдан
Асраб келган орзуим бу.

Она Ерга фидо бўлсам,
Ўздан рози бўларман.
Мен ўлмайман! Агар ўлсам,
Тикка туриб ўларман!



БОБОЛАР ҮГИТИ

Ҳар қачон сен душманингни
Бартараф айлайин деб,
Ўтга-чўққа урма ўзинг,
Юрма беҳуда ғам еб.

Ўз ишинг қил. Ҳақ деб сени
Бир кун кўргизиб имдод,
Тор кўнгилли душманингни
Бартараф этгай ҳаёт!





ҚИЗ ҚҰШИҒИ

“...Йўл бошига қарайман,
Нега ёрим кўринмас, ўргиламан.
Шаббодадан сўрайман:
“Нега ёрим кўринмас, ўргиламан?”

“Чорбогда тунов куни
Кўриб қолдим-ку уни.
Дейди: “Нозу фироқда
Адо қилдингиз мени!
Кўзингизни яширманг,
Биз ҳам ахир кўрайлик.
Қани, қани, бир қаранг...
Оҳ, кўзингиз чиройлик!
Оҳу десам, оҳ чекиб,
Тоғда оҳу жим ётмас!..”
Шундоқ дейди энтикиб,
Шундоқ дейди тап тортмас!
Уйга келиб кўзгуда
Кўзларимга қарайман.
Чиройлиман, деб жуда,
Ўз-ўзимча яйрайман...”

“Сувга чиқдим эрталаб,
Қушлар уйғонган пайти,
Сочимни бир-бир ташлаб,
Сувга юзимни чайдим...”
Кимдир дейди: “Оҳ, кўрдим,
Қаро сочин ҳам, шукур.
Худо – битта, не дердим,
Сочларингиз зўрдан зўр!
Сунбул десам, сунбул ҳам
Қорайгуси ҳасаддан!..”
Шундоқ дейди шум акам,
Шундоқ дейди тўсатдан!
Уйга келиб сочимни
Бир-бир ушлаб кўраман.
Тараб тўймай сочимни
Майда-майда ўраман...”

“Кетяпману сезилар:
У келмақда ортимдан.
Бирданига-чи, қайсар
Пайдо бўлди олдимда!
Қаранг, аҳволин кўриб
Қаҳ-қаҳ кулиб юбордим.
Не дейди, денг, оҳ уриб?
“Кулишингизга борман!
Шалолога кўп қийин,
Шалоло ҳам хор бўлур!..”
Шундоқ дейди атайин,

Шундоқ дейди қурмагур!
Уйга келиб, албатта,
Юриб-юриб кўраман.
Ҳеч ким йўқ бўлган пайтда
Кулиб-кулиб кўраман....”

“Эшикнинг тирқишидан
Пинҳона назар солдим.
Кирибманми тушига?
У мени сезиб қолди!
“Ҳо, биқиниб тургунча,
Бу ён чиқинг, кўрайлик!
Бир қаранг-чи, намунча
Қарашингиз чиройлик!
Кўриб, рашк ичра энди
Куйиб кул бўлар қуёш!..
Шундоқ дейди у танти,
Шундоқ дейди у бевош!
Уйга келиб ўзимни
Орзуларга ўрайман.
Кўзларимни юмгунча
Йўлларига қарайман...”

“Йўл бошига қарайман,
Нега ёрим кўринмас, ўргиламан.
Шаббодадан сўрайман:
“Нега ёрим кўринмас, ўргиламан?..”



* * *

Шўхлигим ёқади, қарайман зимдан,
Доим тегажоқлик этиб юраман.
Не қилай, одат-да, болалигимдан
Ҳаддидан ошишни яхши кўраман.

Дердилар, чатоқ иш қилмагин шошиб,
Афсуслар чеккайсан ўзинг олиб тан.
Кўрингиз, мен бевош ҳаддимдан ошиб
Шул бағри қаттиқни севиб қолибман!..





МАРА ҲҒЛОН ҚАСИДАСИ

*(Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган
ўзбек ўғлонига)*

Исминг нима эди, эй гойиб ўғлон?
Балки суюк Абурайҳондир.
Балки Йўлдош, балки Машраб ё Султон...
Бари жаҳон ичра ниҳондир.
Шавкатли, шарафли Тошкент пойтахт
Қадамингга интизор ҳануз.
Онадек авайлаб, сени билиб бахт,
Дийдорингга зордир, зор ҳануз.

Онанг Фарғонада ҳамон йўл пойлар,
Сендан сўйлаб кўнглин сезар тоғ.
Андижонда ёринг кутмоқда ойлар,
Синиқ хотир, паришон димоғ...
Қалбида севгининг нашъасин суриб,
Хаёлида суйиб-суймаган.
Сени муюлишда ногаҳон кўриб,
Қарагану тўйиб-тўймаган...

Рўмолча тикай деб номингни ёза,
Игна ишин қўлига олган.

Ўзбек боғларидан айлаб андоза,
Нақшин нигор турфа гул солган..
Оҳ! Уруш бошланди! Титради жаҳон!
Оромини йўқотди ўлка!
Ўзбек боғларига эсиб бодхазон,
Дилларга ғам солмасми кўлка?

Тўхтамасми мавждан она Сирдарё,
Мунгаймасми далалар ахир?
Юртим осмонига суртилиб қаро,
Осмонлардан ёғмасми қаҳр?
“Фатво бер, онажон! Жангга жўнай!..” – деб,
Ўзбекистон сари юз бурдинг,
Жаҳоннинг халоскор ўғлони бўлиб,
Майдонларда мағрур от сурдинг!

Соҳибқирон бобонг, ёвқур Темурбек
Европани асраб қолганди,
Чангал солиб Олтин Ўрдага шердек,
Россияга паноҳ бўлганди.
Халоскорлик бордир азал қонингда,
Бари жаҳон аҳлига аён.
Ватан – имонингда, меҳри – жонингда,
Шараф сенга, шараф, эй ўғлон!

Сен инъом айлаган иқбол тафсири
Сигмагувси шоир сўзига.
Сен мангу ёш қолдинг – жўн бунинг сири:
Тик қаролдинг ўлим кўзига!

Сендай ўғлон юрти нурларга тўлгай,
Осмони ҳеч кўрмагай зоғлар!
Рўмолча тўқилгай, кутишлар бўлгай,
Шовуллагай мангулик боглар!..

ОҲУ КЎЗИНГ

Термилар оҳу кўзинг, ёҳу, кўзим яйратгали,
Кўздаги қайгуларин қайгуларимга отгали.

Кўз қирин ташлаб шу дам ҳазрат Алишер оҳ чекиб,
Лайли-ю Қайсни юбормиш ишқ сирийн ўргатгали.

Бу фалак, юлдузу ой не-не нигоҳни ўйнатур,
Лек ёнар икки кўзинг икки кўзим ўйнатгали.

Термилар кўзинг ва лек, боқсам хумор уйқусидир,
На илож, бечорамен чарх уйқусин тарқатгали...

Бул тараф келмоқда Машраб, ул фиғон ичра ҳануз,
Ғафлат уйқудин сеними ё мени уйғотгали.

Бир жафосига жаҳон мулкин сўраб олғай, ажаб,
Ёр, вафо борму, десам, ёр истамас сўз қотгали.

Ёрни, бас, севдинг гурур-ла, эй Али тарк этма ишқ,
Сен жаҳонга келмадинг-ку минг гуноҳга ботгали!



ҚИЗИЛ ГУЛ

Катта оилада вояга етдим,
Пасту баландни ҳам кўрдим росмана.
Мен ота-онамнинг тўнғичи эдим,
Уйдан йироқларда юрибман мана.

Мен она қишлоқда юрсайдим агар,
Далада бўлардим план тўлгунча.
Ҳар кун кеч ётардим, турардим саҳар,
Токи укаларим одам бўлгунча.

Шиддатли ва бетин – меҳнат қучоғи!
Елиб-югурардим, ҳориб-толардим.
Иш аро лаҳза вақт топганим чоғи,
Ариқлар бўйида мизғиб олардим....

Ниҳол ўтқазардим боғ ичра нуқул,
Боғим ҳам бўларди оламшумул боғ.
Боғда, супа узра чўғдай қизил гул,
Бўй сочиб турарди яшнатиб димоғ.

Самимий ташвишлар ичра гамларим
Найча ичидаги симоб янглиғ оз.
Ўқдай ўтар эди, хуллас, дамларим,
Тин билмас шамолга келар эдим мос.

Ажаб!.. Мен йироқда юрибман энди,
Ўйимни банд этмиш бошқача олам.
Қошингда барчаси унут кўриди,
Эй ҳаққи покиза, алифдай қалам!

Тортинмай кўнглимни сенга ёрдим мен,
Топширдим измингга руху имонни.
Қара-я, сеҳргар экансан-ку сен,
Кашф этдинг бутун бир Ўзбекистонни!

Шунда англаб етдим, нечун уй, қишлоқ
Унут бўлиб қолди мен-чун дафъатан.
Битта тушунчадир сахро-ю гулбоғ,
Битта тушунчадир уй ила Ватан!

Ватан! Пок дилларнинг бўстонларида
Бир алвон чечаксан, битта Қизил гул!
Сен хазон билмассан, жон-жонларида
Парвариш этадир ҳар битта кўнги!

Сира кўз олдимдан ўша гул кетмас,
Катта ёзмоқ ишқи қўймас мени тинч.
Қайдадир, қайдадир Шеър кезади маст...
Қайда ул Буюк шеър, парвосиз севинч?

Кўнгилга умидлар чўғини солиб
Гарчи йироқларда кездим мажнунвор,
Васф этайин дедим, келмадим голиб,
Катта ёзмоқ иши бўлди-ку душвор!

Ол-алвон қонлардан тонглар оқарди,
Сен ўша тонглардан олибсан сеҳр!
Сен шундай гўзалки, сенга боқар-да,
Тилим ўз-ўзидан боғланар ахир!

Менга нима эди ўзимни қийнаб,
Ўзни қийнамоқнинг ҳозир пайtimi?..
Бурчлиман, фарзандман! Рост эрур бу гап,
Бари шу фарзандлик бурчнинг қайtimi.

Шиддатли ва бетин меҳнат қучоғи!
Чизиб-ўчирарман, ҳориб-толарман.
Иш аро лаҳза вақт топганим чоғи
Қаламга суяниб мизғиб оларман.

Гоҳ яхши ёзарман, гоҳ эса ёмон,
Тиним йўқ, ором йўқ шоирга унча.
Ҳолбуки, қишлоқда юрсайдим бу он
Далада бўлардим план тўлгунча....

Хаёлу ташвишинг қўйгил, эй шоир,
Қувнайсан юзингни боққа бурганда.
Сўзга ҳожат борми, қошингда ахир,
Қизил гулнинг ўзи яшнаб турганда?..



АРМОН

Узун кечаларда хаёл тўлқини
Бостириб келади гуруҳ ва гуруҳ,
Кечалар қўлидан қочиб, юлқиниб,
Учраб қолар шунда оромсиз бир Рух.
Бу не сир, не ҳол бу, нима ўзи бу?
Билмайман, кўп оғир ўйга толаман.
Кимдир фароғатсиз яшаб ўтгану
Ўшанинг руҳи бу, демоқ бўламан.
Менинг ўйларимни кўриб тургандай,
Рух нидо қилади, қаранг, шу нафас:

“Рухнинг жойи бўлак, билгил, эй банда.
Дунё даштларида у кезиб юрмас!
Дунёда ҳар нарса ўткинчи эрур,
Ҳеч бири, ҳеч бири қолмагай омон.
Капалак ўз умрин боқий деб билур,
Бироқ қисқалиги аён-ку, аён!
– Мен Армон! – ногаҳон нидо қилар у. –
Мен ўлим деганга келган қиронман!
Ўлганлар ўйлаган гўзал хаёлу
Ўлганлар кўрмаган орзу армонман!..

Менман – Спитамен жанг қилган пайти
Мижжага илашган ғафлатли уйқу!
Мен ўша сайёднинг бечора сайди,
Мен ўша шоирни йиғлатган оху!

Муқаннадек полвон ўғилнинг обод,
Озод она юрти – ширин туши мен!
Мард Темур Маликнинг бошига, ҳайҳот,
Қўна олмай кетган ҳумо қуши мен!

Менман, Зебуннисо бир умр кутган
Висоли бенасиб, ошиғи дилсўз!
Менман, Улуғбек деб аршни тарк этган,
Замин пучмогида топталган юлдуз!

Машрабнинг айтмаган васиятиман,
Сиртмоқда бўғилган олов шеърият.
Чўлпоннинг мингдан бир азиятиман,
Тошларда чилпарчин биллурий ният!

Менман Мирзачўлда боқий қолмаган,
Хазон бўлган, тўзган ғунчанинг атри!
Мен – Ғафур Ғуломнинг улгуролмаган,
Ёзиб битолмаган шоҳона сатри!

Мен-ку, Мулла Тўйчи умрин камоли –
Куйламоқ бўлгани – буюк қўшиқ ҳам.
Мен ўзбек ўғлонин эзгу хаёли –
Она юрт бағрига қайтмаган қадам!..”

Шаббода ипаги сингари майин
Судралиб боради этаги ерда.
Ерга ҳам, кўкка ҳам парво қилмайин
Бир зумгина тўхтар қорайган қирда...
Гўё оқ матога чулғанган пари,
Гўё оқ қўлларин чўзар лоларух.
Ундан сизиб ўтар ойнинг нурлари,
Шаффоф парда бўлиб туюлади Рух...

“...Қишлоқ уйқудадир. Кичик майдонда
Мармар ёдгорлик бор – юрт эҳтироми.
Фақат шу ёдгорлик уйғоқдир, унда
Йигирма ўғлоннинг ёзилган номи.
Буларнинг умри ҳам топди-да завол,
Булар ҳам кўрдилар душманнинг жабрин.
О, буларни беҳад сийлади иқбол:
Кўрингиз, битта тош – барининг қабри!

Алам-ла силайман бу совуқ тошни,
Зарҳал ёзуви ҳам ярқираб кетар.
Айтинг, тирилтирмоққа йигирма ёшни
Қайси паҳлавоннинг қудрати етар?
Қани улар, қайда ошиёнлари?
Уларнинг ёрлари кетдилар қаён?
Қайдадир уларнинг қиз-ўғлонлари?
Уй-рўзғори қайда? Этингиз баён!

Ёруғ орзулари қайларда қолди,
Қай элларда кечар шому саҳари?

Шому саҳарлари мангу йўқолди,
Замбараклар кўмди қаҳ-қаҳаларин!

Мен – улар рўзғори, қизу ўғлони,
Мен – улар ўстирмоқ бўлган бир чаман.
Шу вақким, қора тун чўккани они
Мармар ёдгорликни кўриб кетаман...

Нурафшон умрингга қара, эй ўғлон,
Гарчи йитиб кетди не-не инсонлар,
Зулматли йўлларни машъаласимон
Ёритиб турибди ўша армонлар!..
Сезаман, қайдадир ўқлар камари
Тетик сақлаб турар аскар жуссасин.
Тил уқмас тўплар-чи, ваҳший, жангари,
Тагин бошламакчи уруш қиссасин.
Дунёни замбарак оғзига жойлаб,
Тантаи қурарми йўқлик лашкари?
Совуқ мрамртошни сийпалаб, силаб,
Кезиб юрарманми яна сарсари?
Бу не сўз? Бу не ҳол? Сўрай кимдан ҳам,
Гар жавоб бермасанг, эй улуг Ҳаёт!
Армонсиз яшарди бу кўҳна олам,
Бир жондек қўзгалса яқдил Одамзод!”

Узун кечаларда хаёл тўлқини
Босиб келаверар гуруҳ ва гуруҳ.
Туннинг панжасидан қочиб, юлқиниб,
Аста кетиб борар оромсиз бир Рух...

Жиндай қўрқув бору, унга негадир
Боқаман, кўзимни олмасам дейман.
Қўрқаман, охири бориб кимгадир
Мен ҳам армон бўлиб қолмасам дейман!

Тонг ҳам ёришмакда шу он фалакда,
Қуёш илинжида товланар осмон.
Дашт аро кетмакда бир соя якка:
Шоир, у Рух эмас, мангулик Армон!...





ШОИРНИНГ БИР КУНИ

(Миртемир домлага ҳазил)

Шоир турар эрталаб,
Нонуштага ўтирар.
Сўнг тунда битмай қолган
Чала шеърин битирар.

Ўғил кетади ишга,
Ўқишга жўнар келин.
Китобни ёпиб шоир
Гуларга қарар кейин.

Чанқаб ётган атиргул
Тагига сув қуюди.
Шамол буккан райҳоннинг
Қаддин ростлаб қуюди.

Хомтоқ қилар серманак,
Кун тегсин, деб узумга.
Вақти келиб шакаланг
Бош эгсин, деб ўзимга.

Тиним билмайди шоир
Куннинг қизгин чоғида.
Кечгача қолиб кетар
Куйманиб ўз боғида.

“Кеч бўлди-ку! Бас, етар!
Иш қилдингиз киройи!” –
Дея меҳнат ҳақиға
Бўса берар кеннойи...

ФОТИҲА СУРАСИ ИЛҲОМИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Мақтовлар сенгадир, парвардигорим,
Ўзинг меҳрибонсан, айлагил шафқат.
Қўлингда жазо-ю сийловнинг бори,
Сенга сиғинамиз, тилаймиз мадад.
Шундайин ҳақ йўлга бошла бизларни,
Насибамиз бўлсин неъматларинг то
Йўлидан адашган толесизларни
Бизларга дуч этма, учратма асло!



УЙҒОНИШ

Қировли саҳарлар
Қолдилар йироқ,
Эсимга тушмоқда
Қуёшли чоғлар.
Томларда лов этди
Лолақизғалдоқ,
Шамоллар сеҳридан
Уйғонди боғлар...

Ҳамиша ҳаётнинг
Қудрати голиб,
Ёруғ кун андуҳни
Айлайди унут.
Тугилган мушт каби
Кўкка ўқталиб
Барг ёзмоқ пайида
Каллакланган тут.

Қиш ичи увишган
Танини ёзиб,
Чипта қоп тўнини
Ташлагани зум,

Томга чиқайин деб,
Қўлларин чўзиб,
Тармашиб ётибди
Эринчоқ узум.

Зил-замбил қопқоқли
Сандиқ ичидан
Авайлаб олинар
Атлас кўйлақлар.
Қизлар кийиб ўтар
Катта кўчадан,
Куймаса ҳам куяр
Ошиқ юраклар!

Пичан ўримиға
Фурсат бўлса ҳам,
Бозорга борар-да,
Кезиб худди хон,
Ўроқнинг минг хилин
Кўриб, чинакам
Қиличдай кескирин
Танлайди деҳқон.

Отам гулқайчисин
Қидирар томдан,
Яхши ният, дейди,
Одамга тирак.

Боғнинг бир четида
Сахармардондан
Қатор қилиб экар
Қаламча терак...

“Кичкина укангни
Уйлайман кўпроқ...
Қолганинг-ку йўлинг
Тоғиб кетарсан.
Ниҳоллар ҳадемай
Ёзади япроқ,
Беор ва ўсувчан
Бўлар бу нарса.

Тўрттасин чорчўпга
Чамалар кўнглим,
Вассажуфт чиқади
Булардан эса.
Уй қуриб бераман,
Борди-ю ўғлим
Каттароқ кенг уйга
Кўчаман, деса...”

...Дилларда баҳорнинг
Момиқли зарби,
Кўнгилда тирилар
Ҳавас ва сеҳр.

Дунё ўн тўрт кунлик
Тўлин ой каби
Тошдай дийдада ҳам
Уйготур меҳр!

Қишнинг уйқусидан
Турайлик тезроқ,
Йўқ эса, бизлардан
Кулар бу чоғлар,
Аллақачон томда
Ёнган қизгалдоқ,
Шамоллар сеҳридан
Уйгонган боғлар!



САНАМГУЛ

Санамгул! Ўшашинг йўқдир жаҳонда,
Сен мангу яшайсан сирли маконда.
Балқиган жамолнинг кўргани онда,
Уялиб ловуллай беради қуёш.

Санамгул! Сочларинг эрк тимсолими?
Ўзин ҳар ён ташлар толим-толими,
Недандир хомтама ошиқ холини,
Холингдай қорайтма, золим қаламқош.

Санамгул! Дилимни доғлама пинҳон,
Дилимни, йўлимни боғлама пинҳон.
Бургутга – осмон, полвонга – майдон,
Йигитга ёр керак, ёрга-чи, сирдош.

Санамгул! Башарнинг порлоқ фарзанди,
Исмингни ким айтса бўлғувси банди,
Бунча сеҳргарсан, тантисан, танти,
Битта жон сенгадир, омон бўлса бош.

Санамгул! Ўшашинг қани жаҳонда?
Жабру жафойингдай жабр қаёнда?
Зулм қил, не бўлса, майли имконда,
Тоғликлар отгувси ахир фақат тош!...



ЯНГИ ТАНИШЛАР

(Ҳазил)

Янги танишдилар йигит билан қиз...
Сўз ҳам кела қолмас тилга, ажабо.
“Сиз... нималар ҳақда ўйлаётирсиз?” –
Нозланиб сўрайди гўзал дилрабо.
Йигит ерга қарар, юзини бурар:
“Сиз ўйлаган ўйни ўйлайман фақат...”
Қизнинг жаҳди чиқар, ўрнидан турар:
“Уятсиз экансиз! Уят-е! Уят!...”





БЕКИНМАЧОҚ

Оппоқ кечаларда кўчалар тиниқ,
Машҳур бекинмачоқ ўйини кетар.
Бурчак-бурчакларга буқиб, беркиниб,
Сукунат қўйнида болалар кутар.

Паккада қолардим мен эса ҳар гал,
Мен излаб топишни яхши кўрардим.
Садақайрағочнинг ортига гўзал –
Қизча ҳам яширинар – шундайди дардим.

Қидириб у қизни топардим доим,
Болалар норози бўлгани онда,
Ёнимда турарди кулиб мулойим,
Уни топганимдан боши осмонда.

Бугун ул дўстлардан дарак йўқ, мана,
Бугун ул қизалоқ қайдадир, ҳайҳот!
Улкан ўйинларга тортди замона,
Бурчак-бурчакларга яширди ҳаёт!

Ташвишлар тоғини орқалаб озод,
Тонг билан чиқаркан катта кўчага,
Бир лаҳза, бир лаҳза орзиққанча шод
Қайтгим келар ўша оппоқ кечага...

Дўстлар, бошингизда қандайин савдо,
Қандайин шодликдан ёнасиз бугун?
Бугун тепангизда тиниқми само?
Бугун дилингизда йўқмидир тугун?

Оппоқ кечаларда мургак дил аро
Рўёбга чиқмоғин кутган орзулар,
Бугун барг ёздими ям-яшил ва ё
Маъюс хотирага айланди улар?

Сен қайга яшириндинг, эй мулойим қиз?
Қидириб сени ҳам тополмай қолдим.
Беркингандай осмон қаърига юлдуз,
Белгисиз ёқларда сен ҳам йўқолдинг.

Сен дилбар қиз эдинг, хушчақчақ, лобар,
Топдингми ўзингга муносиб бир ёр?
Тинчмисан, соғмисан, хабар бер, хабар,
Бахт олиб келдими сен кутган баҳор?

Балки сен, моҳпайкар, гулруҳ, нозиктаъб,
Дунё маликаси дегулик бир қиз,
Қайси бир нодоннинг раъйига қараб,
Турмуш кечирасан ночор ва ҳиссиз?..

Бекинмачоқ, дедик, яшириндик охир,
“Беркин!” – деб ланг очди ҳаёт ҳам қўйнин.
Бугун, мана, кўрдим, қанчалар оғир,
Қанчалар шафқатсиз экан бу ўйин!

Гулни беркитгандим, қолибди хазон,
Ўтни яширгандим – кул топдим фақат.
Яшириндими, ортиқ қайтмагай имкон,
Яшириндими, ортиқ қайтмас муҳаббат!

* * *

“Хайр! Кўнгил иши нозик, – дедим мен, –
Қайта изим тушмас, бўлди, бу ёққа!”
Нечун кўз ёшингни дарё қилиб сен
Шижоат топмадинг: “Қолгил!” демоққа?

Қайтдим.... Дил юзидан ўта олмай мен,
Соғинч олиб келди яна бу ёққа.
Нечун бардошингни адо қилиб сен,
Жасорат этмадинг: “Кетгил!” демоққа?

Туйғулар тин олар, хаёллар қотар,
Кўнгил бола мисол тийиқсиз; фақат,
Ўзин ерга урар, осмонга отар
Икки юракдаги битта муҳаббат....



СЕН

Сен бир гулсан, гулки, уфор исларин
Шамолларга таратмаган, сочмаган.
Илтижоли эсса ел, сарин-сарин,
Истаб туриб оғушини очмаган.

Сен бир шароб, қадаҳдаги лолагун,
Лим-лим тўлган, тўкилмоқни билмаган.
Тўкилса ҳам тўкилмаган мен учун,
Қатраси ҳам менга насиб қилмаган.

Сен бир кўзгу, оппоқ тонгдан тиниқроқ,
Тун ярмида ёнган юлдуз нуридай.
Жамолингга термиламан мен, бироқ
Кўзим кўрмас сени сеҳринг зўридан.

Сен бир қўшиқ, ҳиссиётли, тугёнли,
Оҳанглари серфусуну сержаранг.
Куйлай дейман кўнгилдаги имон-ла,
Кўнгилнинг ҳам, овознинг ҳам ҳоли танг.

Сен бир орзу, милтираган олисда,
Гарчи ўзга томон элтар йўлларим,
Мажлисингни, висолингни дил истаб,
Қўл чўзаман, аммо етмас қўлларим.

Сен – ниятсан, сен – умидсан, сен ҳаёт,
Борлиқ-йўқлик ғамларини емассан.
Сен – роҳатсан, фароғатсан умрбод,
Фақат менинг жонимга жон эмассан!

* * *

Сизни яхши кўрсак, айб биздами?
Гар гўзал бўлсангиз, айб сиздами?
Сўзласангиз, сўздан эрийди тошлар,
Тиқилсангиз, қайтар қиличнинг дами!

Нега қўлларимдан тутмайсиз ахир,
Тоқати тоқ бўлиб кутмайсиз ахир?
Гул-гул яшнаб кутиб олмайсиз мени?
Соғиниб-соғиниб қолмайсиз мени?

Диллар талпинади, асло тўсиқ йўқ,
Ошиқ дил оҳидай порлоқ қўшиқ йўқ.
Тоглар ортда қолар, дарёлар қолар,
Бизларга руҳ берган толега қуллуқ!

Севмогу севилмоқ эрур ҳаққимиз,
Умид-ла боқамиз висол тонгига.
Майли, бир лаҳзага учрашайлик биз,
Аммо муҳр бўлиб қолсин мангуга!



СЕНГА БАГИШЛАНГАН СОНЕТЛАР

1

Мен сени севардим севгандай гулни,
Ортиқ даражада қўйгандим бино.
Маҳлиё этардинг ошиқ кўнгилни,
Нозли қўлларингга қўйганда хино.

Ҳижронли дамларда бўлмиш ошино,
Сехру ситамингга шайдо бу қулни
Бир сийла – кўксига аста бос қўлни,
Сўнг қўйиб юрмассан қўлингга хино.

Ҳасадгўй дугонанг қўлингни кўриб:
“Қаердан топдинг? – дер. – Шу ёшга кириб,
Бундай зўр хинони учратмовдим мен!”

Мамнун жилмаясан, ловулар юзинг,
Дейсан: “Топганим йўқ.... Бор эди ўзи....”
Хино сифатини сен биласан, сен!

2

Сочинг тараганда ойнага боқиб,
Дедим: “Ҳа, қизларнинг қирқта жони бор”.
“Йигитлар жони-чи, – дединг тудоқиб, –
Ўнта-ю, ўқлоғдек, қилмагудек ор!”

Мен-ку фидойилик қилмоққа тайёр,
Тантилик бобида бормикин рақиб?
Бир тола сочингга юрагим ёқиб,
Ўнта жонимни ҳам этгайман нисор!

Жабрингга ҳад билмай хунобман яна,
Кўйингда ётибман ўздин бегона,
Ўнтадан битта ҳам қолмади жоним.

Худди шундай, кўкда чарх урган бургут,
Еларкан, самога тополмай ҳудуд –
Ўзин ерга отар қуриб дармони.

3

Уммондай хаёлинг айлайман эъвоз,
Орзу-умидларинг хўп авайлайман.
Дилингда жунбишга тушса эҳтирос,
Мен ҳам юрагимни шунга шайлайман.

Қошу қабоғингга доим қарайман,
Ки, бугун об-ҳаво ёзми ё аёз?
Имо эт, керакса, маҳбусларга хос
Ҳатто қўл-оёғим ўзим бойлайман.

Қушлар юраверсин озод фазода,
Шамол елаверсин арзу самода,
Уларнинг ишқи йўқ, эрки бор фақат.
Менга эрк на ҳожат, на ҳожат менга?

Интилиб, ялиниб, ёлвориб сенга,
Топиниб яшамоқ – буюк саодат!

4

Гардиш ичидаги суратингга гоҳ
Орзиқиб тикилсам, ҳайрон қоласан.
“Ахир, ёнингизда юрибман-ку соғ!” –
Дейсан-да, одатим ёмон оласан.

Шўхлик, соддаликда ҳали боласан,
Бу – сурат эмас, йўқ! Бу – нажот, паноҳ!
Қишда аҳволимдан шу эди огоҳ,
Олис эканингда мисли лола сан!

Ҳамма гапларимга унарди сурат,
Аччиқ-чучукка ҳам кўнарди сурат,
Дилимга ботгувчи сўз демасди ҳеч.

Сен-чи, гиналардан ясабон қалқон,
Қора қошларингни айлабон камон,
Тилингнинг учида тутасан қилич!

5

Тамом! Умид қилмоқ энди бефойда,
Энди икки ёққа кетган йўллармиз.
Эҳтимол ногаҳон кўришган жойда,
Етти ёт бегона каби бўлармиз.

Энди ҳижронларга ҳижрон улармиз,
Ўтмишни ўтириб қолсак кун-ойда,

Унда ўзни кўриб камалак, ёйдай,
Гоҳ ширин йиғлармиз, аччиқ кулармиз.

Шундоқ: эсга олиб кечмишин кам-кам,
Сусайган қалбига куч бериб алам
Аччиқ кулганида борлиқда қиш-қор.

Кўриб, пар-пар бўлиб бутун бардоши,
Томлардан томаркан чак-чак кўз ёши,
Беҳол, ширингина йиғлайди баҳор....





ДАЪВАТ

Сен шоирсан, қалбингда бор илоҳий бир ўт,
Қаҳратонлар чекингувси учқунларидан.
Қўлларингга олганигда нозик адо у,
Юракларга шиддат киргай сас-унларидан.

Хаёлларинг чаманларни чизгай ҳавода,
Чаманларнинг гулларига бергай турфа ранг.
Меҳрибонлик кўргизурсан бешак, мабодо
Бирор гулнинг дўл қайириб ҳоли бўлса танг.

Ҳаёт деган иқлим борки, сенинг ҳаққинг мўл,
Қадамингда гупуради бемисл қудрат.
Наҳот ҳали тоғларда бор сен солмаган йўл,
Наҳотки бор сен топмаган шон-шараф, шуҳрат?

Наҳотки бор сен туймаган меҳри мўътабар?
Бордир ҳали овозингга тушмаган суруд?
Сен кирмаган майдон бордир, сен кўрмаган қаър,
Сен кечмаган дали дарё, сен ёнмаган ўт?

Ҳаёт улуғ, қаламини чархлаган шоир
Биллур ичра ўйноқлаган нурдай беҳисоб.
Хавотирга тушма, шоир, сен инсон ахир,
Тирик инсон имконида бор ҳисоб-китоб.

Балки, балки сен тоғларга сололмассан йўл,
Ўтолмассан у йўл билан майдонлар сари.
Чехраларда балқимас ҳам, кезмас ҳам буткул
Сен ёнмоқчи бўлган ўтнинг шаён шуълалари.

Эҳтимолки, nasib бўлмас шон-шарафлар ҳам,
Оқолмассан сен кечмаган дарё сувидек...
О, барида, барчасида эркинсан, журам,
Огоҳ бўлгил, бир нарсада шоирда йўқ эрк:

Офтоб мисол ҳақиқатга солсанг кўзингни,
Туз ҳурмати, нон ҳурмати – *рост* сўзла фақат!
Йўқса... бордир учиргувчи еллар сўзингни,
Бордир ҳали сен кўрмаган иснод ва нафрат!





ЯНГИ ЙИЛ ҚАДАҲИ

Оқшом қўна бошлар қишлоққа мана,
Ҳар уйдан келади жиз-бизлар саси.
Ҳазилмас, йилда бир келажак сана!
Ошиқиб-тошиқиб кўнглим ҳаваси.
Дастурхон қошига чўқдим ҳарқалай,
Қўлимда қадаҳда лимиллайди май.

Давранинг каттаси ўзингиз доим,
Отажон, кирдингиз олтмиш беш ёшга.
Ҳаётни севдингиз қатъий ва қоим,
Гарчи не фасллар тушмади бошга.
Бу кун ёнингизда тўққиз фарзанд шай!
Қўлимда қадаҳда жимирлайди май.

Қозон тепасида ўзингиз, она,
Чарчашни билмайсиз, елиб юрасиз.
Ўғиллар бўйига қараб пинҳона,
Ҳар бирин ёнида келин кўрасиз.
“Шу кунга етказсин, – дейсиз, – айланай!”
Қўлимда қадаҳда ол товланур май.

Фақатгина булут ошнолик қилмас,
Биргина шамолнинг бўлмагай дўсти.

Дўстсиз умр недир? Тузсиз ошдир, бас,
Дўстим, сенинг билан ёш завқим ўсди!
Кўнглим камол топди мустарлик кўрмай,
Қўлимда қадаҳда оловланур май.

Яқинроқ ўлтиргил, суюк дилбарим,
Сокин кўзларингда чақнаб турсин ўт.
Ул ўтдан ўт олсин дилимнинг қаъри,
Қалбим қанот қоқсин бамисли бургут,
Мен эса севгига шукрона айтай!
Қўлимда қадаҳда жиоланур май.

Тоглар қулласида эримайди қор,
Замоннинг йўқ эрур тин олар чоғи.
Мен умр тилайман, эй меҳнатга ёр
Ўзбекистон, юртим, мангулик боғим!
Онажон! Сени деб нечун нўш этмай!
Қўлимда қадаҳда ороланур май!..





БУЛБУЛ

Булбул чаманларда айласа наво,
Уғлон бобосидан сўрайди нуқул:
“Овози яхши-ку! Нимага, бово,
Фақат баҳор чоғи сайрайди булбул?”

Чол кулар: “Биларсан уйлик бўлганда,
Бир куни бошингга тушар бегумон”.
Аmmo булбул зорли чаҳ-чаҳ қилганда
Яна бобосини тинчитмас уғлон.

“Билиб ол! – дейди чол. – Булбул ҳам ёр деб,
Кечалар чарчамай сайраб чиқар маст.
Ёрига етишгач, ташвиши ортиб,
Шурликнинг сайрашга вақти ҳам қолмас!”





МЕН ЎЗИМ, ЎЗИМ

Ошкор айта қолай, яширмай ҳаргиз;
Сизни суядирган мен ўзим, ўзим.
Ўзбеклар элида биргина, ёлғиз
Сизни деядирган мен ўзим, ўзим.

Неча ойлар ошиб, неча йил ошиб,
Булутдай тутшиб, шамолдай шошиб,
Мадҳу мақтовингиз дилимда ташиб,
Элга ёядирган мен ўзим, ўзим.

Етай десам, сизга етиб бўлмаса,
Кетай десам, сиздан кетиб бўлмаса.
Нетай, сифотингиз битиб бўлмаса,
Куйиб-куядирган мен ўзим, ўзим.

Оҳ, десам, оғзимдан сачрайди учқун,
Ер ила самони дуд босгай бутун,
Лекин юрт тақдирин ўйлабон, бугун
Тилин тиядирган мен ўзим, ўзим...

Қаро кўз, мен сизни севармен аён,
Гувоҳлик бергувчи Ер билан Осмон,
Сизга меҳр қўйдим, йўқ энди гумон:
Жондан тўядирган мен ўзим, ўзим!



ТИЛАК

Дўстлар, оламларга ёруғ юз билан
Боқмоқ насиб этсин ҳар биримизга.
Келинг, шунинг учун интилайлик шан,
Бир қараб қўяйлик кўз қиримизга...

Ҳаёт жуда гўзал, ҳаёт муқаддас,
Улуғ бу неъматнинг қадрига етмоқ,
Уни ардоқламоқ осон иш эмас,
Осонмас, шаънига қасида битмоқ...

Оллоҳга шукрлар этмоқ қисматдир,
Бу кони савобдан ёришгай дунё.
Кимки шундай қилса ўша хушбахтдир,
Шайтон вос-восига тутилмас асло...

Шунда ҳақ йўлидан юриб қоқилмас,
Ўз йўлида дадил боргай инсонлар.
Ва ўзи адашиб қолганин билмас
Бизни адаштирмоқ бўлган шайтонлар...



* * *

Хатларни аямай йирта бошларсан,
Ёқиб юборарсан қўймай парчасин.
Шўрлик суратларни қийиб ташларсан,
Майиб-мажруҳ этиб барча-барчасин.

Даврада кечганда байрам айёми,
Эски оғайнилар бўлишганда жам,
Қунту чидам билан “ўша” нинг номин
Дўстлар хотиридан ўчирарсан ҳам.

Унутдим, деярсан, ширин куларсан,
Ясама роҳатдан яйрарсан.... Аммо
Юракдан чиқмаса қандоқ қиларсан,
Бу дардли юракка қайда бор даво?..





АРЧА

Келинчак мисоли ясанибсан соз,
Ялт-юлт безакларга қучоқ очибсан.
Уйнинг ўртасида шукуҳли, мумтоз,
Титроқли шуълалар ҳар ён сочибсан.

Қайда униб-ўсдинг, эй яшил япроқ,
Қайда тенгсиз ғурур бахш этган маскан,
Кўрку чирой берган жонажон тупроқ,
Қаддинг тик тутмоқни ўргатган Ватан?

Бари олисларда қолди, арчажон,
Кечикмайин дея шошиб келдинг сен.
Дийдор кўришмоққа мен билан шодмон,
Тоғу дарёларни ошиб келдинг сен.

Балки маъюсдирсан, кўнглингда туман,
Балки туққан еринг соғинчи қўймас.
Ва лекин қаршингда ўзга анжуман,
Жамолингга боқар, боқар-да, тўймас.

Ажиб фидойисан, эй ёрқин тимсол,
Ажиб ҳикматлисан, эй сулув дарахт!
Ўзингни унутиб эзгу қалб мисол,
Ўзгалар кўнглига солурсан фараҳ!

Шу важким, тўзмагай ҳуснинг, арчажон,
Шу важким, букилмас сенда адил қад.
Шу важким, тоабад тургунча жаҳон
Сўлмас ёшлик берган сенга табиат!

* * *

Япроқдан ипак чиқар,
Чечакдан чиқади бол.
Демак, у япроқ эмас,
Чечак эмас, эҳтимол...

Уруғда яшар ўрмон,
Ҳавас ҳам эмас ҳавас.
Ой ҳам – оймас, кун ҳам кун,
Сен билган мен, мен эмас...



* * *

Ёмғир ёғар майдалаб,
Мусаффордир боғлар ҳам.
Шаффоф томчига қараб,
Сени эслайман, санам.

Икков бирга бўлган он
Ёмғир шундай ёғарди.
Гуллар тараниб алвон,
Балдоқчалар тақарди.

Чехранг яшнаб кетарди,
Томчидай тиниқ жамол.
Сирғанг ялт-юлт этарди
Ёмғир томчиси мисол....

Ёмғир томчиси мисол
Талпиндик олам сари.
Бизни чорлади иқбол,
Орзуларнинг йўллари.

Йўллар экан хилма-хил,
Хатар экан сафарлар.
Юрар манзилма-манзил

Мағлубият, зафарлар....
Дийдор кўришмоқ гумон,
Қайда энди хаёли?
Яшасак-да ёнма-ён
Икки сирғанг мисоли.....

* * *

Тенгингни кўрмасмен бу баҳру барда,
Мислингга мос эрмас кун-да, қамар-да!
Кўзларинг нуридан чекинур, “мен” деб
Юлдузлар ўртага тушса агарда.
Сўйласанг, сўзингга қулоқ бергали
Иштиёқ зўр эмиш қанду шакарда.
Жилмайсанг, тишингдан уялибди дур,
Денгизга урибдир ўзин гавҳар-да!
Висолинг баёни саҳфаларда жо,
Камолинг битилмиш тўртта дафтарда.
Тонг чоғи ният эт, дерлар, етарсен,
Илтижо қилармен шу важ саҳарда.
Васлу висолингдан умидвор Али
Номингни атагай ҳатто маҳшарда!



* * *

Манзурахонимга

Баргларга бош қўйиб ухлайди шамол,
Ариқ жилдирайди бир хил йўсинда.
Ҳадсиз хаёлингга уйқашиб хаёл
Инон-ихтиёринг олади.

Шунда...

Дарчадан хонангга сиргалган оқ нур
Чехрангга соларкан қатим-қатим из,
Сочинг толасига маҳкам боғланур,
У нур – хаёлимдир, эй кўзи нарғиз!

Пардани силкитар дайди бир эпкин,
Деворга уринар, кўз йўқ-да унда!
Ел ҳолига кулиб қўясан секин,
Боғ тараф назаринг ташлайсан.

Шунда...

Кўрай десанг, кўзинг юмгил шу замон
Табиат зарриндир, борлиқ сим-симдир!
Кўзингни юмганда, кўринур чаман:
У чаман – ёп-ёруғ орзуларимдир!

Ўтруда – тошойна. Тошойна ичра
Ёстиққа бош қўйиб ётибсан кундай.
Қирқ кокил кетмишдир қирқ томон сачраб,
Йиғиб олмоққа ҳам беҳолсан...

Шунда...

Садолар келади садога пайваст,
Қулоғинг беркитгил маҳкам шу они!
Қулоғинг беркитсанг эшитилур сас:
У сас – дил тепиши, дилим сурони!

Ҳадемай ўрталиқ оқара бошлар,
Ватаним тонглари тенгсиз фусунда!
Мен уйқу бузгувчи одатим ташлай!
Бас, аста чекилай қошингдан!

Шунда...

Борлиққа қуюлар сокин сукунат
Ариқ ҳам тинади, тўхтайдди анҳор;
Ўша сукунатда – сустлик ва суръат,
Ўша сукунатда – видо ва виқор...





БОЛАЛИГИМ ХОТИРАСИ

Кунчиқарга қараб тушган пешайвонлик уй,
Дарахлари сийраккина, кафтдақкина боғ,
Арава ҳам зўрга сиғар салқин кўча-кўй,
Боғлай десанг белга тасма бўларли қишлоқ...

Жазирада жизғанаги чиққан биёбон,
Сап-саргайган лойқа сувдан лим-лим оққан сой,
Кундузлари бошгинангда ёйилган осмон,
Кечалари чарх товоқдек тўлиб боққан ой...

Ёш шуурга бўй бермаган югурик хаёл,
Хаёлни ҳам ҳайратларга буркаган ҳавас,
Ва ниҳоят, оҳу кўзли бир соҳибжамол...
Соҳибжамол... болалигим тугар шунда, бас!





ҚИЗЛАР ҰН ЕТТИГА КИРГАНДА

Анҳорнинг бўйида ўлтирар қизлар,
Юракда қайнайди ноаниқ ҳислар.

Бўтана сув оқар лим-лим, лиммо-лим,
Сувдай олиб кетар қизлар хаёлин.

Ұн еттинчи марта, ўн еттинчи бор
Шундоқ кириб келар қалбларга баҳор.

Бу гал қандай бўлур баҳор туҳфаси?
Нелар билан тўлур хотир саҳфаси?

Келармикин ўша ўтлуғ муҳаббат?
Зор, интиқ айлаган қутлуғ муҳаббат?

Ранго-ранг туйгулар айларми инъом?
Орзулар қатини очарми тамом?

Ва ё маъсумалар багрин тилурми?
Ранжу изтироблар олиб келурми?

Ким билар? Ким жавоб бера олур? Ким?...
Бош узра осмон ҳам қараб турар жим.

Йироқ-йироқларга қочади шамол,
Бир нима деёлмайдунё боқар лол....

Фақат бўтана сув оқар лиммо-лим,
Фақат чувалади қизлар хаёли....



* * *

“Ёр-ёр” жаранглайди тун-кечаларда,
Тинмас чилдирманинг пақ-пақ овози.
Чўкиб қолиб борар кенг кўчаларда
Шодликка бар берган йиғи парвози.

Хувиллаб кузатар ҳовли-ю хона,
Райҳонлар бир ёқда – бошларин эгиб.
Бағри узилганин сезару она
Ўлтирар жолаваш кўзларин тикиб...

“Ёр-ёр” жаранглайди тун-кечаларда,
“Ёр-ёр” қулоғингга эшитилган он,
Билмайсан, қалбингга тушар-да ларза,
Йиғлагинг келади, бесас, беармон...

Ох, она ҳис этган тотли изтироб!
Ох, қизнинг қувончи, турмуш йўриғи!
Ифода этолур на сўз, на рубоб...
Ёлғиз ифодаси йиғидир. Йиғи...



НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Хаста дил эрдим, девона, оҳ, у дилжў келмади,
Ул чамандин гойибона ёки хуш бў келмади,
Ёди бирлан ёна-ёна тилга бир “хў” келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Аҳли ишқнинг толеиму не жафо еткурса ёр,
Наки танда бор мадору наки дилда бир қарор,
Гоҳ турармен ўлтириб, дунё бўлиб кўзимга тор,
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга-ю ул шўхи бадхў келмади.

Гоҳ нурафшон, тийра гоҳи, бир муаммодир ҳаёт,
Неча бор шарҳ айлабон, қолсам не тонг минг бора мот,
Эмдиким не наф ўзинг, гар ерга ур, осмонга от,
Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,
Рўзғоримдек ҳам, ўлғонда қоронғу, келмади.

Ул ситамкор сабридинким сўзладим хор, хокисор,
Ул жафокор жабридинким бўзладим мен зор-зор,
Не ажаб дил қонмаса, ортиқ ўзимдин этмай ор,
Ул париваш ҳажридинким йигладим девонавор,
Кимса бормуким анга кўрганда кулгу келмади?

Заъфарон эрсам вале сўлмам, ки сўлдурманг мени,
Бўлдиму қонимга ташна, қайта бўлдурманг мени,
Мен-ку ундан олмағум кўз, зинҳор олдурманг мени!
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Севгида Тур тоғи бир ён, бир тараф чоҳи адам,
Олмашиб тургай наво, ҳар бир навода зеру бам,
Ваҳ, унга ҳасрат – оно, гурбат – ото, сингил – ситам,
Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтрў келмади.

Ул гули ҳумро келур, фармониға сунғил бўйин,
Эй Али, дард созин ол, чалгил гирифторлик куйин,
Гар келурман, дебди ёр, бас, сен шукр қилғил, суйин,
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглинг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади...





РУБОЙЛАР

1

Гапларнинг хили кўп, турсангиз қараб:
Дарак гап... Сўроқ гап ўйнатгай асаб.
Ундов гапда шиддат ҳис қиламиз, ҳис...
Аммо қолганлари бари... қуруқ гап!..

2

“Тухмат тошларига кўкрак тутар мард!”
Йўқ, асло! Бу гапдан чекинмоқлик шарт!
Беҳудага қурбон бўлса, ўша, бас,
Юртнинг мард ўғлимас, бир бедаво дард!

3

Тошҳовли қурмишлар... Қизлар кетолмас,
Фигонлар девордан ошиб ўтолмас.
Кўнгилни эзмоққа қаср не даркор?
Кўнгил эзмоқ учун... бир оғиз сўз бас!

4

Жасорат... Бу – буюк обида,
Тенги йўқдир шараф бобида.
Кўча-кўйда ётмас жасорат...
Унинг жойи – юрак тубида!..

5

Дедилар: “Ёр кетди, қад букма ёйдай,
 Кўнгилни бир жойга қўй, шундан фойда”.
 Оҳ! Кўнглим бир жойга қўяйин десам,
 Бир жой жойидамас, у ҳам бир жойда...

6

Бир кун мавжлар ўсиб тўлқин бўлажак,
 Учқунлар улғайиб ёлқин бўлажак.
 Кечаги алифлар алиф, деб эмас,
 Эрта бир таёқ деб талқин бўлажак.

7

Ҳар боғланиш ортида бир узилиш бор,
 Тугун пайдо бўлғуси боғласанг такрор.
 Боғланмасдан узилмоқ нохушдир, эй кас,
 Узилмасдан боғлансанг сенсан бахтиёр.





ЖАВЗО ҚҰШИҒИ

Елкани куйдирар жавзо қуёши,
Ёнар йўллар тоши, адирлар боши,
Қорли чўққилар ҳам тугаб бардоши,
Қуйилиб келади кўзидан ёши.
Елкани куйдирар жавзо қуёши.

Уззукун фалакда кезиб юрар кун,
Кун узун, кундузнинг сочбоғи узун,
Кўз очиб юмгунча ўтиб кетар тун,
Шу ваз ошиқларга ёқмайди июнь.....
Уззукун фалакда кезиб юрар кун.

Ўтлоқда бўтакўз гуллар нофармон,
Қумлоқда – исириқ, тоғда – тоғрайҳон,
Арпа пишибди, деб, адирда, шодмон
Тонгдан йўлга чиқар ўроқчи ўғлон.
Ўтлоқда бўтакўз гуллар нофармон.

Манглайин тангиган оқ яктакли чол
Пайкални оралар мамнуну хушҳол:
“Мана, ўлмаган қул, умри безавол,
Яна ҳандалакка етди, назар сол!” –
Шундай дер манглайин танғиб олган чол...

Жавзо – йил ўртаси, монанд умрга,
Қирчиллама ёшда келган сурурга,
Талпиниб яшасанг ёп-ёруг нурга,
Қалбингда жой бўлгай бешик ғурурга!
Жавзо – йил ўртаси, монанд умрга...

ФИЛ БИЛАН ЛАЙЧА

Фил лайчага деди: “Кўриб турибсан,
Нима топдинг мендай филга ҳуриб сан?”

“Ҳуришми....

Бу – менинг ишим!” – дер лайча.

“Сендайлардан қўрқмайман-ку, биласан,
Шуни билиб, акиллаб не қиласан?”

“Қўрқмасанг....

Бу – сенинг ишинг!” – дер лайча...



* * *

Агар шуълаларга бўлсам маҳдиё,
Дилимдан отилса ўтли бир калом,
Шуъла деб ўйлама, ўйлама асло,
Орзу-армонингдан бари бу илҳом.

Дашту саҳроларга сиғмаган бўрон
Шахту шиддатига тўхталсам агар,
Бўрон деб ўйлама, балки беомон
Ғазабингдир, халқим, қаҳринг муқаррар!

Агар чўнг самони кийган тож мисол
Азамат қуёшга айласам таъзим,
Қуёш деб ўйлама, эй умри ҳалол,
Меҳринг бу, меҳрки, дарёи азим!

Зангори осмонга тикилиб гоҳи
Ҳадди йўқлигидан сўзласам мағрур,
Осмон деб ўйлама, сенинг даргоҳинг,
Кенг феъл эканлигинг тимсоли эрур.

Агар роҳатингни куйласам ошкор,
Ҳузур-ҳаловат деб битсам агар шеър,
Ҳузур-ҳаловат деб ўйлама зинҳор,
Сенинг меҳнатинг бу, бу – сен тўккан тер!

Агар.... жимиб қолсам гунг-лол монанд ман,
Тилдан қолдими деб чекмагил фиғон!
Йўқ, мен қиёсингни излаш-ла бандман,
Топмасдан қўймайман, жон Ўзбекистон!

* * *

Жоним олиб, бизга тағи “жон”, дейдиларму?
Жонинг, жоним, жонима дармон, дейдиларму?

Лаб устида яқдонаи холингиз бордур,
Хол эмас у, жон қушига дон, дейдиларму?

Асли ани кўрмакка йўқ тоқат, демишлар,
Сўз десалар, ҳай-ҳай, паришон дейдиларму?

Икки дилни эзма, ҳижрон, ўртага тушма,
Бузғунчилар ўртада сарсон, дейдиларму?

Сайлаб сени минглар ичра мағрур бу Али,
Мадҳинг этар эл аро дoston, дейдиларму!..





ИЗТИРОБ ЧЕКМОҚ НИМА

Сен уни севасан пок туйғу билан,
Кўнглингда яшайди офтобдай сиймо.
У сени севади зўр орзу билан,
Сен билан ёруғдир бу қадим дунё.
Бироқ тан олмоққа журъат йўқ ҳисоб...
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Дўстингдан айрилиб қоларсан гоҳи,
Шундоқ тирик туриб айри тушарсан.
Йироқдан илғарсан совуқ нигоҳин,
Кулиб кўришарсан, қўлин ушларсан.
Асли-ку, кўрмакка тоб йўқ сенда, тоб...
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Табиат, ўзингсан ҳаками замон!
Нечун изғиринлар саратонда ҳам?
Уч қулоқ ғўзалар тебранар нимжон,
Сел қуяр, кўнглингда тил-забонсиз ғам,
Осмонга боқасан: “Қайдасан, офтоб!”
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Ватан деб туғилган ўғлонлар ҳаққи,
Тунлар шеър битасан, излайсан оҳанг.

Фазони тўлдиран кўнгил қаҳ-қаҳи,
Армон наърасидан қалбинг ҳам батанг...
Ватанни севадан, севгинг серитоб...
Изтироб мана шу, шудир изтироб...

Ҳаёт – оқар дарё, осойиш билмас,
Ҳаёт эҳтиросга ташна майдондир.
Ўзингни инсон деб атай олсанг, бас,
Илоҳий фазилат шундан аёндир.
Бироқ шу фазилат топилмас, ноёб...
Изтироб мана шу, шудир изтироб!..





ИККИ КАРРА ТҰҚҚИЗ

(Ҳазил)

“Ўнта ўпич бермоқчи эдинг,
Эндигина бўлди саккизта”.
Қиз куюнар: “Йўқ, тўққизта, денг!
Сал ҳисобдан адашибсиз-да...”

Бир бошидан санаб чиқар қиз,
Ўзгачароқ ҳисоблар йигит:
“...Икки, уч, тўрт, беш... олти... саккиз!”
Бечора қиз хит бўлади, хит.

Айланди-ю ҳазил гап чинга,
Йигит деди: “Билсанг, ойжамол;
Зор эмасман жа... ўпичингга!
Берганларинг барин қайтиб ол!”

Шундай қилиб қув йигит, мана,
“Олган” ларин қайтариб берди:
Гул лаблардан бўсанинг яна
Тўққизтасин бирма-бир терди!..



* * *

Севган юрак – меҳрга ташна Ерга ўхшайди,
Ердай, туйғуси пинҳон гупирганча яшайди.
Кунга илҳақ майсадай хоксорлик ёр унга,
Мурувватга зорлигу интизорлик ёр унга...

Севилган қалб – ёғдули осмонга ўхшайди,
Осмон каби ҳаволар ичра шодмон яшайди.
Хушдир унга мовийлик, коинотлар кенглиги,
Қувонч ила қайғунинг ошнолиги, тенглиги...

Сен –

Ер ила Осмонни бирлаштиргувчи нур сен,
Осмон учун сурур сен, Замин учун гурур сен.
Билким, агар гурурга қўша олсанг сурурни,
Дунёдаги энг бахтли комил инсон эрур сен!





* * *

Умр ҳам бир жойга бориб қолмоқда,
Жарангли кечмоқда кўнгли наъраси.
Чунки сиз чорлайсиз бир чаман боғдай,
Дўстларим давраси, дўстлар давраси.

Душман ёвузлиги душманликданмас,
Дўстингдан айирар, усули шундоқ.
Сени зарра билиб этса хору хас,
Заррадан ҳам чоғроқ кўнгли бўлар тоғ.

Ишониб сирингни айтгувчи фақат,
Дўстлар борлигидан боши осмон бўл!
Дўстингдан топ, деган сўзга йўқ тоқат,
Дўст топ деб, дўст топ деб юрган инсон бўл!

Севги ўтар кетар, кетар мансаб ҳам,
Ёшлик ҳам мункиллар бир куни ҳолсиз.
Фақат дўстлик билан боқий бу олам,
Дўстлик қаримайди дунёда ёлғиз!..



ТОПИШМОҚ

Топишмоқ айтасиз, қийин топишмоқ...
Топишмоқ, сиз билан қийин, топишмоқ...

Шундай топишмоқсиз, ечими бўлмас,
Топсам ҳам жавобдан бу кўнгила тўлмас.

Жавоб топа билмай топишмоқларга,
Кетганлар бор олиб бош йироқларга.

Аmmo сиз ёнимда, ёнимдасиз, ох,
Табиат менга бахш этган топишмоқ!

Сизни-ку топарман, топганим чоғда
Ўзимни йўқотиб қолдирмай доғда.

Жавоб топайин деб, сизга бойланиб
Ўзим топишмоққа қолдим айланиб...

Топишмоқ айтасиз, қийин топишмоқ,
Топишмоқ, сиз билан қийин, топишмоқ...



СҮРОҚҚА АЙЛАНГАН ОДАМ

Даставвал йўқ, мутлоқ йўқ эди...
Сўнг рўё ичида рўё бўлди у.
Жаҳон айвонида, ҳаёт уфқида
Бир кун “нуқта” янглиғ пайдо бўлди у.
Сўнг нуқта улғайди, йўл тушса агар
Кўчалар тўлгандай бўлди наздида.
“Мен энди “ундов” ман!” – деди муқаррар
Бош қўйди осмонни тутмоқ қасдида!
Узоқ умр кўрди....Қадамлар, ҳайҳот,
Афсус, кўп нуқтадай, оқди самарсиз.
Аммо бари билан дил дашти обод,
Маъносиз сезади ўзни аларсиз.
Энди “сўроқ” мисол қолди мункайиб,
Елдириш замонга қараб турар лол:
Нега шундоқ?

Нечун?

Нега?

Кимда айб?..

У –

дунё юзига отилган “савол!..”



* * *

Қошимдасан, турибсан жим, лол,
Қошимдасан гўёки хаёл,
Қошимдасан, эгилиб хиёл,
Беғуноҳ бир фаришта мисол
Кўз ўнгимда кўрсатиб жамол...
Истайсанки, жилмайсам алҳол,
Хаёлингда не ўй, не малол,
Саботлимен, фаҳм этма шамол,
Сўзламакчи бўласанг, эҳтимол,
Сўзлай деган сўзинг қайтиб ол!
Узоқ-узоқ қаршимда тинма,
Юрагинг қон қилиб хўрсинма,
Майли ўйна, майлига сўнма,
Лек ишқимга гард янглиғ инма,
Минг ишванг-ла мишг бор бўркинма,
Кўнглин олай дея уринма,
Кет, аламли кўзга кўринма!
Сен меҳримни қозонган сари,
Ошкор этдим кўнгила сирларин,
Кун ила тун, шому саҳарим,
Туйгуларим асл гавҳарин

Тўкиб сочдим! Нодўст сингари
Мазах этдинг, ҳолваи тарим,
Нечун келдинг? ...Энди кет нари!
“Пок” ишқингнинг муруватлари
Жон бермаган, жон олган бари!

Қошимдасан, асабинг таранг,
Қошимдасан, турибсан аранг.
Осмон узоқ, ер қаттиқ, заранг,
Доим шундоқ, сўнг дебон аттанг,
Ёпишгуси чўпга ҳоли танг!

* * *

Ташқарида қирчиллайди қиш,
Ташқарида липиллар чирок.
Қайлардасан, о, сен бояқиш?
Жонга тегди бу кеча фироқ.

Бугун кимнинг қароргоҳини
Гулга кўмдинг, эй ғойиб жамол?
...Билмам, ташда кимга оҳини –
Айтолмайин инграйди шамол...



ЎЗБЕКИСТОН

I

Қишлоққа қайтаман, шаҳарлар ошиб,
Чўллар қўйнидаги гул қишлоғимга.
Хаёлан тирмашиб, кам-кам ёндошиб,
Болалик чоғимга, чаман боғимга.

Бунда мени чорлар борлиқнинг бори:
Само-ю далалар, оқин ариқлар.
Тунда оймоманинг заъфар рухсори,
Олис хотиралар, ёрқин тарихлар...

II

Отам айтар эди: “Ватанингни сев,
Жон фидо қила бил, гар керак бўлса!”
Отам юраклийди бамисоли дев,
Шундай бўлади-да, бир юрак бўлса!

Отам сева билди Ўзбекистонни,
Фарғона каналин қурди, қуролди.
Қўлга қурол олди, ташлаб кетмонни,
Жанг-жадалда чаппар урди, уролди.
Етти ой тинмади тўпи майдонда,
Гумбур-гумбур саслар дилларга оқди.

Сўнгра тегиб дайди ўқ ногаҳонда
Тўққиз ой госпиталь шифтига боқди...

Ватан осмонининг мовийранг туси
Хира кўзларни ҳам айлагай равшан.
Ватандан зўри йўқ дунёда ўзи,
Руҳингга мадору жонга-жон Ватан!

Энди қишлоқ борсам, йўлим ўзгача:
Қабристон орқали ўтади йўлим.
Наҳот, инсон умри битта сўзгача?
Отам умрига ҳам чанг солди ўлим...

Буюк зот пойига гуллар қўярман,
Ватан оғушида ётган инсонга.
Қалбимда ўзгача ҳислар туярман,
Таъзимлар қиларман Ўзбекистонга!

III

“Боқий дунё” воқеаларин
Сўзлар эди завқ ила отам.
Ёшлигидан сўзлаган сари
Ёшларди кўзи дамо-дам.
Йигирманчи аср бўрони...
Ун еттинчи йиллар сурони...
Туйғуларга илашган олов,
Фарғонада барқ урган ялов,
Тўнтаришнинг қасирғалари...
Қатли ому аксиллар – бари
Тирилгандай, келгандай қайтиб

Дилга қўрқув солар шу пайти...
“Улар қайтмас, – дер эди отам, –
Ўтиб кетди бари дунёдан!”

Кўҳна тарих ҳаяжонлари,
Армонлари, имтиҳонлари
Тўлдирадди тасаввурини,
Эртак янглиғ жонланар эди.
Тўкканидан қалбин қурини,
Ўзбекистон шонланар эди...

IV

Ёдимга тушасиз бугун, волидам,
Сиймонгиз турибди кўзим олдида.
Сиз – уммон, меҳра мисли йўқ денгиз,
Бир сўз билан айтсам, “Она!” эдингиз.
“Ўғлим, одам бўлмоқ машаққатли дард,
Меҳнатига ёлғиз чидай олув мард.
Мардлардан Ватаннинг кўкраги тоғдир,
Юраги бедоғдир, манглайн оқдир.
Она мард ўғлидан шуни кутади,
Онанинг қадрига етган етади!
Фарзандга фақат нур раво онадан,
Она рози бўлса розидур Ватан!”
Шундоқ сўзларингиз қалбимда ҳамон,
Ўт янглиғ руҳимга сингмиш, онажон!
Сиз Ватан қўйнида ётибсиз, мана,
Пойингизга гуллар қўярман, Она!

Бош эгиб сиз ўсган боғу бўстонга,
Таъзимлар қиларман Ўзбекистонга...

V

Кўзларимга кириб келар
Фусункор кеча,
Тўймайман ҳеч ҳаволаринг
Мен ича-ича!
Шаббодангни симираман,
Ёзаман кўнгил,
Ўзбекистон! Бўлмас асло
Бу дамлар сўнги!
Сени қаттиқ севганим бор.
О, бу муҳаббат,
Қайдан келди сенга, дерсан,
Ўғлим Муҳаммад?
Билган борми, яралганин
Қайдан бу олам?
Андоқ билмам, недан бўлди
Дилда ҳислар жам.
Фақат аён – юрагимда
Тугён беқарор
Ўтга чўққа урар ўзин
Такрору такрор.
Шунда Севги заҳматидан
Ўгирмакка юз,
Жон-жаҳдим-ла уринаман.
Ва лекин, афсус...

Қаттиқ севмоқ фожелигин
Билмасмидим ё?
Шундай фоже севгилардан
Ёруғдир дунё!

VI

Канал ёқасида шовулар мағрур
Осмонга санчилган мирзатераклар.
Сувдай пок, теракдай қадди тик эрур
Сени деб яралган тоза юраклар.

Аmmo... мен бурчимни ўтай олдимми,
Бир фарзанд хизматин қилдимми адо?
Жаҳон-жаҳонларга сурон солдимми
Қалбимдан “Ватан!” деб отилган садо?

Фаромуш хотирлик этдимми ва ё,
Шундан нигоҳингда ўпка-гинами?
Сени унутдимми? Унутдим?! Асло!
Унутиб бўларми ахир Онани!

Келгил, суян менга, она, шу нафас,
Ҳар қачон гутарман қабарган елкам.
Онасин унутган, ким бўлса ҳам, бас,
Она юрт фарзанди бўлолмас ҳечам!

VII

Қишлоққа қайтаман, шаҳарлар ошиб,
Чўллар қўйнидаги гул қишлоғимга.
Хаёлан тармашиб, кам-кам ёндошиб,
Болалик чоғимга, чаман боғимга....



* * *

Қоронғу кўчада танҳо келардим,
Бу ерларда итлар борин билардим.

Ногоҳ ҳуриб қолди бир кучук: “Вов! Вов!”
“Бас!” деб, тинчитмоққа уриндим дарров.

Ёмон бўлар, кучук агар хитланиб,
Уйғотиб юборса катта итларни...





“РАМАЯНА ОҲАНГАРИ”

(Туркумдан)

* * *

Хаёлимни, ўйларимни водийга сочдим,
Лжаб, водий яшнаб кетди, кўрк – чирой очди.

Гуруримни инъом этдим кўк ўпар тоққа,
Тоғ гердайнб назар солди йироқ-йироққа.

Осмошларга баланд қўйдим овозим бирдан,
Осмон яна юқорилаб кетди-ку Ердан!

Аламимни жарликларга солгандим тўкиб,
Жарлик баттар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб....

Авлиё Марқандеянинг туши

I

Марқандея, донишмандлар авлиёси бир куни
Билмоқ бўлди бу дунёнинг сир-асрору мазмунини.

Қурбонликлар қилди, тавоф этди азиз жойларни,
Лйш-ишратдан илик узиб ўткарди кун-ойларни.

“Кониотни ким яратди?” – деган фикр келган чоғ,
Боқса, тушиб бораётир Ернинг остига ногоҳ.

Қора бахмал янглиғ сувлар жаҳонни тутмиш эди,
На ер, на ой бор, барчаси гўё йўқ – битмиш эди.

Аммо, ана, сув устида ухлаб ётар бир одам,
Бор вужуди нурланарди ёритиб осмонни ҳам.
Тоғ деса ҳам бўлар эди, булут деса ҳам уни,
Маркандея таниб олди буюк тангри Вишнуни.
Яқин борди, шу он Вишну эснаб қолганди, ҳайҳот,
Тортиб кетди донишмандни ичига ўшал заҳот.
Бир дам боқса, чиқиб қопти донишманд Ер юзига!
Тоғлар, боғлар, дарё, чўллар – бари таниш кўзига.
Ҳайратидан ёқа тутиб, йўқотганча эсу ҳуш,
Маркандея ўз-ўзига деди: “Бу туш, фақат туш...”

II

Бу дунёни чаппараста кезди яна донишманд,
“Коинотни ким яратди?..” – шу ўй уни қилмиш банд.
Ғаройиб туш кўрди тагин Маркандея бир куни,
Яна ўша қора осмон, бахмал сув, ел қуюни...
Шундай сувнинг юзасида ухлар бир бола, ёху,
Нигоҳларни ёндирарди ундан таралган ёғду.
Маркандея кўзларини қўли билан беркитди,
Бола деди: “Ўғлим, айт-чи, нима сени қўрқитди?”
Донишманднинг қаҳри келди: “Бу не густоҳлик, оё,
Ҳурматимни ўз жойига қўйган Бароҳим ҳатто!
Сен кимсанки, она сути ҳали оғзида гўдак,
Нақ болага тенг қилдинг-а, ўзингдан кетиб жуда!”
Бола шу дам қаҳ-қаҳ урди: “Ўғлим, бу мен – Пуруша,
Сенинг авлод-аждодингни яратган зотман ўша.

Менман – Вишну Нарояна, мен ҳаёти мамотман,
Дунёни мен яратганман, соҳиби коинотман.
Дунёни сув босганида, гаройиб сирли балиқ,
Ки Монуни халос этди – ўшал менман, мен – холиқ.
Раванани яксон қилган паҳлавон Рама ҳам мен,
Кришна ҳам, Инсоншер ҳам, Парашурама¹ ҳам мен.
Тримурти² менман, саъи шахтим устувор қилдим,
Мен Бароҳим тимсолида йўқдан Ерни бор қилдим.
Вишну бўлиб бу оламни балолардан асрагум,
Шива бўлиб коинотни кунпаякун айлағум.
Бандаларнинг бир йил умри тангри учун бир кундир,
Коинотнинг умри эса жуда-жуда узундир.
Шундай кундан пайдо бўлган ўн икки минг йиллик вақт
Бароҳимнинг би^р кунига тенг келади оқибат.
Кун тугаса Бароҳимнинг туни бошланур, ҳайҳот,
Остин-устун, ҳалокатга юз тутгувси коинот!
Тонг отгунча ўтгай тагин ўн икки минг йил, билсанг,
Коинотни босгай гамом сув, тупрогу кул, билсанг.
Тонг отганда коинотни боз яратар Бароҳим,
Бу коинот кўп яралган, назар солсанг, қарогим.
Дастуримга амал айла, жаҳонимни кезабер,
Вужудимда жо бўлмишдир бутун олам, осмон, Ер.

¹ Пуруша, Рама, Кришна, Инсоншер, Парашурама –
Вишну тажассумлари (санскритча, аватара).
Вишну ўндан ортиқ тажассумга эга бўлган.

² Тримурти – учлик, дегани. Унга Бароҳим, Вишну ва Шива кирган.

Жамолимда тажассумин аён этмиш коинот,
Бу сир эрур, шундай сирким, еча олмас бирор зот...”
...Вишну ютиб юборди сўнг Маркандеяни яна,
Ер юзига чиқди яна донишманди замона!
Боқса тагин ўша олам, ўша бог, ўша тоғлар,
Тагин нурли, жозибали имлар уни йироқлар.
Маркандея билмай қолди: бу рўёми, нимадир!
Ҳайратидан бир лаҳзага кўзларини юмадир.
Қайси бири ҳақиқатдир: ёруғ дунёми магар,
Ёки Вишну юзиб юрган зулумотли тубсиз қаър?
Маркандея худовандни тушда кўрдимикин ё,
Ва ё ўзи улуғ тангри рўёсими, ажабо?
Коинотни ким яратди? – Кўзларин очса ногоҳ,
Яна тушиб бормоқдайди Ернинг остига, эвоҳ...
Бир маънони англаар энди Маркандея: “Ё фалак!
Давру даврон елдирымдир, дунё шундай чархпалак!...”

* * *

Бойликлар яздони Кубера бир кун
Чап кўз билан боқди гўзал Ҳумога.
Ишқ туғён урди-ю, қалбида бутун
Ўхшаб қолди, шўрлик, мажнуннамога.
Дунёни унутди ишқнинг сеҳридан,
Тарк этди ошиқни андиша-ю ор.
Бироқ қайга қочар Шива қаҳридан,
Қочай деса унга уч олам ҳам тор.

Барибир ўзини тиймади қурғур,
Шиванинг ёрига кўз тикди пинҳон...
Ҳумо жамолида оловланди нур,
Кубера кўзини куйдирди ёмон!

Ўша-ўша ожиз Кубера кўзи,
Ҳасрат-аламни ичга ютармиш.
Узр хоҳишида туну кундузи,
Шивага сизгиниш билан ўтармиш.

Гўзаллар шунақа бўлур дилозор,
Фақат истиғнолар – раво кўргани.
Истиғноси майли, куйдириши бор...
Бир умрга етар бир куйдиргани!

Ситанинг қасами

“Эй Равана! Сенга ёр бўлмоқ тугул,
Босган изимни ҳам кўрмасман раво.
Менинг ёрим Рама, Рама – мард ўғил,
Қўллар уни ўзи соҳиби само!

Сенга боқайинми шайдо кўз билан,
Пинҳон айлайинми ширин табассум...
Шундоқ сўзни дединг қайси юз билан?
Билгил, давлатингга йўқдир ҳавасим!

Онт ичай: гар сенга жилмайиб боқсам,
Битсин ўшал заҳот бахтли кунларим!
Пешонамга лаънат муҳрин боссин ғам,
Ич-ичимга урсин ваҳший унларим!

Жазо берсин, хайҳот, улуғ тангрилар,
Зинҳор зор этмасин садақамга ҳеч!
Аждодларим эса тентиб, гангираб,
У дунёда жанжал қилишсин ҳар кеч!

Дон сочсам, қалбимга солиб аламни,
Чириб кетсин, майли, униб-унмасдан.
Четлаб утақолсин ёмгир даламни,
Битта томчиси ҳам иниб-инмасдан!

Ҳали туғилажак авлодларим ҳам
Йитсин келмай туриб туғилоқ фасли!
Нур сочмай қорайсин офтоб ростакам,
Ҳаволар бўғилсин, диққинафасли...

Вафо деган гулнинг япроғи нафис,
Хиёнат бўрони совургай осон.
Аммо иддаойинг бекор ва нафсиз,
Сен – бир хас, мен – баланд бамисли осмон!

Мен – Сита, эгатдан тугилганман-ку,
Эгатдай тўғридир Она–Ер қизи!
Маъбуда Лакшмий, бас, ардоқлар мангу,
Мангуга асрагай Вишнунинг ўзи!”

Сита ва олтин кийик

Қаршисида хиромон
Ўйнайди олтин кийик.
Сита боқар маҳлиё,
Ўзини зўрга тийиб...

Кийик, кийик, кийикжон,
Нега йироқ қочасан?
Ўрмон ичра зарларинг
Тўрт томонга сочасан?

Кўнгли маҳзун боқади
Бунда танҳо келинчак.
Рама деган бетимсол
Шунқорига илинчак.

Беҳудага сочма зар,
Зарингга учгувчи йўқ.
Зарингни деб зору зор
Ёридан кечгувчи йўқ!

Қаршисида хиромон
Уйнайди олтин кийик.
Сита боқар маҳдиё
Ўзини зўрға тийиб...

Аёлга айланган подшо

1

Даврон сурди кўп йиллар улуг подшо Бангасван,
Юрти озод, эли шод, кўнгли ҳам ободу шаън.
Кўз олдида юз ўгил юришар яшнатиб кўз,
Фарзандларга келар мос айтилса не яхши сўз,
Мақтовин тилдан қўймас дўст-қариндош, эл-улус.
Бироқ не ҳам бўлди-ю, тўғри йўлдан тойди шох,
Етим-есир ҳақиға кўз олайтди баногоҳ.

Бир кун подшо ўрмонда, мулозимларсиз, танҳо
От бошини бўш қўйиб борар эди бепарво.

Подшо бошига Индра турфа савдолар солди,
Гурурдан ҳаволанган ақлин ўгирлаб олди,
Бас, ўрмоннинг қаърида подшо адашиб қолди.

Ташналикдан оғочдек қуруқшарди вужуди,
Очликдан гар оҳ деса, оғиздан чиқар дуди.

Подшо хўп интиқ бўлди ҳар томондан излаб йўл,
Чиқиб қолди олдидан бирдан тиниқ шаффоф кўл.

Ким айта оларди, ки ўрмонда шундай кўл бор?
Кишнаб юборди ҳатто тили осилган тулпор!

Отини суғорибди, “Чўҳ!” “Чўҳ!” деб айлаб хитоб,
Ўзи ҳам ечинибди, шўнғибди сувга шитоб.

Яйрабди бўгин-бўгин, ҳолдан қуриган тани,
Хуш салқин сувда мисли баликдек юзмиш яъни.

Кўл ичидан боқиб сўнг отин зўрға танибди.
Ажабо, тулпор оти хачирга айланибди.

Бу не сир-синоат деб, қирғоққа чиқибди бот,
Сувда ўз аксин кўриб ҳайрон қолибди... Ҳайҳот!

Аёллар сийнасидай кўкраги бўртиб чиқмиш,
Сочи ҳам ўсиб қалин қоп-қораймиш, бўғриқмиш.

Қуймичи диркиллабон, ингичка тортмиш оёқ...
Аёлга айланибди шавкатли подшо шундоқ!

Бас, подшо англадики, сирли кўл домида ул
Расвои жаҳон бўлмиш, расвои жаҳон буткул!

Сўнг деди: “Қандоқ қилиб хачирни минай энди?
Не умид, не орзу-ла тақдирни синай энди?
Не юз, не номус ила элга кўринай энди?”

Не дейдир ўғилларим бу ҳоли харобимга?
Ичим ўт олиб ёнар, чек йўқдир азобимга!

Не билур аъёнларим рожасин бу ҳол кўриб?
Не қилур жононларим хожасин аёл кўриб?..”

Ўйлабон ўйларининг тубига етмай асло,
Юртга қайтмоқдан ўзга чора топмади подшо.

Фарзандлар, хотинларин, аъёнларин этди лол,
Тобакай аҳди олам кўрмаган бу қийлу қол.

Сўнг деди: “Ўғилларим! Даврон суриг бахтиёр!
Мен-чи, ўрмонга кетгум, кўргум манглайда не бор.
Хайру саховатни ҳам фаромуш этдим тамом,
Бас, шундан абгор бўлдим, бадқору бадхулқ, бадком!..”

II

Ўрмонга қайтди подшо, қисматидан бўлиб хит,
Учратиб қолиб, унга уйланди битта зоҳид...

Гуноҳларини ювмоқ истар эди Бангасван,
Зоҳидга ҳам юз ўгил туғиб берди-ку расман.

Сўнгра бу ўғилларин пойтахтга олиб келди,
Икки юз ўглин йигиб бундоқ насиҳат қилди:

“Эй, менинг ота бўлиб кўрган эр фарзандларим!
Эй, менинг она бўлиб топган шер дилбандларим!

Бошқаринг давлатимни бир тану бир жон бўлиб,
Аҳилу баҳамжиҳат, дўсту қадрдон бўлиб!”

III

Нега Ерда одамлар яшарлар тинч, бахтиёр,
Одамлар тинч яшаса, яздонлар нечун даркор?

Осмон подшоси Индра ўшандан тоқати тоқ,
Ака-укалар аро солди низо-ю, нифоқ .
Келди юртга хунрезлик, қирғинбарот, қатли ом,
Ака-ука бир-бирин тиғдан ўткарди тамом!

Ўрмонда ғариб юрган шўрлик зоҳида – подшо
Фарёд айлади: “Эвоҳ! Бу нечук қора савдо?..”

Бараҳман либосида Индра бўлди намоён:
“Сулув зоҳида, нечун чекарсен нола-фигон?
Кулбангга тушдимини ўт, дилинг шунданми вайрон?..”

Зоҳида дер: “Ҳеч инсон кўрганми бундай хорлик?
Икки юзта ўғлимга манглайим қилди торлик..
Барчаси ҳам соғ эди, барчаси ҳам рўзгорлик..”

Яздонлар подшоси дер: “Индраман мен, билгил,
Нечун бу ҳолга тушдинг, озгина фикр қилгил!

Яздонлар подшосини хотир айламадинг ҳеч,
Қурбонлиқ деб қозикқа бир от бойламадинг ҳеч!

Хайру саховат йўлин ёмон дўстдек унутдинг,
Ўзингдан ўпка айла, бари ўзингдан ўтди..”

Индранинг пойига ўзин отганча подшо
Юм-юм йиғларди фақат кўз ёши кўлу дарё.

Индра мундоқ сўз деди: “Тўғрисин сўйла менга,
Қай ўғлон – фарзандларинг ёқимли, хушдир сенга?
Қай бири? Ота бўлиб кўрган фарзандларингми?
Ва ёки она бўлиб топган дилбандларингми?”

Қай бирларига, айтгил, қайта жон айлай ато?
Ақлу идрокингдан сўр, ўйлаб де, қилма хато!”
Кафтани кафтга қўйиб зоҳида дер: “Эй, худо!

Жон бергил она бўлиб топган фарзандларимга!
Аччиқ умрим бол этган ул шакархандларимга!”

“Ажаб сўз айтдинг, мард бўл, айтганларингдан тонма:
Эркак бўлиб кўрган... хўш... ўғлонларинг ёмонми?
Оталик меҳринг борми, ё борлиги гумонми?”

“Йўқ! Йўқ! Она меҳри зўр ота меҳри олдида!
Шундан фарзандга кўпроқ боғлиқ бўлув волида”.

Зоҳиданинг сўзлари Индрани этди хуррам:
“Рост дединг, тирилтиргум икки юз ўғлингни ҳам,
Юрт бошқарсин қошингда тўрт кўз тугал, бари жам.

Асил ҳолингга энди қайтарайин, етар, бас!
Шахт-шиддатли йигитга айлантирай шу нафас!”

“О, Шакра! Бил, қайта бор эркак бўлгум йўқ сира!”
Ҳайрат бармоғин тишлар подшо сўзидан Индра:

“Нечун? Аёл қисмати сенга азизроқми ё?
Наҳотки аёл бўлмоқ эркак бўлмоқдан аъло?..”
“Ҳайратланма, эй яздон, – деди зоҳида подшо. –

Аёл – ишқ-муҳаббатда эркакдан ортиқроқдир,
Аёл – ҳаловатга зор тупроқдир, чаман боғдир.

Эркакдан кўра аъло ҳис қилур муҳаббатни,
Сурури саховатни, роҳату фароғатни!

Шу ваядан аёл бўлиб яшамоқ менга хушдир!
Роҳатни билмай яшаш умрмас, аччиқ тушдир!..”





ҚИТЪАЛАР

* * *

Ким ёвузлик айласа
Мудом чекар изтироб.
У дунёю бу дунё
Виждон кўзи билмас хоб.

* * *

Оқилни мақтов билан
Эритмоқ душвор эрур.
У елларга дош берган
Қоядай пойдор эрур.

* * *

Эзгу ишлар қилмоққа
Шошил, эй гофил инсон.
Наҳотки ёвузликдан
Яйрар танангдаги жон?..

* * *

Оқ дил – баланд чўққидай
Йироқдан нур сочар, бас.
Қаро дил – тунги ўқдай
Яқиндан ҳам кўринмас.

* * *

Душманлар орасида
Яшамоқ дўсту аҳил –
Бизлар учун чинакам
Иқбол ушбу эрур, бил.

* * *

Аҳмоқлигин англаган
Аҳмоқ бешак донодир,
“Дономан” деб лоф урган,
Аҳмоқ – кони риёдир.

* * *

Эҳтиросдай олов йўқ,
Макрдан зўр тузоқ йўқ,
“Хоҳиш” деган дарёдан
Улуг дарё мутлоқ йўқ.

* * *

Минг бир жангчини енгган
Ғолиб эмас ҳамиша,
Ким енголса ўз-ўзин –
Энг асл ғолиб ўша!

* * *

Атторнинг қутисига
Ўхшар оқил суҳбатдош:
Қутининг серфайзлигин
Хушбўй ҳидлар айлар фош.

* * *

Жаннатдагига аъроф
Мисли дўзах туюлур,
Дўзахдагига аъроф
Баайни жаннат бўлур...

* * *

Энди, бас, тугади. Тугади энди,
Оламга дарз кетди, кўнгил ҳам синди.
Бир қалбни пок туйғу тарк этди тамом!
Бир қалбда жам бўлди бари интиқом!

“Бир умр севаман!” – деган аҳд-паймон,
Чорасиз, ўртада боқади ҳайрон.
Ўртада... на сенга бора олади,
На менга дилини ёра олади...





МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бир калом айтмакка зормен тоза рухсор олдида,
Кўзларим ерга қадалмиш кўзи хуммор олдида,
Баски, минг бор ўлдим иқрор энди инкор олдида,
Ҳар кишини дарди бўлса, йиғласин ёр олдида,
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Мен тирикмен бу жаҳонда бир буюк армон била,
Мен нетайким, оҳларим тенг Ер била, Осмон била,
Жон пардасида жон била, дил тўла иймон била,
Андалиби бенаводек нолаю афгон била,
Айланиб сайраб юрармен айна гулзор олдида.

Бу фано дайрида ҳар чоғ сирдурур завқу сурур,
Истадим, ўлғайму зоҳир тийра шомлар ичра нур,
Нафси амморадин эмди, бас, тамом бўлмакка ҳур,
Мансури Ҳаллождек ичиб ким шароби антаҳур,
Чарх уриб йиглаб турармен ушбу дам дор олдида.

Деб эдим, тарқар булутдек бори қайғу бодадин,
Сачрагай чакмоқ мисоли турфа ёғду бодадин,
Сундиму икки қўлимни, куйди, ёҳу, бодадин,
Ҳар киши бир журъаи нўш айласа бу бодадин
Ул қиёматда қилур арзини жаббор олдида.

Чархи даввор тигларидин ёрадур бағри жаҳон,
Ул яродин не замонлар сув бўлиб ким оқди қон,
Оҳларинг сочма фалакка, эй Али, тутгил ниҳон,
Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиғлағайсен ошиқи зор олдида...





УЙЛАНМАГАН ЙИГИТГА

Умринг йўли ҳали теп-текис, равон,
Тордир ўйларингга коинот, осмон,
Онаси ўпмаган қизлар бор, инон,
Умринг йўли ҳали теп-текис, равон,
Укажон, сенга бир дилдор учрасин.
Масихо нафасли нигор учрасин!

Меҳрибон бўлсин у, бўлсин суюкли,
Дарди ҳижронингдан бағри куюкли,
Манглайида “Вафо” сўзи битикли,
Меҳрибон бўлсин у, бўлсин суюкли,
Соғинчдан интизор дийдор учрасин,
Укажон, сенга бир дилдор учрасин!

Озроқ инжиқлигин кўнглингга олма,
Рашк этса, бу тўрга ўралиб қолма,
Билгил, сени севгай ул бўйни толма!
Озроқ инжиқлигин кўнглингга олма,
Майлига, бир ширин озор учрасин!
Укажон, сенга бир дилдор учрасин!

Сенга зўр ўғиллар айласин инъом,
Муътабар наслингни этдирсин давом,

Мангу, мангу қолсин “Ўзбек” деган ном!
Сенга зўр ўғиллар айласин инъом!
Оламини тўлдирган гулёр учрасин!
Укажон, сенга бир дилдор учрасин!

Ёнингда ёр бўлиб юрганда ҳамдам,
Хиромонлар айлаб, солланиб, тамтам,
Бошинг осмонларга етади кам-кам...
Ёнингда ёр бўлиб юрганда ҳамдам!
Шундоқ ёр умрингда бир бор учрасин!
Укажон, сенга бир дилдор учрасин!





ШОИРНИНГ СИЙЛОВИ

Қадим-қадим подшоларнинг бир одати бор,
Хуш кўргайлар шоирларни сийлашни бисёр.

Мафтун бўлиб сирли ташбеҳ, каломларига,
Каломлари, дарё-дарё илҳомларига,

Аҳли сарой, фозилларнинг олдида шодмон,
Ғазначига берар экан ушмундоқ фармон:

“Шоир ғазал битибдурки, шукрлар қилсун,
То оғзига сиққунича тилло берилсун!”

Ётқизарлар пар тўшакка бахтли шоирни,
Лол қолдириб, жумла жаҳон, доли дайрни.

Ярақлатиб зар сандиқдан бир-бир олишар,
То оғзига сиққунича тилло солишар!

Бир, икки, уч, тўртта... давом этади санок:
Шоир оғзи катта экан, сиғди ўнта нақ!

Ҳайрон қолма бундай ҳолга, дейди оталар:
Ўшанда ҳам ютиб кетган оғзи катталар!..

ЎЗИМИЗНИНГ БОЛТА

Битта одам ўғлига дер:
“Ёрмоқ керак тўнкани.
Тез қўшнимиз уйига кир,
Болтасин опчиқ, қани!”

Бироздан сўнг ўғил қайтар,
Хийла пасайиб тафти:
Қўшниси ҳам роса қайсар,
Болтасини бермапти...

“Оббо хасис, ақли қосир,
Унда инсоф бормиди?
Ишлатгани билан темир
Ейилиб қолармиди?..

Одам бўлмади-да баттол,
Очкўз, зиқна, мўлтони!
Бўпти, ўғлим, опчиқақол
Ўзимизнинг болтани!..”

МЕН КИММАН

Агар тўрт аллома бўлса дунёда,
Шухрати ҳаволаб юрган самода,
Буни айтмасам ҳам, барча биладир,
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Агар тўрт шоирга тан берса олам,
Шундоқ мартабага етишса калом,
Буни айтмасам ҳам, замон биладир,
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Дунёда от сурди не-не саркарда,
Манаман дегани бўлса агарда,
Тўрттанинг ичида, башар биладир,
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Замонлар ўтадир санаб ҳар онин,
Буюк давлат бўлғай Ўзбекистоним!
Ўшанда боболар, Оллоҳ биладир,
Ватаннинг қалбида мудом бўладир!



* * *

Қандай соз, даврада балқиганинг он,
Ўлтирмак ёнма-ён сен оташ билан.
Атрофдан кишилар боқар биз томон,
Кимдир ҳавас билан, кимдир ғаш билан.

Менга илҳом керак, менга завқ керак!
Келгил, қўлларингни қўйгин қўлимга!
Келгил, гамза қилсин юракка юрак,
Йўлларинг туташсин олис йўлимга.

Майли, ҳасадгўйнинг ёнсин кўзлари,
Одамларга парво этмагин, малак.
Бизга сўз айтарлар, аммо ўзлари
Биздай бўла олмай жонлари ҳалак...





* * *

Шеър – гулнинг япроғига
Қўниб турган сайроқи қуш.
Илҳомнинг мойил чоғида
Нечун энди сен фаромуш?
У келганда шарт тутиб қол,
Ортиқ қайтиб келмайди ҳеч.
Илҳомингдан улушинг ол,
Танбалликдан бу кеча, кеч!
Қуш сайрару учар кетар,
Янгроқ овози қоладир.
Шоир ёнар, яшар, ўтар,
Сайроқи сози қоладир...





КИМГА КУЁВ

Бог айланар иккита қиз,
Икки гўзал, сезмас биров.
Қушча сайрар завқ-шавқ билан:
“Куёв! Куёв! Кимга куёв?”

Бири хандон отар, хандон,
Бошқасининг юзи лов-лов.

“Дугонажон, қизарма, ҳай!
Келаётир сенга куёв!”

“Вой, нималар дейсан ўзи?
Эшитмасин бошқа биров.
Энди кирдим ўн олтига...
Керак эмас менга куёв!”

Куёв танлаб юрган, эй қуш,
Тилларингда шакар борми?
Танлаганинг кимдир сенинг?
Асил ёрми, асил ёрми?

Севган ёринг асил бўлсин,
Қутлуғ бўлсин сенга куёв.
Дугонажон, билсанг агар,
Менда ҳам бор битта биров...

Куёв! Куёв! Кимга куёв?
Кимга куёв? Кимга куёв?..



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ДЕЙДИ

Сўзладинг – қул бўлдинг сўзингга шу дам...
Сўзни топиб айтар, айтганда бахши.
Сўз айтсанг, эҳтиёт бўлиб айт, бўтам,
Сўз қотмай ўлтирсанг яна ҳам яхши.





АМРИҚО ДАФТАРИ

(Туркумдан)

Тинч океан

– Уммон, улуғворсан, тинмайсан бир он,
Тўлқинлар карвонин сурганинг сурган.
Тошлару қумларни қўймай беомон
Ухлоқ қирғоқларга урганинг урган.
Сенга нима керак? Бўлса шон-шараф,
Улуғлик рутбаси насибанг доим.
Лаҳза ороминг йўқ, оҳ, сенга қараб,
Уммон қилинмаса-да, дейсан, худойим.

– Безовта бедорлик, тинмаслик – пеша,
Тўлқинлар кифтида кечар ҳаётим.
Агар тиниб қолсам – ўлганим ўша,
Кўлмак деб қўяман у ҳолда отим!

* * *

Сиэтлда гуллар ҳамиша хандон,
Қишин-ёзин бирдек чаманзор, бўстон.
Қизил гул, сариқ гул, оқ гул, пушти гул,
Боғларнинг ичи гул, ернинг усти гул.
Бироқ-чи, ҳидласанг, бироқ иси йўқ,
Ушласанг титрамас... Титроқ ҳисси йўқ...

Туюқ

Ёлғиз ўзингизни суяман: “Сиз! Сиз!”
Кўнглимнинг сарвари, сарвари – сизсиз.
Агар бахт бор бўлса, бордир оламда,
Лекин у бахт эмас, мен учун – сизсиз!

Шоирлар сафи

Сафга: “Бир, икки!,– деб айтиб кўринг-чи:
Ҳамма биринчига сакраб чиқар, бас!
Шоирлар ичида бари – биринчи!
Шоирлар ичида иккинчи бўлмас!

Дунёлар умиди

– Эй жимит гул! Бўйинг бори бир суям,
Кўкўпар дарахтлар пойида хоксор,
Тирноқча гунчангни кўз-кўзлаб бу дам,
Қисинмоқ, уринмоқ – сенгами даркор?
– Ким у? Бу сўзларга ҳайронман фақат,
Кичкина кўнглимда, эҳ-ҳе, не ўйлар!
Кичкина кўнглимда улуғ муҳаббат
Ёруғ дунёларнинг умидин куйлар!

Тинч океан соҳилида Чўлпонни ўйлаганим

Тулан Низомга

Кимлар қўймиш сенга отни “Тинч” дебон?
Тинч океан, тинч эмассан бу замон,
Кўм-кўк сувлар изтиробда буралар,
Булутлар ҳам ҳиссиз қараб туралар.
Чора топмай яқиндаги тўлқинлар
Алам билан соҳилга бош уралар.
Яхшиямки, соҳил яқин, бош уриб,
Йўлни тағин уммон сари буралар.

Олисларда оппоқ-оппоқ тўлқинлар,
Чора топмай кўтаради шовқинлар.
Ичидагин, дардин этай деса фош,
Юксакларда қулоқ солмайди қуёш.
Тўлқин, тўлқин, тўқнашади тўлқинлар,
Сўғишади... Уммоннинг ҳам бағри тош.
Соҳиллар йўқ, қай соҳилга урсин бош,
Бошин урсин, қувончидан тўксин ёш?..

Осиёликлар

– Кўзларингиз қисик, осиеликлар,
Олам кенглигини қандоқ кўрасиз?
Шунга ярашадир сизда биликлар,
Шундан орқароқда юрасиз.

– Ҳайҳот, осиелик сийрати қизиқ,
Бугун армонлари туғён урибди.

Келажак қандоқ деб, кўзларин қисиб,
Олис-олисларга боқиб турибди...

Вашингтон кўлида

Борлиқ тип-тииқ, борлиқ осуда,
Осмон ўзини кўради сувда.
Шунчалар ажиб, осмонми тиниқ,
Осмонми тиниқ, уммонми тиниқ?..

Шамолдай учқур қайиқ еладир,
Умр ўткинчи, дейдир, биладир.
Ҳой кемачи қиз, бунчалар шошма,
Уммон қолиб, сен қайнама, тошма!

Тиниқ сувларга мавжлар соласан,
Фарқ-сарққа бормас ёш қиз боласан.
Кекса денгизни айлаб маҳлиё,
Багрини тилдинг, кетдинг бепарво...

Борлиқ тиниқмас, эмас осуда,
Осмон ўзини кўролмас сувда.
Шунчалар ажиб осмонмас тиниқ,
Осмонмас тиниқ, уммонмас тиниқ....

Амриқоча чизгилар

Гўзал диёр Амриқо!
Сўзлай десанг тил лолдир.
Ҳайрат боқар ҳар ёндан,
Ажиб тийра мақолдир.

Бировининг устида
Шорти деган бир кийим.
Бошқасининг либосин
Кийим деб аташ қийин.

Бир йигит қулоғига
Сирга тақиб олибди.
Ўзга йигит орқаси
Сочи билан тўлибди.

Ярим очиқ аёллар
Эмин-эркин юрар, денг ...
Бунда қонун пурқудрат,
Шоҳу гадо тепа-тенг.

Бизлар қўлёзма титиб,
Ўқир эдик байтларни.
Улар Интернет тутиб,
Очар хил-хил сайтларни.

Уйга келган заҳоти
Компьютерга шўнғийди.
Дунёнинг бор хабарин
Бир лаҳзада ўқийди...

Бунда киши эркиндир,
Табассуми юзида.
Ҳар ким қилар билганин,
Ихтиёри ўзида.

Битта йигит (бу – мода!)
Соч-соқоли оқарган ...
Бу ҳаёт эркин ҳаёт,
Чидаганга чиқарган ...

Сиэтлда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кун

Илза опа юртга ош бераётир,
Меҳмонлар келади олис-яқиндан.
Дастурхон устида сўз бораётир
Ҳур Ватан, оқибат, ўзбек ҳақинда...

Қуллуқ, опажоним, юзда табассум,
Оллоҳ умрингизни этсин мукаррам.
Халқим ардоқлаган энг буюк удум,
Шукр, етиб келди бу ерларга ҳам!

Колумбнинг тухуми

Колумб дўстларига дейди пурмаъно:
“Ким тухумни тикка турғиза олар?”
Ҳамма уринару ҳамма ҳам аммо
Қўлидан келмайин ҳайратда қолар.
Колумб-чи, тухумни пойнак-ла урар,
Ерга бир урару турғизиб қўяр...
“Эҳ-а... Бундоғини биз ҳам билардик!
Мингта, сон мингтасин тикка қилардик!..”
“Аён билардингиз... – Колумб дер кулиб. –
Аммо мен турғиздим биринчи бўлиб!..”

Нақлни ҳар одам тушунар ҳар хил,
Маъносин билганча ҳар ён буради.
Алқисса, қаловин топсанг, беҳазил,
Турмаган нарса ҳам тикка туради!..

Индианлар

Йоннондиё, сен – қўшиқ, сен – шеърят...
Уолт Уитмен

Уммон соҳилида ётар бир бола,
Ғафлат уйқусидан очмас кўзини.
Қора булутларга бўғоз ҳаволар
Ҳукмрон сезади бунда ўзини.

Ул қандай ҳаводир, пусқургани – ўт?
Ул қандай булутдир, ёқар оловлар?..
Боланинг устида гоҳ худ, гоҳ бехуд
Балқийди Европа тутган яловлар ...

Қачон уйғонасан, эй сен болажон,
Қачон дунёларга боқурсан хурсанд?
Қачон англағайсан, ки замон-замон
Амриқо соҳиби ўзинг эурсан?..

Сиэтл оқшоми

Кеч кирди.
Осмон ҳам қорая бошлар,
Шаҳар тун кўксига қўяётир бош.
Ҳамма тараддудда уйига шошар,
Мағрибга оҳиста сирғалар қуёш.
Бир жонон юради кучук етаклаб,
Бизнинг ёқда бўлмас бундай кучуклар.
Ўзбек қизларини эслайман қараб,
Ит билан ўйнашмас бизнинг пучуқлар.

Ана, автобусдан тушади бир қиз,
Пешвоз чиқар унга кутиб тургани.
Ўзини бахтиёр этади ул ҳис,
Борлиққа таралар қаҳ-қаҳ ургани.
Осмонда ярақлар нақ бир қучоқ ой,
Кимнингдир йўлига тикканми кўзин?
Кимгадир, чамаси, интиқ шу чоқ ой,
Ҳеч кимим йўқ менинг, ёлғизман, ўзим...
Бир жуфт бўлиб ёнар чироқ ҳам ҳатто,
Яхшироқ ёритар йўлни малолсиз.
Кимсасиз туюлар бош узра само,
Юлдуз ҳам бир четда мунғайган, ёлғиз...
Ҳамма уй-уйига шошади аста,
Кўнглимни қамрайди маънос, ҳазин руҳ.
Мен танҳо қайтаман ғамларга баста,
Олиб кетай десам ҳатто кучук йўқ...

* * *

Тўй бўлса, Амироқо элида удум:
Йигит қиз қошида тиз чўкар бир зум.
Тиз чўкар ва лекин билмайдик қиз,
Йигит тиз чўкару, қалби чўкмас тиз.
Тўй бўлса, ўзбекнинг элида удум:
Йигит қиз қошида тиз чўкмас бир зум.
Тиз чўкмас ва лекин шуни билар қиз,
Йигит магрур қолар, қалби чўкар тиз!..



ШОҲРУҲИЯ ХАРОБАЛАРИДА

Ҳайратни кўрингиз, дўстим Бегали,
Жуда қизиқ ишлар бўлар дунёда.
Тоғлар учар экан осмонда ҳали,
Шаҳарлар оқаркан ҳатто дарёда!..

Азим Шоҳруҳия, эй ота макон,
Бунёду барбоднинг ёрқин тимсоли!
Кўҳна Урганч янглиғ этилдинг вайрон,
Ҳар ерда дарёдир шаҳар заволи...

Барчасини раво кўрмиш олий зот,
Раҳму шафқат бизга ҳақдан қайтади.
Шул сабаб, бу борлиқ, жумла коинот
Оллоҳ-таолога тасбеҳ айтади...



* * *

Кеча келгумдир, дебон ул
сарви гулрӯ келмади...

Навоий

Кўпдан шеър ёзмадим, қани ёниқ ҳис?
Қўлга қалам олсам, сўзлар келмади.
Сўзларнинг изидан излаб кетдим из,
Келди-ю мен кутган ҳислар келмади.

Йўлига кўз тикдим, қошлар қорайди,
Тонг оқарди, қаро кўзлар келмади.
Тангри суяр эмиш йиғлоқиларни,
Бироқ дил-дилидан бўзлар келмади.

Ўзгалар келди-ю ўзлар келмади,
Тонг оқарди, қаро кўзлар келмади...



ШОИРГА

Шоир! Халқнинг меҳрига ҳеч тикиб юрма кўз ...

Пушкин

Заҳматкаш шоирсан, эл шуни сўзлар...
Меҳнат қилмоқ сенга шоҳона ишдир.
Кимгадир ҳақорат туюлган сўзлар
Сен учун шубҳасиз буюк олқишдир.

Кимдир сени мутлақ назарга илмас,
Дурдона байтларинг унга бир тийин.
Шеър нима – билмоққа ҳатто иштилмас,
Шеърсиз ҳам яшамоқ эмасдир қийин.

Келар сарҳисобга фурсатлар ҳали,
Туз тотдинг гоҳ нопок бандалар билан.
Душман саломига гоҳ олдинг алиқ
Чехрага ярашмас хандалар билан...

Озодлик деб шеърлар битдинг яширин,
Маънолар беркитиб сатрлар аро:
Шояд билиб олса, уларнинг сирин,
“Ватан!” деб ўртанган бирор фуқаро.

Номинг машхур эрур эл аро асл,
Тирикчилк огир, гоҳ у йўқ, бу йўқ...
Ҳатто фарзандларинг қилишар ҳазил:
“Шоир номи улуғ, супраси қуруқ!..”

Ҳа, ҳа, шоирликдан умид нимадир,
Қалам тутмоқ, билмам, нечоғлик хизмат?
Шоир фароғатдан кўзин юмадир,
Шоирлик – пешона, қисматдир, қисмат!

Шоир ўзи учун яшамас асло,
Қалам тутдинг – керак бўлса жондан кеч.
Дема: “Бўлардим, бўлмади аммо...”
Қадр тилаб халқдан ўпка қилма ҳеч!..





* * *

...Ям-яшил кенгликлар багрига чорлар,
Ям-яшил кенгликлар, гўзалсиз мулча!
Дилдор кўзларида завқу шавқ порлар,
Бор олам парвона бора-боргунча,
Бора-боргунча.

Кўзингда кўзларим жаҳон кўради,
Ечилиб кетади дилда тугунча.
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза қоим туради,
Хотирда қолади ўла-ўлгунча,
Ўла-ўлгунча...





ЭСКИ ФАЛСАФА

Биз ёндик, биз куйдик, раъйимизга қараб,
Кечар баҳорлару қорлар, қировлар.
Неки юмуш қилсак, қилдик, вожаб,
Баҳони беради энди бировлар.

Боболар кўрган кун – ғурбатли аср,
Бошда синди калтак, қистов, сўровлар...
Умр – уларники, не учун ахир
Баҳони беради энди бировлар?

Кимдир лойлар қорди, йўл очди кимдир,
Ким эса жонини қўйди гаровлар.
Ҳеч ким эсламайди уларни энди,
Роҳатин кўради энди бировлар...





ИЗҲОР

Шукрлар қиламан сенга, худойим,
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи.
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.

Умр чархпалагин бўлмайди буриб,
Ёшгина болага ширин сўз гурур.
Мен ношуд замоннинг тубинда туриб,
Умидвор қидирдим гумбазлардан нур.

Илк бора сабоқни олдим онамдан,
Мургак қаламимга отам ишонди.
Қутлуғ номи қора бўлган у дамда,
Бордим азиз айлаб Дукчи эшонни.

Талаба эканман гурбатда гариб,
Ёш кўнглим ёритди “Машраб” деган ном.
Жафокаш тарихга термилган сарим,
Қадимги қўшиқлар бахш этди илҳом.

Халқим тухматларга қолганда ногоҳ,
“Ўз-ўзинг англа!” деб майдон отилдим.
Чидамоқ мушкулдир, Конигилда, оҳ,
Сарбадорлар билан дорга тортидим...

Темурбек этагин тутиб босафо,
Табаррук изларин тавоф айлайман.
Нўноқ қаламимни йўниб бу асно
Жонимни ўтларга урмоққа шайман...

Сени севганимдан ҳаётим обод,
Шодлик-қувончингман, оху нолангман.
Атрофга кўз солсам, гувиллар ҳаёт,
Хур элим, олтмишга кирган болангман!..

Шукрлар қиламан сенга, худойим,
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи...





РОМАНС

Кимсасиз тун кечада мунгсирайди тераклар,
Юксакларда ой сўйлар шуълаафшон эртаклар.

Оппоқ ҳарир кўйлақда бир аёл нозик-ниҳол,
Теракка суянмишдир бамисли шамол беҳол.

Ким кимга суянмишдир, аёлми теракка, воҳ,
Теракми аёлдан ё тилар ўзига паноҳ?

Шамолдан теракнинг ҳам тик қадди эгилмишдир,
Ғуссадан аёлнинг ҳам гул қадди букилмишдир.

Иккиси ҳам тебранар маломат ҳаволарда,
Булутлар узра ой ҳам сирганар самоларда...

Терак учига қўниб тўхтаб қолар ой, ҳайҳот,
Бағри туташиб бирдан куя бошлар шу заҳот!

Нозик-ниҳол аёл лол, тепасида куяр ой,
Ўзин қайга қўймоқни билмас терак, ҳойнаҳой.

Аёл ғуссасиданми, ой куяр, куяр эди,
Дунёдай кенг самонинг бағрини ўяр эди...



ИТНИНГ САДОҚАТИ

Сулаймон пайғамбар кўчадан ўтар,
Ногоҳ ҳуриб қолар унга бир кучук.
“Мени билмасмусен, ношукр, қайсар,
Ҳазрати оламга ҳурмагинг нечук?..”

“Биламен, ҳазратим, ҳайрон қолманг сиз,
Асло танимасни сийламас эрмас.
Гар сизга ҳурмасам, оч қолгум шаксиз,
Эгам бир парча ҳам менга нон бермас!..”

* * *

Ёруғлик кўрмадим ҳаётдан, дема,
Ношукр бандадек тутма ўзингни.
Турмуш ташвишидан асло ғам ема,
Самодан туширма ерга сўзингни.

Сен – шоир, сен – подшо, сен – сўз гадоси,
Оламни сен каби ким ҳам тушунар?
(Гоҳида кулишар ҳатто қўшнилар...)
Сен – шоир, сен – подшо, сен – сўз гадоси!..



ҲИКМАТ

Ўйчан хаёл кетар югуриб,
Шошқин дарё ўйланар аста...
Тоғлар ҳаяжони мавж уриб
Булутларга бўлар пайваста...

Бу дунёда бари бир нарса,
Бир-бирига боғлиқлик – ҳикмат.
Мана, гўзал ҳижронлар ила
Боғлаб қўйди бизни ҳам қисмат...

* * *

Кўрсат, шижоатнинг беқиёс кучин,
Ақлли ақлни бизларга кўрсат!
Озод Ватан учун, истиқлол учун
Жон фидо қилмоққа етгайми фурсат?

Бир бор назар ташлаб, англар ҳар оқил,
Билар у, замонлар ўқдай еладир.
Бу куннинг ишини бу кун адо қил,
Эрта ўз ишини олиб келадир!..

БАҲОР

1

Баҳорни севаман! Ох, яланг даврон!
Шоирлар хилма-хил ташбеҳ топамиз.
Қишнинг қўрғонидан чиқиб соғ-омон,
Кўклам оғушига қараб чопамиз.
Баҳор – табиатнинг ибтидосидир,
Табаррук йил умрин бошлаб беради.
Баҳор – шоирларнинг иддаосидир,
Илҳом кўзларини ёшлаб беради.
Табаррук йил умрин бошлаб беради.

2

Ялтилар самода уч кунлик қамар.
Яна далаларга тушади излар.
Бошларига боғлаб толкучук чамбар,
Сулувлик санъатин ўрганар қизлар.
Билмайман, недир у – қизларми гўзал,
Ва ё куртак отган нафис сурх новда?
Тоғлар жонланибди, ҳамал-да ҳамал,
Замин уйғонибди, сойлар безовта
Ва ё куртак отган нафис сурх новда?..

3

Шабда эсади тоғлар тарафдан,
 Эй мудроқ Она ер, кўзларингни оч!
 Ажралиб чиқару ана, қурч сафдан
 Чеккадаги томга қўнар қалдирғоч.
 Қадрдон ҳовлига бўлиб парвона
 Париллар, чарх урар айвон тагида.
 Инин тузатмоққа эринмай яна
 Хас излаб куйманар боғ этагида,
 Париллар, чарх урар айвон тагида.

4

Дошқозон қошида кайвони момо
 Капгир-ла қозонни кавлаб қолади.
 Эртага пишажак сумалак аммо
 Ҳозирдан дилларга қутқу солади.
 Кимдир ўт ёқади, ким қўшиқ куйлар,
 Воҳ, қишлоқ қизлари чаман-чаман-о!
 Момо туни билан чўпчаклар сўйлар,
 Ҳар битта сўзида оламча маъно!
 Воҳ, қишлоқ қизлари чаман-чаман-о!

5

Наврўз суруридан яйрайди кўнгил,
 Бинафша тутганлар юрарлар мағрур.
 Баҳорий фараҳнинг бўлмагай сўнгги!
 Рухлар озода эрур, мамлакатим хур!
 Тўлан дўстим билан, Ҳумоюн билан
 Сойнинг тепасига чиқиб кетамиз.
 Бизники шу Замин, шу озода Ватан!
 Дунёнинг тагига етамиз!
 Дунёнинг тагига етамиз!..

* * *

Ошиқ маъшуғини интизор кутгай,
Роҳат-фароғатлар баҳридан ўтгай,
Жаҳоний ишқини ичига ютгай...
Сўнг дарду изтироб лашкарин енгар!
Севсанг – сенга яхши, севмасанг – менга...

Тогларда сакрабон ўйнаган оху,
Бадбин назарларни тортар ногоҳ у,
Кўзидан бошқа йўқ гуноҳи, ёху!
Зинҳор бирон корим тушмасин сенга...
Севсанг – сенга яхши, севмасанг – менга...

Оламда севмоқдан ортиқ нима бор?
Мол-дунё, бойлик-зар, барчаси бекор!
Сен матлуб яралдинг, мен-чи – талабгор!
Оллоҳим, қўшсинлар тенгини тенгга!
Севсанг – сенга яхши, севмасанг – менга!..

Сарв дарахтимни эъзозлаб доим,
Унга сўз отарман, ширин, мулойим.
Тўзим бер, тўзим бер унга, худойим!
Торга тор бу жаҳон, кенг эрур кенгга...
Севсанг – сенга яхши, севмасанг – менга!



ЁМҒИРДА ҚОЛҒАН ҚИЗ

Жала қуйди ногаҳон,
Ҳеч ким йўқдир далада.
Гўзал бир қиз навниҳол
Қолиб кетди жалада.

Чит кўйлак ҳам, кўрингиз,
Пайтдан нафланиб қолди:
Нозиккина баданга
Чипша ёпишиб олди.

Ёмгир тинмас, шавқиёб
Қарсиллатиб ёғади.
Қизнинг анор кўксию
Юзларидан оқади.

Сўз отайин дейди-ю
Тили боғланар бироқ...
Завқи ортиб хоҳолар
Кўкда момақалди роқ!

Оғушига олмоққа
Ҳавасманд бўлиб осмон,
Қучмоққа чақмоқ қўлин
Чўзар эди қиз томон...

Қизгина хўп севинди:

Уйга етволди энди...

Чақмоқ ҳам чил-чил синди,

Ёмгир ҳам тинди... Тинди...

* * *

Абдулла Ориповга

Рост дединг: ит ҳурар карвонга доим,

Бекордир саклардан ўзгани кутмоқ.

Азал қонунида битилмиш қоим,

Итларга ҳурмоғу карвонга – ўтмоқ...

Майлига, дўстгинам, койитма жонни,

Беҳол увалмасин ҳориган юрак.

Ғафлат босмасин деб ахир карвонни,

Итларнинг ҳам ҳуриб турмоғи керак!..



* * *

Кўнгила ошно бўлмоқ истагидан маст,
Макон тутсам, дейди, ошённингизни.
Бошимга кўтарай ерларни эмас,
Ёлғизгина порлоқ осмонингизни!

Оҳ, дилда туғилар гаройиб бир шеър,
Офтоб тўкис қиздай жилмайиб боқар.
Арши аълодан то рутубатли Ер –
Илҳомлар селида тўлганиб оқар...

– Севаман! Севгимни тутолмасман сир!
Узаман тилкалаб бор ришталарни!
Тупроқдан яралган бўлсам-да ахир,
Нетай, кўнглим тилар фаришталарни!..





КЎЗ ВАСФИДА...

Кўз айтадур, айтганлари меҳрли,
Ғайбдан келган садо каби сеҳрли.

Кўз кўради туйғуларнинг қатини,
Изҳор айлар кўнгил муҳаббатини.

Кўз ёнади, ёниб турган замони,
Нурга чулғар буткул еру самони.

Кўз эркалар, суйганини ким билар,
Ўз жойида туриб ёрга интилар.

Бўса олар, бошқачадир бўсаси,
Сўйлай десанг, ширин эрур қиссаси.

Кўз учади... ҳеч ким ундай учолмас,
Кўз қучади, ҳеч ким ундай қучолмас...

Нафрат қилса, сенга олам бўлур тор,
Шундан ўзи асрасин парвардигор!

Кўз – туби йўқ, сарҳади йўқ бир уммон,
Боқсанг, унда ғарқ бўлмогинг бегумон.

Салом берар, келинчақдай мулойим,
Дейсан, шу кўз чақнаб юрсин, илойим.
Эй кўзи шўх, ким не десин-демасин,
Кўзингизга кўз тегмасин, тегмасин!

КАМТАР АФАНДИ ДЕЙДИ

(Ҳазил)

Кеча ҳов донишманд тарк этди олам,
Бугун ўтган эмиш яна бир улуғ...
Не бўлмоқда ўзи?..
Мана, менинг ҳам
Бугун эрталабдан унча мазам йўқ..

* * *

Камчилигим кўп, деб ўкинма асло,
Барига сабабчи парвардигор-ку.
Мана, мен, биласан...
Мен кимман? Танҳо!
Қара, ҳатто, менда камчилик бор-ку!



ИККИ БҮЙДОҚ СУҲБАТИ

- Тўйинг бўлар эмиш яқин-ўртада...
Хурсандман, толибсан хурлиқо бир қиз.
- Топгандим... Э, бари жоним ўртади,
Онамга ёқмади ўша қиз, эсиз.
- Тез қидир, онангга ўхшаганин топ,
Суюмли, дилтортар бўлсин ўша қиз!
- Худди шундоғини топгандим ҳисоб...
Отамга ёқмади ўша қиз, эсиз...
- Сира ҳам кўнглингни чўктирма, жўра...
- Йўқ, топдим! Учради қизмисан бир қиз!
Ҳаммага ёқди-ю... омадни қара:
Энди... мен ёқмадим ул қизга, эсиз...





ДАВОНИНГ УСУЛИ

Огир бетоб ётар, юраги беҳол,
Дори-дармонда ҳам қолмади маъни...
Ногаҳон эшитди!
Ё раб, бу не ҳол:
Дардга чалинибди қаттол душмани!
Кўзларида учқун пайдо бўлди бот,
Ингроқ-сингроқлар ҳам тўхтади таққа!
“Ҳай-ҳай” ларга боқмай шу заҳот
Шартга туриб кетди оёққа!..



ҲАЁТ ТИҒИЗ...

Ҳаёт тиғиз...

Яшашга вақт йўқ,
Ҳаёлимда нурли фикрлар.
Қўлинг тутар лек узуқ-юлуқ,
Нотинч дунё, икир-чикрлар...

Ҳаёлингда йўқ нарса бирдан
Рўбарўнгдан чиқиб қолгуси.
Фикр-ўйинг тиқилинч, тирбанд,
Неча кунлаб вақтинг олгуси.

Касал кўриш... турфа хил ишлар...
Оқибатни айтай олиб тан:
Орттиради баъзан ташвишлар
“Миллий” даги талаба жиян.

Мусофирлик кўрмай, чинакам
Ҳеч мусулмон бўлмасин билиб,
Россиядан қайтмоқда укам,
Азоб тортиб, “мусулмон” бўлиб.

Қачонлардир четга йўл олган,
“Ватан, Ватан!” дея соғиниб
Шифтга осиб қўйган бир халта

Тупроққа кўз тикар огриниб...
Ҳаёт тиғиз...

Дер: “Қилгил ҳавас,
Шу Ватаннинг қадрига етгил!
Бир томчи қон, бир лаҳза нафас
Аямагил, жон фидо этгил!”

Гуркирайди ўзгача ҳаёт,
Гулларда ҳам ўзгача бир ранг.
Бораётир баркамол авлод,
Орта қолмай қадам ташласанг!

Ўзинг билан, бошқаларни ҳам
“Ватан!” дея олга бошласанг!
Десанг: “Ватан! Онажон! Онам!..”
Ёниб, ёниб, ёниб яшасанг!





ДЎСТИМГА

Дўстим, эслисанми, болалик чоғлар,
Билтанг-билтанг қилган ёлғиз оёқ йўл.
Подалар чангига кўмилмиш боғлар,
Чучмома, лолалар ўсмайдиган чўл...

Олислар қуйилар кўзимизга жим,
Чаманлар кўрамиз уфқлар ортида.
Бола қалбларимиз тепар бетиним,
Қишлоқмас, Ватану жаҳон дардида...

Норасида севги завқидан мағрур,
Шодмон тикиламиз бир-биримизга.
Толе ваъда айлар бизга бахт-сурур,
Осмон торлик қилар дил сиримизга.

Барчасин кашф этиб, юрар эдик маст,
Куч-қудрат жам кўнгил зарбларимизда.
Чучмома, лолалар чўлларда эмас,
Япроқ ёзар эди қалбларимизда...



ҚАТОРДАН ҚОЛМАДИМ...

Талаба қиз келди Париждан қайтиб,
Гран-При олди танловда илғор.
Истиқлолга қўшган менинг ҳиссам, деб,
Кўнглида туяди фахру ифтихор.

Жаҳон чемпиони бўлди шер ўғлон,
Мамлакат байроғи балқди юксақда.
Истиқлолга ҳисса қўшгандан шодмон,
Шукрона туйғуси қалқди юракда...

Бастакор қасида битирди кеча,
Мадҳ этди замона қахрамонларин.
Истиқлолга ҳисса қўшдим деб пича,
Эслайди бахтиёр илҳом онларин.

Фермер аёл қўриқ очар адирда,
Боққа айлантитарар уни алқисса.
Сўнг дер ул иқболи баланд қадрда:
“Истиқлолга қўшган шул эрур ҳиссам!”

Қатордан қолмадим. Тарих – жавоҳир,
Соҳибқирон васфи бўлди-ку ишим.
“Улуғ салтанат” ни битирдим охир,
Шулдир, истиқлолга камтар улушим.

Эй халқим, улуғдир шаънинг-шукуҳинг,
Урфу удумингдан жаҳон эрур лол.
Кўкларда кезади кун мисли руҳинг,
Сенга ёр озодлик, Буюк Истиқлол!

* * *

Чироқ ўчиб қолди.
Хона зимистон,
Киши бир-бирини кўрмақдан ожиз.
Дарҳол шам қидириб кетди келинжон,
Хотиржам ўлтирар онахон ёлғиз.
Дераза пардасин очарлар мана,
Қуёшнинг нурлари ёгилар порлоқ.
Дуога қўл очар, мамнун дер она:
“Ишқилиб, ўчмасин шу катта чироқ!..”



* * *

Бордир менинг ёлғиз ситорам,
Фалак ичра пориллаб балққан.
Фалакдамас, пораю пора-
Юрагимда дард бўлиб қалққан.
У чарақлар, ёришар само,
Кўз олдимдан сира кетмайди.
Юрагимда турибди, аммо
Қўлим чўзсам, қўлим етмайди...





* * *

Согинаман ёримни,
Ҳар лаҳза кўргим келур.
Менинг аҳволи-ҳолим
Бошдан кечирган билур.

Йўлимга чиқар ёрим,
Бир кўриниш берай деб.
Мен бораман пойига
Бошгинамни урай деб.

Ёлғизгина бошимни
Остонангга урарман.
Севги йўлин танладим,
Пешонамдан кўрарман.

Ёрим кулар чиройли,
Бордир битта сир, дейди.
Менга бошинг керакмас,
Юрагингни бер, дейди...



* * *

Яхши сўз нашъа қилар, хумор этар,
Қорасини кўрсатмай гоҳ зор этар.
Гоҳ чақмоқдай ярақлаб тиниқ кўкда
Лаҳзада ё йўқ қилар, ё бор этар.

Яхши сўз жон озиғи дерлар доим,
Яхши сўз сизда кўпдир, жоним ойим.
Битта сўз айтингизки, кулсин олам,
Сигмай кетай дунёга, ўргилойин.

Гадо-мас, яхши сўз гадосиман,
Ҳа, ўша фидолар фидосиман.
Таърифлашга чидамас сабрим, эй воҳ!
Садо-ю сафосиман, жафосиман!

Рост айтсам, сиз ўзингиз ул яхши сўз,
Ўзгалардан яхшироқ йўқ нақши сўз.
Олам маъно яшринган, унга боқсам,
Англамоққа бу ақлим етмас, афсус...
Яхши сўз нашъа қилар, хумор этар...



* * *

Висол онларига топмасман таъриф,
Гунча лаблардаги нозли табассум,
Минг йиллик дардим ҳам кетгувси ариб,
“Хуп...” деб бош эгишинг қанчалар маъсум.

Гарчи ёнимдасан, олисдан олис,
Ҳатто ета олмас сенга хаёлим.
Йўқ, нотинч этмасин, хаёлим ҳаргиз,
Тушмасин дейман-да, сенга малолим...

* * *

Сени гунча янглиғ авайлардим мен,
Тегмасин деб зинҳор баргларингга доғ.
Жаннат гули янглиғ тоза эдинг сен,
Хурлар каби оппоқ, хурлардан-да оқ.
Жаннатий боғларда юрдик бахтиёр,
Бедазорлар кездик, дил ишққа тўлиқ.
Қўлим теккизмадим, чунки масал бор:
Жаннатда кўрмоқ бор, емоқ эса йўқ...



* * *

Бетимсол бўлибсан, кўзларинг шаҳло,
Қадди камолингдан ёғилади нур.
Тикилиб турибман, эй дурри якто,
Дилимда оҳим бор, кўзимда сурур...

“Севишдан қўрқаман!” – ёзар шоирлар...
Севмай бўлармикин сендай гулни, оҳ!
Мен эсам гуноҳдан қўрқаман! Дерлар:
Севмаслик дунёда энг оғир гуноҳ!





ҚИШ

(Манзара)

Паға-паға қор ёғар, совуқ..
Ҳовли юзин тутди қалин қор.
Уйдан уйга ўтарга йўл йўқ..
Ёрлақади хўп парвардигор.
Қор қурайман яйраб танага,
Совқотади қўлимда курак.
Сўнг кирамиз иссиқхонага,
Сал исиниб олиш ҳам керак..





АНОРХОН

Ҳавас дея Анорхон.
Ваъдасидан тонархон.
Изҳор этолмай ишқин,
Юрак-бағри қонархон.
Гурур билан бирма-бир
Ошиқларин санархон.
Ҳаммани кул-кул айлаб,
Ўзи гул-гул ёнархон...





НОН

Ногаҳон отланса сафарга ўғлон.
Белига онаси тугиб қўяр нон.
Мусофир юртлардан қайтгин, деб, омон,
Ҳамроҳ бўлсин сенга шу нон, нон – иймон.

Меҳмон деса ўзбек кўнгли бўлур чоғ,
Агар келса олис-яқиндан меҳмон,
Тансиқ неъмат бисёр, таом кўп, бироқ
Дастурхон ёзару аввал қўяр нон.

Қизга совчиликка борилса доим,
Ёшларга бахт тилаб синдирилар нон.
Умрингизни ширин этсин, худойим,
Нондек азиз этсин, шу нон, нон – иймон!

Нон одам юзига ўхшайди, ажаб,
Шундан юзларингиз нондай иссиқ дер,
Ҳазрати Инсонни васф айлаб, алқаб,
Шоир илҳом билан ёзганида шеър...

Сўзни нега чўздим? Оллоҳга шукр,
Қалбларда қайнайди туйгулар, ҳислар...
Сизга боқсам, юзга ёгилади нур,
Эй, юзлари нондай иссиқ, азизлар!



МИНИАТЮРАЛАР

Бир гўзал альбомига

Нақадар сулуvsиз, эй дурри якто!
Назокат гулига жон бўлсин фидо!
Бундан ҳам гўзалроқ бўлмагунча то
Шу кўрку ҳуснда қолинг, илоҳо!..

* * *

Оҳудан ҳам гўзал бизнинг ёр.
Аmmo бир фарқ бу ерда ошкор:
Жабр айлар ёрим, кўнгли тор...
Оҳунинг-чи, сал инсофи бор,
Озор бермас бекордан-бекор...

* * *

Йўлда учрашдилар иккита гаранг.
(Шундоқ бўлиб турар гоҳида, қаранг.)
Бири дер: “Йўл бўлсин?.. Бозоргами ё?..”
Иккинчиси дейди бош чайқаб: “Асло!
Бозорга кетяпман, бозорга, ошна!..”
Биринчиси аста бошини қашлар:
“Мен бўлсам, лакалов, эсимни ебман,
Қара-я, бозорга кетяпсан, дебман...”

* * *

Ҳикмат бор: номусли ёзувчи халқи
Дунёга келади айтмоққа ҳақни...
Ҳақни айтолмаса, қийнаб қаламни,
Халқининг бошига ортгай алаамни...

* * *

Асли боболардан бу нақл:
Иш беради ҳамиша ақл.
Пастга олға кетгандан кўра,
Юқорига чекинган маъқул...

* * *

Кўнгил, дедим, кўнгил кўнмайдир,
Унгил, дедим, тилак унмайдир.
Шахтим қайтди, эҳтимол шахтим,
Аммо умид сўнмас, сўнмайдир!

* * *

Чўнтаклар ичида нодир чўнтак бор,
Унга тушган ўғри саналмас зинҳор.
Ҳеч қайда йўқ кўрку чирой ундаги:
Удир – Асаканинг гўзал Чўнтаги!



SMS

Эсимиздан чиқмайди ҳеч SMS,
Икков бирга чақ-чақ юрган кезимиз.
Боғлардаги гуллар ҳайрон, еллар лол,
Ғуборлардан холи бўлган изимиз.

SMS нинг у ёғида сендурсен,
Бу ёғида эс йўқотган мездурмен.
Ёлборишдир азал ошиқ қисмати,
Инграгану синграмаган ундурмен.

Билмам энди, бу нима деб аталар,
Сени эслаб дилимга тош қадалар.
Йўлга боқсам, кўринади мунғайиб,
Не-не юзи шувит бўлган ваъдалар.

Ортиқ сендан келмайди ҳеч SMS,
Эслаганда қизармайди юзимиз.
Сенда айб йўқ, кечир бизни SMS,
Ишқимизни барбод берган ўзимиз...

“СОҲИБҚИРОН” КИТОБИДАН

1. Валиаҳднинг уйланиши

Ўн еттига кирди Муҳаммад Султон,
Уйлолмай қийналар Сароймулхоним.
Назардан ўтади не-не моҳтобон...
Маъқул эта олмай ҳалақда жони.

Сўнг Амир Темурга ёлборар, сўрар:
“Ҳазратим, насиҳат айлангиз бир оз.
Ҳеч кимни ёқтирмас валиаҳд, қайсар,
Қудратингиз бисёр, ҳайиқмоғи рост!”

Амир Темур дейди: “Қудратим буюк,
Юртларни қўшамен юрган йўлимда.
Лек, икки кўнгилни қўшмоқ... о, йўқ, йўқ!..
Бунга ожиздурмен, келмас қўлимдан!
Кўнгил – осмондаги эркин қушдир, бас,
Кўнгилга султон ҳам ҳоким бўлолмас!..”

2. Туман оқа малика

Бахти тўкис малика,
“Туман оқа” номи бор.

Кўрганлар дер: “Ёнида
Ўчмас, порлоқ шами бор!”

Ҳурилиқо, сарвқомат...
Унинг нима ғами бор?

Ҳар нарса бисёр, аммо
Биттагина ками бор:

Тирноққа зор ўтдим деб,
Кўзларида нами бор.

Шундоқ, болдай ҳаётнинг
Аччиққина таъми бор...

3. Қилич ҳақида икки фикр

Амир Хусайн:

Қилич билан бирлаштиргаймен
Ўзбошимча, гажир бекларни.
Ўз ҳолича бўйин эгмаслар,
Ўз ҳолича тилар эрklarни!

Амир Темура:

Қиличга ҳеч кунинг қолмасин,
Синмас қанотларни қайирар.
Қилич асло бирлаштирамайди,
Қилич, афсус, бадтар айирар!

4. Соҳибқирон дейди

Багоят теран эрур
Ушбу гапнинг мазмуни:
Мард бир марта ўлади,
Қўрқоқ ўлар ҳар куни!



АВЛИЁНИНГ БАШОРАТИ

(Достон)

Соҳибқирон ўлтирибди тахт устида жим,
Кўксаройдан термилади йироқ ва йироқ.
Дунёларга даҳшат солган ўшал Йилдирим
Бўйин эгди, бўйин эгди Миср ила Ироқ.

Жаҳон шундоқ қалқинди,
Қалқинди, ёнди, тинди...

Ҳайрат ила боқ тарихнинг ишига бир зум,
Оврупа ҳам енгил нафас олди ниҳоят.
Нечоғлик ҳақ Қуръон сўзи: “Мағлуб бўлди Рум!..”
Оллоҳ шундоғ барчасига берди ҳимоят.

Ўнг томонда Улуғбеку Иброҳим Султон,
Пирмуҳаммад, Умар Мирзо, ўзга мирзолар.
Шайх Нуриддин бир томонда, Худойдод бир ён,
Шоҳмаликлар, салтанат деб жони фидолар,

Туришар мисли бургут,
Кўзларида ёнар ўт!

“Отил!” деса, қоплондайин ташланмоққа шай,
Не-не метин қалъаларга чанг солган шерлар,
Бари боқар оғир, вазмин тахтдан кўз узмай,
Деган каби: “Ҳазрат, бизга не хизмат дерлар?”
Қўр тўкканча саф тортишган ашраф-акобир,
Шайхулислом, қозикалон, доруғалар жам.

Бари боқар тахт томонга, боқар бесабр:
“Улуғ Амир хаёлида нелар мужассам?

Қай кимларни қутлар ул,
Не кори ҳол чўтлар ул?..”

Чехрасидан билинмас ҳеч, ғамгинми ё шод,
Қай сарҳадлар томон бошлар олийшон фармон?
Ўнг қўлида соқолини ғижимлар бот-бот,
Чап қўлида гулдор тасбеҳ ўгирар султон.

Соҳибқирон ўйлар: “Чинга борурман тамом!
Мусулмонлар эрмиш хароб, бахти қаролар.
Чин фағфури барин қийнаб, айлаб қатли ом,
Расулуллоҳ умматига солмиш балолар.

Кўнгилхушлик ўйим йўқ,
Зар-бойликка раъйим йўқ!

Юрт керакмас, баҳоси йўқ юртим бор гўзал!
Зар керакмас! Айтсам кўнгил муддаосини:
Мусулмонлик шаъни қутлуғ биз учун азал,
Барбод этай Чин подшосин иддаосини!
Машваратни бошлай энди!..”

– Маъзур тутсунлар..

Кириб келар сармулозим кутилмаганда, –
Бебош тилим гунохидан, тилай, ўтсунлар...
Шундай нопок сўз дермидим? Қисмат экан-да...

Сўнг нелардир пичирлар,
Чоги бадбин фикрлар...

Султон ташлар мулозимга дарғазаб нигоҳ...
Сармулозим чекинади даҳшатга тушиб!

Шўрлик ўқдай останага етар баногоҳ,
Боши гаранг, каловланиб, эс-ҳуши учиб!

“Тасбеҳимда ўттиз учта дона санадим,
Ўттиз уч йил кездим, кўрдим дунё элини.
Ўттиз уч йил банд этибмен Турон маснадин,
Аммо ҳаргиз учратмадим бундог хилини!

Бу – Оллоҳнинг жазоси!

Бу – иймоннинг қазоси!

Нохуш хабар эшитилди, ки Халил Султон,
Сўрамабдур, қарамабдур ҳеч раъйимизга!
Яширинча уйланибдур, оздириб шайтон,
Авомуннос қаролардан чиққан бир қизга!..

Насл-насаб пок бўлмоги лозим оламда,
Тахту мулкка ҳаром-ҳариш тегмасин зинҳор!
Тахт – пок маснад, нопокка йўл йўқдир ҳарамга,
Тоза қондан бўлган зурёд қонуний ҳақдор!

Эй худо, бергил тўзим!..

Бад сўздан сақла ўзинг!

Набирам ёш, ақли кўзда, кўнгилчакдир хўп,
Ўша далли илинтирмиш макрига осон.
Ғунажин кўз сузмаса гар, кўрдик буни кўп,
Буқа ипин узмас асло! Барчага аён!..
Ҳайданг муни!!! Бадар кетсун, ўчсун қораси!
Салтанатнинг гулшанига тушмасун изи!
Макон бўлсун даралару, тоғлар ораси,
Бетавфиқнинг жонин олсун худонинг ўзи!
Ҳайданг, ҳайданг чўлларга!
Борса келмас йўлларга!..”

Барча дейди жунбиш ичра:

– Астағфурилло!..

Отабеги Худойдод-чи, хўп хуноб бўлар:

“Ҳар икки дил – эту тирноқ, ажралса илло,

Қон чиқадур! Икков бир жон, бир тан-ку улар?..”

Саросима, қўрқув босди Худойдодни бот,

Халил Султон аткасининг танг эди ҳоли:

“Икки дилни айирсалар, шаҳзода, ҳайхот,

Ўзин нобуд айламасми етиб заволи?..

Шодимулксиз ҳаёт йўқ,

Дунё ул билан ёруғ!..

Ажралгунча ўлимга тик боргай шаҳзода,

Айрилиқни келтирмагай хаёлга ҳатто.

Ўхшаш севги қиссаси йўқ балки дунёда,

Шундоқ кучли муҳаббатни Ҳақ этмиш ато!..”

– Икки ёшни айирурлар, ҳайдалгувси қиз... –

Шайхулислом дер: – Темурбек бузмас фармонин!

Буни, билинг, маҳди улё уҳдалар ёлғиз,

Қарорни ҳам ўзгартолар Сароймулкхоним...

Елиб борар Худойдод,

Маликадан тилаб дод!..

Халил Султон, жигарсўхта, кўркам шаҳзода,

Бибиҳоним арзандаси, кўзининг нури.

Унга дайди шамол тегиб кетса мабодо,

Хонимойим азоб чекар, чўкар ғурури.

Соҳибқирон ҳузурига кирар малика,

Ногирон ўнг оёгини уқалар аста...

– Ҳазратим! – дер. – Юрагимга тушди таҳлика,
 Халил Султон, набирамиз, орзу-ҳавас-да,
 Ўзин доно билибдур,
 Номақбул иш қилибдур...

– Сўзламангиз! Юзимизни қаратди ерга,
 Пинҳоналик – писмиқликдур; Биби, наҳот сиз,
 Қантак ўрик донаси деб, ардоқлаб, тергаб,
 Шундог машъум ниятларда катта қилдингиз?..

Ўзимда ҳам айб бордур... Давлат иши деб,
 Елдим, чопдим, фарзандларга бўлдим бепарво.
 Вир набирам ганим ёққа кетибди ўтиб,
 Мироншоҳ-чи, бебош, ўзин санабди танҳо!

 Пасайтирдим оловин,
 Тортиб қўйдим жиловин!!

– Ҳазрат... рухсат сўрай сиздан бир сўз айтарга...
 Шодимулкнинг гуноҳидан ўтсунлар фақат...

– Нима-нима?! Ул балкор қиз бўлгай бадарға!!
 Шаънимизга ёғдирди-ку хўп тавқи лаънат!..”

Хонимойим шаҳзодани кўрар мисли жон,
 Ўтқизгани жой тополмас, меҳри зиёда.
 Шодимулкни сақлаб қолса, набира – омон,
 Йўқса, ўзин нобуд этар қайсар шаҳзода!

 Оҳ, малика не қилсун?
 Бас, макрин ишга солсун!

Соҳибқирон фарзандга ўч, зурриётга зор...
 Хоним бирдан дейди (кўринг сохта фирибди!):

– Валинеъмат... Шодимулк – юкли, ҳа, бўйида бор...
 Томирида ол қонингиз тепиб турибди!..

– Нима-нима?!.. – қўлга тушган шердай инграр ул,
Айқаш-уйқаш бўлиб кетар Ҳазратнинг ёди!

– Майли... – деяр сўнг. – Туғилсун чеварам, ўғил...
Темурийлар сулоласин битта зурёти!

Бекор қилинсун фармон!

Кўз ёрисун соғ-омон!

Бироқ... ундан эзгуликни кутмоқ – хомхаёл!

Бешак ўғил туғилгуси, ҳушёр турсунлар!

Сўнг саройдан қувилсун ул шумқадам аёл...

Гумдон бўлсун! Уни беном қўлга берсунлар!..

Гофил қолар инсон икки нарсада ҳар гал:

Дунёга кўз очар қачон, кўз юмар қачон.

Манглайдаги чизиқни-ку ўзгартмоққа сал,

На шоҳ, султон, на паҳлавон – топмаслар имкон.

Тарих ҳукми эрур ҳақ!

Тақдир ҳукми муҳаққақ!

...Соҳибқирон вафот этди, топширди Ҳаққа,

Еру кўкка ишонмаган омонат жонни.

Яшин каби учди хабар Ғарб ила Шарққа,

Қайғу, мотам, зулумотга кўмди Туронни...

Талотўпда қолди-ку юрт, талаш тожу тахт...

Шодимулк дер:

– Ҳаққингиз бор, тахт сизга раво!

– Пирмуҳаммад эрур, йўқ-йўқ, асл валиаҳд!

Соҳибқирон васиятин этгаймиз адо!

Канизак қаҳ-қаҳ отар,

Халил Султон тош қотар:

– Йўқ, шаҳзодам! Бошингизга бахт қуши қўнди,
Ўзингиз-ку шаҳзодалар ичра аълоси!

Сиз – Туркистон ҳукмдори бўлурсиз энди!

Мен – Туркистон маликаси, маҳди улёси!

Шодимулк-мас! Йўқ! Мен энди Шодимулк оқамен,
Салтанатда энг нуфузли муқаррам Хотун!

Мана энди маликалар бағрин ёқамен!

Баҳодирлар зир титрашиб дегайлар отим!..

Шодимулк оқа гул эди,

Халил Султон қул эди!

Маликанинг чизигидан чиқмас шаҳзода,

Саройда ҳам фақир, мискин қурдилар сафо.

Шайхулислом ҳайрат-ла дер: – Ёруғ дунёда,

Ҳеч муътабар бўлмасин-да, кўргансиз, гадо!

– Қузғунларга лошим отмоқ бўлғонлар тирик,

Менга ўлим тилағонлар от узра ҳали!

Ҳа, ўларин тутадилар мағрур ва керик,

Барчасидан ўч олгаймен, келур маҳали...

Қасос қайнар қонимда,

Ором йўқдир жонимда!

Бибихоним ошин яшаб бўпти дунёда,

Соҳибқирон ёнларига юбормоқ даркор!..

– Йўқ! Йўқ! – деди Халил Султон. – Қўрқинг

худодан!

– Қўрққанлар-чи, у дунёда юрар бахтиёр!

Туман оқа узатилсун Шайх Нуриддинга,

Маликанинг боши очиқ... Шўрлик найласин?

Қўшин жамланг, лашкар тузиб отланинг Чинга!
Жаҳонгирлик мартабаси насиб айласин!

Сиз – Ўзбекхон авлоди!

Амир Темур зурёти!..

...Шоҳрух Мирзо бироқ етди олис Ҳиротдан,
Халил Султон ҳибсда, Шодимулк сазойи бўлди.

Улар Ҳазрат раъйига зид бордилар зотан!..

Йиғлаганлар йиғлаб олди, кулганлар кулди...

Дерлар, неки битилмишдур рўзи азалда,

Авлодларнинг зиммасига тушгай огир юк.

Донишмандлар: “Аттанг! – дейди нохуш маҳалда. –

Ит боласи ит бўлади, хук бўлади хук...”

Сўзим битди алқисса,

Қиссадан шулдир ҳисса:

Гар ўшанда ҳайдасалар Шодимулкни – ҳақли,

Пароканда бўлмасди юрт, бўлмасди риё!

Ҳали ҳамон лол айлаюр Темурбек ақли:

Валий экан, Амир Темур экан авлиё!..

Замон ўтар, замонларни орқалаб бир-бир,

Елка қирин кўргизишиб, қадр талашиб.

Беоқибат йиллар шошар, елар бесабр,

Ҳар оқил ҳам такбиридан кетгай адашиб.

Эй, дунёи бевафо!

Нечун айларсен жафо?

“Мен қилармен ўттиз, худо қиладур тўққиз...”

Бу ҳикматни ким айтса ҳам, мутлақо ҳақдир:

Парвардигор, бандаларга ўзинг йўл кўргиз,

Мос келмаса мушкул экан тадбирга тақдир...



“ИСМИМ ТЕМУРБЕКДИР, ТЕМУРБЕК СЎЗИМ...”

(Монолог)

I

Исмим Темурбекдир, Турон ўглимен,
Юртимда ёв кўриб, багри тиглимен.
Чақмоқнинг симини бука олгон ким,
Ёмғирнинг ишини туга олгон ким?
Ким ўша Ер-кўкни якқалам этган,
Бу фалак-дунёнинг тагига етган?
Гайбий хотифлардан келгай бир садо:
“Бу ёлғиз Ўзидур, Ўзи – Ҳақ-худо!”
Кабиру зул-жалол, жаббору ғаффор,
Ҳамду сано сенга, эй парвардигор!
Азал-азалийсан поёни йўқ, йўқ,
Абадийсан, англаш имкони йўқ, йўқ!
Эй, кўкни устунсиз кўтариб азот,
Кун-ойни ҳукмига бўйсундурғон зот!
Кечани кундузга айлағон шерик,
Бор жумла мавжудот сен билан тирик!
Салламно айтади чўлу дара, тоғ,
Жўр бўлуր чақмоғу момақалди роқ...
Боғдаги гул эса барқ уриб гулгун,
Шукр дер, менга кўрк берганинг учун.
Борлиқ олам узра босдинг муҳрингни,
Фаришталар алқар сенинг умрингни!

Гарчи забт этсам ҳам ярим дунёни,
Титратсам сарбаланд еру самони,
Имон келтиргаймен неча минг карра,
Сен – улуғ тоғдирсен, мен – кичик зарра!..

II

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Дили аламлимен, кўнгли чўғлимен.
Инсон тўрт унсурдан яралмиш азал,
Яралмиш беками кўсту мукаммал.
Ўт билан сув дерлар, тупроқ ва ҳаво –
Тўрт нарсадан тўлуғ Еру кўк, фазо...
Туғилдим Кешда мен, толе онида
Амир Тарағайнинг хонадонида.
Тангри бандасини шундай яратди,
Сўнг жумла оламини унга қаратди...
Оқ ювиб, оқ тараб Тегина онам
Асло тегизмади кўзларимга нам.
Офтоб нур сочару кўргизур ҳиммат,
Аммо ҳиммат учун қилгайму миннат?..
Болалик чоғимдан мисли сирдошим
Бошимда соябон бўлди кўёшим.
Дардим бор, дардлашни истайди кўнги...
Ўлиб пешонамдан отам дерди: “Бил:
Ғам тортган шунқорнинг кўнглини олғил.
Инчунин савобнинг тагида қолғил!
Агарда бошингга тушса қора кун,
Соянг ҳам сени тарк этмоғи мумкин.
Бамисли шам эрур инсон ўзи ҳам,

Ёниб қачон тугар – сира билмас шам...
Билгил, суистеъмол қилсанг мабодо,
Қусурга айланур фазилаг ҳатто.
Чин дўстлар қилмагай хиёнат зинҳор,
Уларда имон бор, бор диёнат, ор...
Умрингда қўл келар дея атайин,
Бобонг ўгитини сенга айтайин:
*“Ўзингни кам ўйла, ўзгани – кўпроқ,
Ўзгани шод этсанг, шул сенга хўброқ...”*

III

Исмим Темурбекдир, Турон ўглимен,
Томир-томир абад сенга боғлимен.
Кенгашга юкладим салтанат ишин,
Бир эмас, иккимас, тўққиз улушин.
Пирим шул ҳикматни дилимға солмиш,
Фақат бир улуши қиличға қолмиш.
Зеро, Ҳақ осмондан туширмиш ерга,
Китобу Тарози, Темирни – бирга.
Бандага “илм” ёр, “адолат” ёрдир,
Афсус, “темир” га ҳам эҳтиёж бордир...
Туғимда уч халқа ярқирар ял-ял:
Эзгу сўз, ҳур фикр, хайрли амал.
Эзгу сўзни тутиб, ҳур фикр айлаб,
Хайрли амални кўнгилга жойлаб,
Мадрасалар қурдим, боғлар уйғонди,
Бўй-бастимга қараб тоғлар қувонди.
Тикладим урф-одат, удумларни мен,

Асрадим золимдан мазлумларни мен.
Катталарин кўрдим ака ўрнида,
Кичикларин суйдим ука ўрнида.
Емадим – едирдим, ичмай – ичирдим,
Гуноҳ қилгонларни дарҳол кечирдим,
Меҳр ила қаҳримни айлаб ҳаммайдон,
Жазо беришликдан тийилдим ҳар он.
Жазо қўлламоқдан худо асрасун,
Қўлласа, Оллоҳнинг ўзи қўлласун.
Кўнгилдан нозикроқ кўрмадим аъзо,
Кўрмадим, ки бандни эҳсондин аъло,
Энг нозик аъзони қатъий ва қоим,
Эҳсон банди билан боғладим доим!
Хайру эҳсонларни дариг тутмадим,
Хайрсиз лаҳза ҳам куним ўтмади.
Дунёга кенг боқсун, юрт тузгон ул мард,
Душманни ўзига дўст қилмоги шарт:
Душманинг биттага камайгай, ўғлон,
Биттага кўпайгай дўсти дили жон.
Дўст қани?.. Ҳушёр бўл, емай пушмонлар,
Дўст – дўстга айлангон эски душманлар.
Бир ҳикмат қалбимда Оллоҳдан сийлов:
“Дўстингга бўл ялов, душманга – олов!..”

IV

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Чақмоқ қиличлимен, мағрур туғлимен.

О, бизлар тўп бўлиб бола паллалар,
“Пошшо-вазир” уйнар эдик болалар.
Мен пошшо бўлардим... Миниб ёғоч от,
Еткизмай кетардим ҳеч кимга, ҳайҳот!
Шундоғ юрт тузишни айлардим орзу,
Токи жаҳон тожи бўла олсин у!
Довруғи дунёнинг тагига етсун,
Васфини тарих ўз қатига битсун!
Ҳа, қилич тигини ўпа олгон зот
Пошшолиққа лойиқ эмиш умрбод!
Ҳар кимнинг қамчиси ўз қўлиндадир...
Ҳар кимнинг толеи ўз йўлиндадир.
Майдон мард изидан топадур шараф,
Мард ҳам улуғланур майдонга қараб.
Шиддатимни кўриб жўшди дарёлар,
Пойимга тўшалди чўлу саҳролар.
От устида бўлдим, юрмадим яёв,
Йўллар танобини тортдим беаёв.
Қачонки майдонга солибдурмен от,
Ҳақ дариг тутмади назарин, ҳайҳот,
Илоҳий сабаблар уланиб бир-бир,
Қўшилиб ниятлар, такбирға такбир –
Бошда етти иқлим боғбони – офтоб,
Наъра тортиб кирдим жангларга шитоб!
Ёвларни титратдим, чўккалатдим тиз,
Бош эғиб чиқмадим майдондан ҳаргиз!
Тангри таолодан мададлар олиб,
Фақат ғолиб бўлдим, фақат мен ғолиб!

Ҳамиша юксақда балқиди туғим,
Ҳамиша фалақда яйради руҳим!
Англатдим дунёга бир сўзни лекин:
Туронга бўроннинг қофиялигин!
Ҳа, эллар улуғи Турондир, дўстлар,
Туронга қофия бўрондир, дўстлар!..

V

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Ватан, сенсиз мен ҳам борли-йўқлимен.
Дунёда омад бор, бахт бор, висол бор!
Ноумид қўймагай ҳеч парвардигор!
Шундоқ эранлардан бири бўлдим мен,
Дунёни титратган шери бўлдим мен,
Ўн саккиз минг олам яратган худо,
Хоҳлаган қулига мулк этгай ато.
Дунёга не учун келганин агар
Анғласа, шул Инсон бахтли муқаррар!
Мен Ватан, Турон деб дунёга келдим,
Ватанни кўзимга тўтиё билдим!
Чилпарчин косадай қуроқ эдинг сен,
Турон деб аташдан йироқ эдинг сен.
Самарқанд бир ёқда, Тошқанд бир ёқда,
Қайсар, ўз ҳаддидан ошган бир ёқда...
Миллат деб куйиш йўқ, эл деб ёниш йўқ,
Қуйманиш, тўлғониш, оҳ, ўртаниш йўқ!
Халқим юрагига ҳамсоз, ҳамнафас,
Бирикмас бошларни қовуштирдим, бас.
Юрт деб яшагани кўтардим бошга,

Ибрат деб алқадим, кексага, ёшга...
Шукрим, муроду мақсадга етдим:
Туронни ягона мамлакат этдим!
Оллоҳдан сўрайман, то замон-замон,
Жаннатдай юртимни асрагин омон.
Дунёга таралсун шуҳрати, шони,
Илоҳи, мусаффо бўлсун осмони!

VI

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Юртимда ёв кўриб, бағри тиглимен.
Дили аламлимен, кўнгли чўғлимен.
Чақмоқ қиличлимен, мағрур туғлимен.
Ватан, сенсиз мен ҳам борли-йўқлимен.
Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Томир-томир абад сенга боғлимен!..



Мундарижа

Қасам	5
“Болалар улғаймоқ истарлар”	6
“Бир йигит бор, келишган, гўзал...”	6
“Қачонлардир яшаган Хайём...”	7
“Майлига, йиглангиз...”	7
Сонет	8
Шарифа	9
“Нетай...”	11
Қўзичоқ	12
Юрагим	13
Далаларга қилайлик таъзим	18
Қиз қўшиқ айтади	20
“Ногоҳ ғазаб ичра бепарда шамол...”	20
“Яна бир кун айлагил бардош...”	21
Илтижо	22
“Суманбарим, қайғурмагил ҳеч...”	24
Янги йил кечасида	25
Она дуоси	26
Мен тугилган уй	28
“Хаёл беринг менга...”	31
Тонг	32
Дамлар	33
Қаландар умри	35
“Сувга тушган тош каби беғам...”	37

Бухоро гузалига	38
Ҳаёт абадий	39
Ирмоқ	40
Муқанна васияти	42
Парвоз	45
Аврангзебнинг чинори	48
Баҳор келганда	50
Спитамен (<i>Туркумдан</i>)	54
Мувашшах	60
Қўнглим гули	61
Фардлар	64
Ёруғлик Шарқандир	66
Кўҳна Урганч минораси дейди	68
Боболар ўгити	69
Қиз қўшиги	70
“Шўхлигим ёқади, қарайман зимдан...”	73
Мард ўғлон қасидаси	74
Оҳу кўзинг	76
Қизил гул	77
Армон	80
Шоирнинг бир куни	85
Фотиҳа сураси илҳоми	86
Уйғониш	87
Санамгул	91
Янги танишлар	92
Бекинмачоқ	93
“Хайр! Кўнгила иши нозик...”	95
Сен	96
“Сизни яхши кўрсак, айб биздами...”	97
Сенга бағишланган сонетлар	98

Даъват

Янги йил қадаҳи

Булбул

Мен ўзим, ўзим

Тилак

“Хатларни аямай йирта бошларсан...”

Арча

“Япроқдан ипак чиқар...”

“Ёмғир ёғар майдалаб...”

“Тенгингни кўрмасмен бу баҳру барда...”

“Баргларга бош қўйиб ухлайди шамол...”

Болалигим хотираси

Қизлар ўн еттига кирганда

“Ёр-ёр” жаранглайди тун-кечаларда...”

Навоий ғазалига мухаммас

Рубойлар

Жавзо қўшиғи

Фил билан лайча

“Агар шуълаларга бўлсам маҳдиё...”

“Жоним олиб, бизга тағи “жон” дейдиларму?..”

Изтироб чекмоқ нима

Икки карра тўққиз

“Севган юрак...”

“Умр ҳам бир жойга бориб қолмоқда...”

Топишмоқ

Сўроққа айланган одам

“Қошимдасан, турибсан жим, лол...”

“Ташқарида қирчиллайди қиш...”

Ўзбекистон

“Қоронғу кўчада танҳо келардим...”

102	“Рамаяна оҳанглирида” (Туркумдан)	142
104	Қитъалар	154
106	“Энди бас, тугади...”	156
107	Машраб газалига муҳаммас	157
108	Уйланмаган йигитга	159
109	Шоирнинг сийлови	161
110	Ўзимизнинг болта	162
111	Мен кимман	163
112	“Қандай соз даврада балқиганинг он...”	164
113	“Шеър – гулнинг япроғига...”	165
114	Кимга куёв	166
116	Юсуф Хос Ҳожиб дейди	167
117	Оддий Амриқо дафтари туркум	168
118	Шоҳруҳия харобаларида	176
119	“Кўпдан шеър ёзмадим...”	177
121	Шоирга	178
123	“...Ям-яшил кенгликлар бағрига чорлар...”	180
124	Эски фалсафа	181
125	Изҳор	182
126	Романс	184
127	Итнинг садоқати	185
129	“Ёруғлик кўрмадим ҳаётдан, дема...”	185
130	Ҳикмат	186
131	“Кўрсат, шижоатнинг беқиёс кучин...”	186
132	Баҳор	187
133	“Ошиқ маъшуғини интизор кутгай...”	189
134	Ёмғирда қолган қиз	190
135	“Рост дединг...”	191
136	“Кўнгила ошно бўлмоқ истагидан маст...”	192
141	Кўз васфида	193

Камгар Афанди дейди	194
Икки буйдоқ суҳбати	195
Давонинг усули	196
Ҳаёт тигиз	197
Дўстимга	199
Қатордан қолмадим	200
“Чироқ ўчиб қолди...”	201
“Бордир менинг ёлғиз ситорам...”	202
”Соғинаман ёримни...”	203
“Яхши сўз нашъа қилар...”	204
“Висол онларига....”	205
“Сени гунча янглиг авайлардим мен...”	205
“Бетимсол бўлибсан...”	206
Қиш	207
Анорхон	208
Нон	209
Миниатюралар	210
SMS	212
“Соҳибқирон” китобидан	213
Авлиёнинг башорати (<i>Достон</i>)	215
“Исмим Темурбекдир, Темурбек сўзим....” (<i>Монолог</i>)	223

Адабий-бадий нашр

Муҳаммад Али

КЎНГИЛ НАЙЛАРИ

Муҳаррир Гузал Бегим

Бадий муҳаррир Иззат Юлдошев

Техник муҳаррир Екатерина Корягина

Мусахҳиҳ Фотима Ортиқова

Компьютерда саҳифаловчи Бобур Тухтаров

Нашриёт лицензия рақами АІ №154. 14.08.09.
2016 йил 25 сентябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 70x100 ¹/₃₂. Агно Про гарнитураси. Офсет босма.
9,5 шартли босма тобоқ. 6,78 нашр тобоғи.
Адади 1000 нусха. 631 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz



ISBN 978-9943-03-920-9



9 789943 039209